При анализе величин стандартного отклонения ( $\delta$ ) наименьшие значения установлены у следующих гибридов F5: Наманган-34 x C-6545, СБ-6 x C-6545, у которых они укладываются в пределы от 0,71 до 0,76, что позволяет сделать вывод о малой изменчивости анализируемого признака семей этих гибридов, взятых для селекционной проработки в биологическом питомнике пятого поколения.

На основании проведенного анализа результатов исследования следует сделать следующие выводы: лучшими по средней величине признака стали сорта хлопчатника отечественной селекции C-6524 и Наманган-77; наибольший интерес с селекционной точки зрения представляют гибридные комбинации пятого поколения F5: Наманган-77 x C-6545, СБ-6 x C-6541, C-6545 x СБ-6, у которых средняя величина признака соответственно равнялась 13.1, 12.3 и 13.4 ветви

#### Использованная литература

Ибрагимов П.Ш. Генетические методы в селекции хлопчатника. -Ташкент. 2006. - 104 с.

Зейналов З.И. Массовое получение гетерозисных гибридов хлопчатника. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы развития» //Материалы международной научно-практической конференции –Ташкент. 2006.- С.80-82.

Доспехов Б.А.Методика полевого опыта. 1980., М., Колос.

### **ВЕРТИЦИЛЛЁЗ ВИЛТГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАС ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ**

Маткаримов М.Ў., Ҳусенов Н.Н., Тураев О.С., Норбеков Ж.К.,  
Кушанов Ф.Н., Абдурахмонов И.Ю.

ЎЗР ФА, Геномика ва биоинформатика маркази  
111215, Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2-уй.  
[maruf.matkarimov@genomics.uz](mailto:maruf.matkarimov@genomics.uz)

Сўнги йилларда Республикамиз пахтачилигига жиддий зарар келтираётган касалликлар ичида вертициллёзли вилт касаллиги алоҳида ўрин тутди. Ушбу касаллик туфайли бугунги кунда етиштирилаётган пахта ҳосилининг қарийб 5-7 фоизи йўқотилмоқда. Муаммодан келиб чиққан ҳолда касалликка қарши курашишда энг замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш замон талабидир. МАС (Маркерларга асосланган селекция) технологияси селекция соҳасида кескин бурилиш ясаган инновацион технология ҳисобланиб, унинг асл моҳияти генотипдаги маркерларга ёрдамида фенотипни танлаш демакдир. Мазкур технология мамлакатимизда илк бор ғўза экинига тадбиқ қилинган бўлиб, бунинг натижасида юқори тола сифат кўрсаткичларига эга бўлган нав ва линиялар яратилган. Мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад марказда ген-нокаут ҳамда МАС технологиялари асосида яратилган навларга “генларни пирамидалаш” усулларидан фойдаланиб вертициллёзли вилтга чидамлилиқ генларини интрогрессия қилишдан иборат.

Тадқиқот учун Ўзбекистон ғўза гермоплазмасидан ушбу касалликка чидамли деб топилган 18 та линия ҳамда маълумотлар базаси асосида чидамлилиқка генетик

бирикан 46 та ДНК маркерлари танлаб олинди. Танлаб олинган ДНК маркерлари Порлоқ (ген-нокаут) ҳамда Равнақ (МАС) навлари билан вертициллёзли вилтга нисбатан юқори чидамли бўлган 18 та линиялар ўртасида полиморфизмни аниқлаш учун хизмат қилди. ПЗР скрининг натижаларига кўра BNL2646 ҳамда BNL3255 маркерлари Порлоқ-1, Порлоқ-2, Равнақ-1, Равнақ-2 навлари билан 10 та чидамли линиялар (Deltopine 14, Meade 14-2, Rex, DPZ 554085, Mebane B-1, RS – 89, Type 4 AVB5, PD 6520, PD 747, PD 648, Las Brenas 347) ўртасида юқори полиморфизм кузатилди. Донор линияларнинг ҳар бири реципиент сифатида олинган Порлоқ ҳамда Равнақ навлари билан ўзаро чатиштирилиб дурагай ўсимликлари олинди. Биринчи авлод (F1) дурагай ўсимликлари реципиент навлар билан қайта чатиштирилди ва беккросс биринчи авлод (BC1F1) дурагайлари яратилди. Тегишли ДНК-маркерларидан фойдаланиб геномида донор аллеллари мавжуд бўлган дурагайлар ПЗР скрининг асосида танлаб олинди.

Келгуси тадқиқотларда ушбу дурагайлар бешинчи авлодга қадар реципиент навлари билан қайта (беккросс) чатиштирилади ва ҳар бир авлод дурагайлари молекуляр скрининг асосида танлаб борилади. Шундан сўнг дурагайлар яна уч авлод ўз-ўзидан чатиштирилиб яқка танлов асосида тола сифати юқорилиги билан бир қаторда вертициллёзли вилт касаллигига чидамли бўлган линиялар танлаб олинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзанинг мамлакатимиз учун стратегик экин эканлиги ҳамда вертициллёзли вилт касаллиги туфайли келтириладиган иқтисодий зарар эътиборга олиннадиган бўлса бу йўл билан янги навларни яратиш соҳадаги долзарб вазифалардан бўлиб қолади.

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА СИММУТ КОЛЛЕКЦИЯСИДАН  
КЕЛТИРИЛГАН БУҒДОЙ НАМУНАЛАРИНИНГ ЗАНГ  
КАСАЛЛИКЛАРИГА ВА ЁТИБ ҚОЛИШГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ  
БАҲОЛАШ**  
Мелиев С.К.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.  
[meliev.sodir@mail.ru](mailto:meliev.sodir@mail.ru)

Республикаимизда буғдой селекцияси билан шуғулланувчи илмий тадқиқот институтлари бир неча йиллардан бери СИММУТ ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда ва бу ташкилот коллекциясидан олинган элита навлар кўчатзори, юқори температурага, чидамли навлари, қурғоқчиликка чидамли ва буғдойнинг уч хил занг касалликларига чидамли навлар кўчатзорларидан олинган намуналар республика шароитида экиб ўрганилиб, селекция жараёнига тадбиқ этиб келинмоқда. Ҳозирги кунда занг касалликлари зарари, қўзғатувчиларнинг генетикаси ва уларга қарши чидамли навлар яратиш соҳасидаги тадқиқотлар мамлакатимизда ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (Бабоев С.К., Тўрақулов Х.С. ва б), Ўзбекистон ўсимликшуностлик ИТИда ҳамда Тошкент давлат Аграр Университетида ўтказилмоқда. Бизнинг тажрибаларимиз ҳам сариқ занг касаллигига чидамлилигини баҳолаш мақсадида тажрибалар олиб борилди.



Тажрибалар ЎзР Фанлар академиясининг Генетика ва Ўсимликлар экспериментал биологияси институти “Дўрмон” тажриба базасида олиб борилди. СИММУТ халқаро ташкилоти генафондининг 46thIBWSN (Халқаро юмшоқ буғдой танлаш кўчатзори) дан олинган ва бошқа намуналарга нисбатан юқори ҳосилли бўлган 20 та намуна институтнинг сариқ занг сунъий инфекция фонидида 1м2 майдонларда экилиб, занг касаллигига чидамлилиги ўрганилди. Инокулум сифатида замбуруғ споралари ва талка кукуни аралашмаси (1:300нисбатда) ёки спораларнинг хлорсиз сувдаги суспензияси ишлатилди, бунда 1 литр суспензияга 1 томчи Tvip-20 қўшилди(Бабоев С.К., Тўрақулов Х.С. ва б). Сариқ занг касаллигига намуналар чидамлилигини баҳолаш “Халқаро сариқ занг кўчатзорида нав ва намуналарни баҳолаш” усулига мос равишда ўтказилди ва бунда намуналар инокуляция қилингандан кейин 14 кун ўтгач, ҳар 3 кунда уларнинг касалланиш типлари қуйидаги шкалага биноан аниқланиб борилди: 0 (zero) – immun; R (resistant) – чидамли; MR (moderate resistant) – ўртача чидамли; MS (moderate suseptible) – ўртача чидамсиз; S (suseptible) – чидамсиз Занг касаллигига чидамлилик McNeal услубида баҳоланди.

Танлаб олинган намуналарнинг 8 таси иммун ҳолда бўлиб, занг касаллиги белгилари кузатилмаган бўлса, 7 та намунада 10-15 фоизгача касалланиш юзага келган, лекин бу барглардага касаллик белгилари атрофида некроз тез ҳосил бўлиб, касаллик ривожланишда тўхтаган. Учта намуна 20 фоизда 30 фоизгача касалланган бўлишига қарамай кейинчалик некроз ҳосил бўлган бу намуналар ўртача чидамли MR деб баҳоланган. Бундан ташқари яна 2 та намуна MS, яъни ўртача чидамсиз бўлишига қарамай баҳорги совуққа кучли бардошлиликни намаён этганини ҳисобга олиб, бу намуналарни ҳам назорат кўчатзорида синаб кўриш учун танлаб олинди.

Замоновий буғдой селекциясида яратилаётган ва амалиётга кенг тadbик этилаётган буғдой навлари асосан интенсив типдаги навлар бўлиб, улар паст бўйли ва ётиб қолишга чидамлидир. Тажрибаларимизда ётиб қолишга чидамлилик 9 баллик шкала бўйича баҳоланди. Биз танлаб олган намуналар ўрта бўйли бўлиб, ўсимлик бўйи (85-95) см. ни ташкил этган ва асосан ётиб қолишга юқори чидамли. Буғдой селекцияси учун янги бирламчи манбаларни танлашда занг касалликлари бўйича сунъий яратилган инфекция фонларда танлаш, занг касалликларига чидамли бўлган ва Ўзбекистон шароитига мослаша оладиган намуналар танлаб олинди ва селекция жараёнида донор сифатида фойдаланиш учун таклиф этилди.

**СИММУТ КОЛЛЕКЦИЯСИДАН КЕЛТИРИЛГАН ЮМШОҚ БУҒДОЙ  
НАМУНАЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ  
ВА СЕЛЕКЦИЯ ИШИДА ДОНОР СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ.**

Мелиев С.К. Бузруков С.С.

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

[meliev.sodir@mail.ru](mailto:meliev.sodir@mail.ru)

Буғдой дунёда энг кўп экиладиган қишлоқ хўжалик экинларидан бўлиб, инсон эhtiёжи учун зарур бўлган калориянинг 20% ини таъминлаб беради. Ўзбекистонда буғдой селекцияси олимларининг олдида турган вазифалардан бири-навларнинг ҳосилдорлигини ва доннинг нон бўлиш сифатини оширишдан иборат.

Бу вазифани ҳал этишда жаҳон буғдой коллекцияси намуналаридан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тажрибалар институтнинг тажриба базасида олиб борилди. СИММУТ халқаро ташкилоти генафондининг 46thIBWSN (Халқаро юмшоқ буғдой танлаш кўчатзори) дан олинган 200 намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари ўрганилди ва энг яхшилари яъни 20та намуна танлаб олиниб ҳосилдорлик элементларини тўлиқ ўрганиш учун уларнинг ҳар бири 10м<sup>2</sup> ли майдончаларга тўрт қайтарилиқда рендомизация усулида экилди. Олинган натижалар Кен Саера формуласи асосида таҳлил қилинди.

Танлаб олинган намуналарда ҳосилдорлик индекси 0,31 дан 0,44 гача бўлиб, ўртача 0,37 га тенг. Бу албатта яхши кўрсаткич, яъни умумий биомассанинг 37 фоизини дон ташкил қилади. Иккинчи кўрсаткич бу майдон ҳисобига дон ҳосилдорлиги бўлиб, 1м<sup>2</sup> даги дон оғирлиги 431 грдан 615 гр гачани ташкил этган. Бу тўрт қайтарилиқдаги ўртача ҳосилдорлик бўлиб, ишлаб чиқаришдаги ҳосилдорликка нисбатан кам бўлиши мумкин, бунга сабаб кичик майдонларда тажриба учун экилганда биринчи навбатда қўлда экилади ва йиғиш вақтида кўп йўқотилади.

Шунга қарамай 7та намунада ҳосилдорлик гектар ҳисобига олганда 50 центнердан кўп ҳосил берган, 1079 намунасида бу кўрсаткич 61 центнерни ташкил этган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу кўрсаткичларнинг статистик таҳлили СИММУТ халқаро ташкилотининг етакчи мутахассисларидан бири Кен Саера томонидан ишлаб чиқилган мураккаб формулалар асосида ҳисобланган бўлиб, ҳосилдорлик элементлари катта майдон ҳисобига реал кўрсаткичларни беради.

Ҳосилдорлик элементларидан яна бири биомасса бўлиб, бу кўрсаткич ҳосил индекси билан тесқари боғланган бўлиб, ҳосил индекси қанча юқори бўлса биомасса шунча паст бўлади. Биз таҳлил қилган намуналарда асосан дон ҳосили юқори бўлган намуналарда биомасса ҳам юқори бўлган. Фақат бир намунада дон ҳосили ҳосил индекси ҳисобига юқори бўлганлиги кузатилди.

Ишлаб чиқаришда буғдой ҳосилдорлигини башорат қилишда 1м<sup>2</sup> даги бошоқ сони, бир бошоқдаги дон сони ва вазнидан кўпроқ фойдаланилади. Биз танлаб олган намуналарда бу кўрсаткич ўртача 381,5 ни ташкил қилиб, 10 та намунада ўртачадан юқори, дон ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган намунада 1м<sup>2</sup> даги бошоқ сони ўртача 548 тани ташкил этган, яъни ҳосилдорлик асосан уруғнинг тўла униб чиқиши ва пушталаши ҳисобига бошоқ сонининг кўп бўлиши эвазига ортган. Барча намуналар бир хил меёрда экилганлигини ҳисобга олсак бу намунада бошоқ сонининг кўп бўлиши унинг генотипига боғлиқ бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Олиб борилган тажрибаларимизда ўрганилган намуналар 1000 дона дон вазни бўйича бир биридан фарқ қилган, яъни 34,6 грамдан 47,6 грамгача бўлган бўлса, ўртача кўрсаткич 41,2 грамни ташкил этди. Намуналар бўйича ўртача кўрсаткичнинг паст бўлиши асосан занг касаллигига чидамли бўлган 2 та намуналари ҳисобига бўлиб, уларда 1000 дон дон вазни мос равишда 34,8 ва 34,6 грам, дон ҳосилдорлиги ҳам ўртача кўрсаткичдан анча паст, бўлиб асосан бир бошоқдаги дон сони ҳисобига ҳосилдорлик таъминланган.

Шундай қилиб, буғдой селекцияси учун янги бирламчи манбаларни танлашда ҳосилдорлик элементларини статистик таҳлил қилиш натижасида ҳосилдор бўлган

ва Ўзбекистон шароитига мослаша оладиган намуналар танлаб олинди ва селекция жараёнида қўллаш учун таклиф этилди.

## **ГЕНОТИПИЧЕСКАЯ РЕАКЦИЯ ПО ОВОДНЕННОСТИ И ИНТЕНСИВНОСТИ ТРАНСПИРАЦИИ ЛИСТЬЕВ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА К НЕДОСТАТОЧНОМУ ВОДОСНАБЖЕНИЮ ПРИ ПРЕДПОСЕВНОЙ ХИМИЧЕСКОЙ И ФИЗИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКЕ СЕМЯН.**

Набиев С.М.<sup>1</sup>, Усманов Р.М.<sup>1</sup> Аширалиева С.М.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз

[igebr\\_anruz@genetika.uz](mailto:igebr_anruz@genetika.uz),

<sup>2</sup>Гуслистанский Государственный Университет

При решении проблемы разработки водосберегающих агротехнологий, наряду с другими направлениями, важное значение имеет и поиск путей повышения засухоустойчивости хлопчатника предпосевной обработкой семян физическими и химическими факторами, изучение их влияния на биологические показатели, в том числе на физиологические параметры водного баланса растений. Семена сортов хлопчатника – Навбахор-2, Ишонч и Ташкент-6 перед посевом были обработаны электромагнитным полем низкой частоты (ЭМПНЧ) и красным светом (КС), а также химическим веществом – глицирризиновой кислотой, а семена сорта Гульбахор-2 - с ЭМПНЧ и глицирризиновой кислотой. Контролем служили необработанные семена этих сортов. Полевые опыты проведены на опытном поле Зангиатинской экспериментальной базы ИГиЭБР АН РУз. Семена сортов были посеяны в условиях оптимальной водообеспеченности, при схеме полива 1:2:1 и в условиях недостаточной водообеспеченности, при схеме полива 1:1:0. Глубина грунтовых вод 8,0 и более метров. На обоих фонах исследований материал был высеян в 3-х кратных рендомизированных повторениях, на двух рядах в каждом повторении и по 25 растений в каждом ряду, по схеме посева 90х20х1.

Во всех изученных вариантах оводненность листьев у опытных и контрольных растений при недостатке почвенной влаги снижалась по сравнению с оптимальным водоснабжением. При этом в обоих условиях водоснабжения предпосевная обработка семян вышеуказанными факторами не привела к достоверному изменению оводненности листьев растений по сравнению с контролем. На оптимальном фоне водоснабжения контрольные варианты сортов Навбахор-2 и Ташкент-6 имели существенное различие между собой по показателю признака (соответственно 71,3% и 74,3% при  $NSP05 = 1,1\%$ .)

Во всех вариантах интенсивность транспирации листьев у опытных и контрольных растений при водном дефиците в разной степени снижалась по сравнению с оптимальным водоснабжением. В условиях оптимального водоснабжения, по сравнению с контролем, предпосевная обработка семян ЭМПНЧ привела к увеличению транспирации листьев у сорта Навбахор-2 (на 11,2%), а у сорта Ташкент-6, наоборот, к ее уменьшению на 22,4%. У сорта Ишонч разница была несущественной. В условиях ограниченного водоснабжения достоверной разницы между этими вариантами также не было выявлено.

В условиях оптимального фона водного режима предпосевная обработка семян красным светом привело к уменьшению интенсивности транспирации у сорта Ташкент-6 на 28,2% по сравнению с контролем, а у сортов Навбахор-2 и Ишонч достоверной разницы между вариантами не было. В условиях водного стресса ни у одного сорта не были выявлено достоверной разницы между контролем и вариантом с обработанными семенами.

В условиях оптимального водоснабжения по сравнению с контролем предпосевная обработка семян глицирризиновой кислотой привела к увеличению интенсивности транспирации у сорта Навбахор-2 (на 16,4%), тогда как у других сортов разница была несущественной. В условиях водного стресса у всех сортов разница между этими вариантами также была несущественной.

Таким образом, полученные данные показывают на разносторонний характер влияния физических и химических факторов на параметры водообмена растений у сортов хлопчатника в условиях оптимального и недостаточного водоснабжения.

## **НАСЛЕДОВАНИЕ ПРИЗНАКА «ПРОДУКТИВНОСТЬ РАСТЕНИЙ» У МЕЖВИДОВЫХ РАСТЕНИЙ F1 ХЛОПЧАТНИКА В РАЗНЫХ УСЛОВИЯХ ВОДОСНАБЖЕНИЯ.**

Набиев С.М., Нуров Б.Х., Хамдуллаев Ш.А.

Институт Генетики и экспериментальной биологии растений АН РУЗ,  
[m.saydigani@mail.ru](mailto:m.saydigani@mail.ru)

Объектом исследований служили сорта вида *G. barbadense* L.- Ашхабад-25, Карши-2, С-6037, интродуцированные средневолокнистые образцы вида *G. hirsutum* L. с рассеченными листьями : Окра-1(А-3009, Западная Африка), Окра-2 (0798, Китай), Окра-3 (Leaf acala, Индия), Окра-4 (La okra leaf acala, Эфиопия) и Окра-5 (G-203-5, Австралия), реципрокные гибриды F1 тонковолокнистых сортов с этими образцами хлопчатника.

Сорта и растения F1 высевали в полевом опыте в трех рендомизированных повторениях по 30-40 растений в каждом варианте и каждом повторении. Схема посева 60x25x1. Опыт закладывали на разных фонах поливного режима: Оптимальный фон водоснабжения ( контроль) получал 5 поливов по схеме 1:3:1 при оросительной норме около 5 тыс. м<sup>3</sup> воды,ограниченный фон водоснабжения получал 3 полива по схеме 1:2:0 при оросительной норме около 3.2 тыс. м<sup>3</sup> воды при пересчете на гектар. Объем поливной воды, которая подавалась через водопроводную трубу, измеряли аппаратом УВК-20. Прочие условия агротехники были выровнены.

В условиях оптимального водоснабжения вес хлопка-сырца одного растения у сорта Ашхабад-25 составил 47,0 г., у Карши-2 и С-6037 соответственно 44,8 г. и 44,5 г., что указывает на отсутствие статистически достоверных различий между этими тонковолокнистыми сортами хлопчатника при НСР<sub>05</sub>=4,4г. У окралистных средневолокнистых форм наиболее высокое значение продуктивности отмечено у сортообразца Окра-5-70,1 г., менее урожайным был Окра-1 -42,6 г. У сортообразцов Окра-2, Окра-3 и Окра-4 продуктивность растений соответственно составила 55,4 г.;53,2 г. и 58,3 г. В комбинациях F1 наиболее высокая продуктивность отмечена у реципрокных гибридов сорта Ашхабад-25 с Окра-

4(102,8 и 107,9 г.) и с Окра-5 ( 101,9 г. и 106,0 г.), сорта Карши-2 с Окра-3( 101,2г. и 112,5 г.) и с Окра -5 ( 129,3г. и 141,1 г.), сорта С-6037 с Окра- 5 (105.1г. и 108,0 г.).

При оптимальном водном режиме признак « продуктивность растений» из 30 комбинаций F1 наследовался у 27-ми-по типу положительного сверхдоминирования, у 1 комбинации- по типу отрицательного сверхдоминирования и у 2-х комбинаций- по типу неполного доминирования лучшего родителя.

Возделывание растений в условиях дефицита влаги снизило продуктивность всех исходных и гибридных генотипов. При этом показатели признака у тонковолокнистых сортов Ашхабад-25, Карши-2 С-6037, окралистных средневолокнистых образцов Окра-1, Окра-2, Окра-3, Окра-4 и Окра-5 соответственно составили 28,1г.,32,8г.,27,4г.,22,8г.,38,8г.,33,9 г.,41,2г. и 53,9 г. хлопка-сырца на растение при НСР05 =5,1 г. Высокой продуктивностью отличались рецiproкные гибридные комбинации тонковолокнистых сортов с Окра-5, а также некоторые комбинации с Окра-4, у которых значение признака составило 63,4-122,1 г. хлопка-сырца на растение. Наиболее устойчивыми к дефициту влаги оказались Окра-5 и Карши-2. Сильное снижение продуктивности отмечено у Окра-1 и Окра-3, происходящих из влажных тропических зон, а также у сорта Ашхабад-25. Гибриды тонковолокнистых сортов с Окра-5, а также ряд комбинаций сорта Карши-2 с окралистными образцами проявили высокую устойчивость к засухе.

При ограниченном водном режиме признак « продуктивность растений» из 30 комбинаций F1 у 23-х наследовался по типу положительного сверхдоминирования, у 1 комбинации- по типу отрицательного сверхдоминирования, у 1 комбинации- по типу полного доминирования худшего родителя, у 3-х комбинаций- по типу неполного доминирования лучшего родителя и у 1-комбинации- по типу неполного доминирования худшего родителя, т.е. в разных условиях водоснабжения данный признак у хлопчатника наследуется, в основном, по типу сверхдоминирования.

## **ХАРАКТЕРИСТИКА КОЛЛЕКЦИОННЫХ ОБРАЗЦОВ КУЛЬТИВИРУЕМЫХ ДИПЛОИДНЫХ ВИДОВ ХЛОПЧАТНИКА**

Ризаева С.М., Эрназарова Д.К., Абдуллаев Ф.Х., Муминов Х.А., Арсланов Д.М.

Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз

[f\\_abdullaev@yahoo.com](mailto:f_abdullaev@yahoo.com)

Изучение, оценка морфо-биологических и хозяйственных ценных признаков представителей диплоидных видов рода *Gossypium* L., выявление среди них ценных образцов, совмещающих полезные коммерческие признаки и адаптационный потенциал устойчивости к сельскохозяйственным болезням, а также к экстремальным факторам внешней среде (засуха, холод, засоление почв и др.), внедрение их в селекционный процесс, позволит решить целый ряд актуальных задач хлопководства республики. Наличие богатейшей коллекции генофонда хлопчатника ИГиЭБР АН РУз- одна из уникальнейшая по разнообразию генофонда хлопчатника, где сохраняются в жизнеспособном состоянии образцы из различных агроэкосистем мира, а значит огромное биоразнообразие видов и форм с

широким полиморфизмом признаков и свойств рода *Gossypium* L., обеспечивает успех прикладных исследований, получение перспективных линий, сортов.

В результате экологических испытаний дана оценка морфологическим и биологическим признакам сортового разнообразия культивируемых диплоидных видов хлопчатника из различных эколого-географических групп и выявлены наиболее ценные в качестве доноров полезных признаков для использования в генетико-селекционных проектах. Ниже приводится краткая характеристика изученного набора образцов афро-азиатского и индокитайского видов хлопчатника из различных эколого-географических групп.

Среднеазиатская группа. Изучены образцы афро-азиатского хлопчатника была происхождением из Узбекистана и Таджикистана. У образцов из Узбекистана выявлена высокая амплитуда изменчивости по ряду признаков. Наблюдается высокая амплитуда изменчивости по высоте главного стебля (53,0-87,0 см) и наибольшая изменчивость по высоте закладки первой плодовой ветви (5-8 узлов), общему количеству узлов (20-27 шт.) и длине вегетационного периода (108-112 дней). Также наблюдается большая изменчивость по массе сырца одной коробочки (1,2-4,7 г), массе 1000 семян (73,0-103,0 г), выходу волокна (18,0-26,3%), длине волокна (25,0-30,0 мм). Выявлены образцы с коротким вегетационным периодом 108-109 дней (А-442, А-4105), с массой одной коробочки более 3,0 г (А-739); с высокой длиной волокна 30,0 мм (А-442), высоким выходом волокна 32,6% (образец из Таджикистана). Образцы индокитайского хлопчатника была представлена образцами из Узбекистана. Установлена высокая амплитуда изменчивости по высоте главного стебля (60,0-92,0 см), высоте закладки первой плодовой ветви (5-6 узлов), общему количеству узлов (20-22 шт.), по длине вегетационного периода (103-106 дн.), массе хлопка-сырца одной коробочки (2,0-5,0 г), массе 1000 семян (72,0-97,0 г). Небольшая амплитуда изменчивости отмечена по выходу волокна (29,0-31,0%) и длине волокна (25,0-30,0 мм). Выделены скороспелые образцы с вегетационным периодом 103-106 дней (А-139, А-355), массой одной коробочки 5,0 г (А-139), высоким выходом волокна 31,4% (А-139).

Азиатская группа. Сортовое разнообразие вида *G. herbaceum* L. была представлена из Монголии, Турции, Ирана, Афганистана, Пакистана, Китая и Ирака. Данная группа показала высокую амплитуду изменчивости по вегетационному периоду (98-121 дн.). Образец из Пакистана (А-3184) характеризуется ультраскороспелостью (102 дн.). Наиболее высокие показатели отмечены у образцов из Турция и Афганистана по массе сырца одной коробочки (2,5-2,9 г), массе 1000 семян (82,0-87,0 г), выходу волокна (27,0-31,0%), длине волокна (24,0-26,0 мм). Образцы вида *G. arboreum* L. представлена из Индии, Индонезии, Афганистана, Пакистана, Китая, Кореи, Японии. Длина вегетационного периода, образцов у этой экологической группы показала высокую амплитуду изменчивости (101-121 дн.). Выделены скороспелые образцы из Индии и Японии, длина вегетационного периода у которых была в пределах 101-106 дней. Наиболее высокие показатели получены по выходу волокна (22,0-33,0%) и длине волокна (23,0-28,0 мм). Нужно отметить, что образцы этой группы характеризуются с низкими показателями массы хлопка-сырца одной коробочки (1,0-2,4 г).

Африканская группа. Изучены образцы афро-азиатского хлопчатника с происхождением из Сирии и Африки. У образцов этой группы показатели изучаемых признаков несколько различны. Образец из Африки характеризуется

скороспелостью (106 дн.), а образец из Сирии отличается позднеспелостью (113 дн.). Высокие показатели получены по массе сырца одной коробочки (3,0 г), массе 1000 семян (90,0 г), выходу волокна (25,0%), длине волокна (25,0 мм). Изучены образцы индокитайского вида хлопчатника из Вест-Индии. У образцов этой группы отмечена широкая изменчивость по длине вегетационного периода (101-112 дн.). Установлена невысокая амплитуда изменчивости по массе хлопка-сырца (1,2-2,0 г), массе 1000 семян (63,0-80,0 г), выходу волокна (30,0-31,0%), длине волокна (22,0-27,0 мм). Выявлен образец с высокой длиной волокна 45,2 мм (А-3190).

Изучение сортового разнообразия культивируемых диплоидных видов хлопчатника позволило выделить целый ряд перспективных образцов для практического использования в селекции: *G. herbaceum* L.: скороспелые (102-110 дн.)- А-442, А-4105, А-320, А-184, А-249, А-175, А-194, А-309, А-3184, А-253, А-4267, А-1687, А-4407; с длинным волокном (26,0-29,0 мм)- А-253, А-313, А-442, А-739; с высоким выходом волокна (< 30,0%): А-320; А-249; с высокой массой хлопка-сырца (< 3,0 г): А-739; А-244, А-274. *G. arboreum* L.: скороспелые (101-110 дн.)- А-139, А-355, А-2781, А-2782, А-2802, А-3193, А-357, А-360, А-365, А-196, А-347, А-367, А-1494, А-350, А-3194, А-149, А-343, А-354, А-3190; с длинным волокном (26,0-29,0 мм)- А-149, А-343, А-196, А-350, А-3190, А-3193, А-1494; с высоким выходом волокна (< 30,0%)- А-139, А-365, А-826, А-2781, А-2802, А-3193, А-3194, А-3190; с высокой массой хлопка-сырца (< 3,0 г)- А-139.

## **ВЫЯВЛЕНИЕ ХРОМОСОМНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В КАРИОТИПЕ ДЕТЕЙ С СИНДРОМОМ ДЕФИЦИТА ВНИМАНИЯ И ГИПЕРАКТИВНОСТИ**

<sup>1</sup>Саидходжаева С.Н., <sup>2</sup>Каримов Х.Я., <sup>1</sup>Маджидова Е.Н., <sup>2</sup>Бобоев К.Т.

<sup>1</sup>Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан Ташкентский педиатрический медицинский институт, [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)

<sup>2</sup>Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан Научно-Исследовательский Институт Гематологии и Переливания Крови, [info.niigem@minzdrav.uz](mailto:info.niigem@minzdrav.uz)

Цитогенетическим проявлением хромосомных реаранжировок, приводящих к изменению экспрессии вовлеченных генов NLGN4Y, SRY, PCDH11Y, является увеличение генетического материала Y-хромосомы. Основными фенотипическими проявлениями наличия в геноме дополнительного материала Y-хромосомы являются невнимательность, гиперактивность, импульсивность и т.д. Однако, исследования связи размеров Y-хромосомы с развитием синдрома дефицита внимания и гиперактивности (СДВГ) у детей до настоящего времени не проводились.

Цель работы. Анализ ассоциации СДВГ с вариабельностью размера Y-хромосомы и с другими возможными цитогенетически детектируемыми изменениями.

Материалы и методы. Обследовано 62 ребенка в возрасте 7 – 12 лет с СДВГ (47 мальчика и 15 девочки). Контрольную группу составили 45 условно здоровых детей - без СДВГ (21 мальчика и 24 девочки). Девочки были включены в исследование для оценки возможной вовлеченности в цитогенетические варианты

при СДВГ не только Y-хромосомы, но и других хромосом(аутосом). Кариотипирование метафаз проводилось с помощью микроскопа Axio Scope A1 («Carl Zeiss», Германия) с программным обеспечением ikaros («Metasystems»).

Результаты. Реаранжировка обследуемых на основании гендерного признака показала, что количество детей с кариотипом 46,XY, у которых был установлен СДВГ, было в 1,6 раза достоверно больше ( $p < 0,05$ ), чем детей без синдрома, тогда как количество детей с кариотипом 46,XX с признаками СДВГ и без таковых статистически достоверно не различалось ( $p > 0,05$ ). Данный факт дает цитогенетическое основание для подтверждения факта того, что индивидуумы, носящие в кариотипе Y-хромосому, т.е. мальчики, более подвержены развитию СДВГ.

У детей с СДВГ мы не обнаружили кариотипы со сверхчисленными Y-хромосомами. Однако у 19 из 47 (40,4%) обследованных мальчиков с СДВГ было выявлено увеличение размера Y-хромосомы, т.е., размеры превышали норму, установленную на основании сравнения с хромосомами группы G и хромосомой 18. Изменение размеров затрагивало в основном длинное (q) плечо. Известно, что основной массив гетерохроматина (Gh) в Y-хромосоме, за исключением небольших участков в прицентромерной области (p11.1–q11.1), расположен именно в q-плече (локус q12). Только в одном случае (2,1%) нами было отмечено увеличение короткого (p) плеча. Это изменение могло произойти как за счет амплификации региона гетерохроматина в p-плече Y-хромосомы (локус p11.1), так и за счет встраивания фрагмента другой хромосомы. Увеличенная Y-хромосома была выявлена и в кариотипе одного мальчика из группы контроля. Доля такого цитогенетического проявления в основной группе мальчиков была в 33.9 раза больше по сравнению с условно-здоровыми детьми ( $\chi^2 = 22.3$ ;  $P < 0.05$ ;  $OR = 33.9$ ; 95% CI 4.31-267.1), что подтверждало неслучайность выявления цитогенетического варианта и наличие его связи с развитием СДВГ. Цитогенетических изменений, связанных с количественными перестройками, а также со структурными изменениями аутосом и X-хромосомы нами не выявлено.

Вывод: Полученные данные подтверждают мультифакториальный генез СДВГ. Увеличение длины Y-хромосомы, особенно дистальный локус Yq12, достоверно ассоциировано с развитием СДВГ, что позволяет рассматривать данный цитогенетический вариант как дополнительный маркер раннего выявления риска развития патологии у детей.

## **ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКАЯ ИДЕНТИФИКАЦИЯ НЕХВАТОК ОТДЕЛЬНЫХ ХРОМОСОМ ХЛОПЧАТНИКА С ПОМОЩЬЮ ТРАНСЛОКАЦИОННОГО ТЕСТА**

Санамьян М.Ф., Бобохужаев Ш.У.

Национальный университет Узбекистана,  
Ташкент, Вузгородок, Биологический факультет,  
[anam\\_marina@rambler.ru](mailto:anam_marina@rambler.ru)

Использование транслокационного теста в мейозе позволило выявить гомологичность моносом с хромосомами в обменах от транслокационных линий тестерного набора (США) у 14 моносомных линий хлопчатника Цитогенетической



коллекции НУУз, поскольку были обнаружены тривалентные ассоциации хромосом в 17 вариантах скрещиваний (Мо4 x TT13R-19R; Мо7 x 4L-19R; Мо11 x TT2L-3Lb; Мо16 x TT2R-14R; Мо19 x TT2L-6R и Мо19 x TT2R-8Rb; Мо27 x TT1L-7L; Мо27 x TT7L-12R; Мо27 x TT7R-21R; Мо31 x TT4R-15L; Мо62 x TT8R-19R; Мо67 x TT6L-7L; Мо69 x TT4L-19R; Мо70 x TT4R-15L; Мо71 x TT4R-15L; Мо72 x TT4R-15L; Мо89 x TT4R-19R). Так, с участием моносомной линии Мо19 в двух вариантах скрещиваний с транслокационными линиями TT2L-6R и TT2R-8Rb у моносомных гибридов была обнаружена конъюгация в виде 24 бивалентов и одного тривалента, что указало на гомологичность моносомы и одной из хромосом в обменах у моносомной линии Мо19. Так как в обе транслокационные линии была вовлечена одна общая хромосома 2, было подтверждено, что унивалентная хромосома у линии Мо19 является хромосомой 2 At –субгенома хлопчатника. В трех вариантах скрещиваний моносомной линии Мо27 - Мо27 x TT1L-7L, Мо27 x TT7L-12R и TT7R-21R также была обнаружена конъюгация в виде 24 бивалентов и одного тривалента, что указало на гомологичность моносомы и одной из хромосом в обменах у моносомной линии Мо27. Так как во все три транслокационные линии была вовлечена одна общая хромосома 7, было подтверждено, что унивалентная хромосома у линии Мо27 является хромосомой 7 At –субгенома хлопчатника.

С участием 9 моносомных линий тривалентные ассоциации были обнаружены только в одиночных вариантах скрещиваний (Мо7 x 4L-19R; Мо11 x TT2L-3Lb; Мо16 x TT2R-14R; Мо67 x TT6L-7L; Мо69 x TT4L-19R; Мо70 x TT4R-15L; Мо71 x TT4R-15L; Мо72 x TT4R-15L; Мо89 x TT4R-19R). Поскольку некоторые микросателлитные маркеры ранее были локализованы Макамовым А.Х. на этих моносомных линиях, а они в свою очередь были приписаны к соответствующим хромосомам, можно считать, что моносомные линии Мо11 и Мо16 имеют нехватки по хромосоме 2 At –субгенома; Мо7, Мо69, Мо70, Мо71, Мо72 и Мо89 имеют нехватки по хромосоме 4 At –субгенома; а моносомная линия Мо67 имеет нехватку по хромосоме 6 At –субгенома.

Изучение моносомной линии Мо4 выявило гомологичность моносомы с одной из хромосом в обмене у линии TT13R-19R. В американской Цитогенетической коллекции отсутствуют моносомные линии по хромосомам 13 и 19, а имеется лишь третичный моносомик по хромосоме 19. При исследовании Мо62 с линией TT8R-19R была обнаружена конъюгация в виде 24 бивалентов и одного тривалента, что указало на гомологичность моносомы и одной из хромосом в обмене у моносомной линии Мо62. Поскольку, предварительное исследование с молекулярными маркерами указало на локализацию специфического маркера, характерного для хромосомы 8, можно предполагать, что нехватка хромосомы у линии Мо62 гомологична хромосоме 8 At –субгенома хлопчатника. В американской Цитогенетической коллекции отсутствует моносомная линия по хромосоме 8, а имеется лишь телоцентрик по короткому плечу. Все это указало на уникальность моносомных линий Мо4 и Мо62 Цитогенетической коллекции НУУз. Таким образом, использование тестерных линий с идентифицированными хромосомами позволило провести унифицированную идентификацию и нумерацию унивалентных хромосом у 14 моносомных линий Цитогенетической коллекции НУУз, которые имели нехватки по пяти различным негомологичным хромосомам генома хлопчатника (хромосомы 2, 4, 6, 7 и предварительно, 8 и 13 At-субгенома). Десять других моносомиков были выявлены как дубликаты двух негомологичных хромосом (хромосомы 2 и 4). Наиболее часто среди

идентифицированных хромосом моносомных линий встречалась хромосома 4 (7 раз), затем хромосома 2 (3 раза), как в результате облучения пыльцы и тепловыми нейтронами, так и в потомствах десинаптических растений.

## **СУВ ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН ТИЗМАНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Санаев Н.Н.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва Ўсимликлар  
экспериментал биологияси институти,

[Sanaev.nor@yandex.ru](mailto:Sanaev.nor@yandex.ru)

Сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан замонавий ресурс тежамкор технологияларни қўллашга боғлиқдир. Сув танқислиги шароитида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув тежамкор технологияларни жорий этиш орқали унумдорликни ошириб бориш энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалигида субъектлар хусусийлаштирилди, сувдан фойдаланиш тизимида янги институционал ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ ўтиш даврида сув тежамкорлик тушунчалари позицияси бироз чекинди. Шунингдек, бу тизимдаги асосий воситаларининг эскириши сув исрофгарчилигини оширишига сабаб бўлди [1].

Сўнги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор қонун, фармон ва қарорлар асосида амалий ишлар олиб борилмоқда. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган ПФ-4478 фармонида кўра, томчилаб суғоришни жорий қилган юридик шахсларнинг томчилаб суғорилаётган ер майдони 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод қилиниши қайд этилган [2].

Сув тежамкор технологиялар сезиларли миқдордаги сувни тежашга имкон бериши билан бирга уларни жорий этиш учун катта миқдорда маблағ ҳамда, ушбу технологияга мос ўсимлик навлари ҳам бўлишлигини талаб қилади. Республикамиз пахтачилик хўжаликларида экилаётган ғўза навларининг аксарияти бу технологияга жавоб бермайди. Чунки томчилаб суғориш технологияси орқали ҳосилдорликни оширишда, асосан қўчат сонининг қўпайтириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда ўсимлик бўйининг паст бўлишига, тарвақайлаб кетмаслигига ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлишлигига катта эътибор қаратилади. Лабораториямизда бир қанча йиллар давомида сув танқислигига чидамли навларни яратиш устида илмий изланишлар олиб борилади. Сўнги йилларда олинган натижалар асосида сув тежамкор технологияларда қўллаш мумкин бўладиган Л-8 тизмаси ажратиб олинди.

Л-8 тизмаси турлараро дурагайлаш асосида F10[(G.thurberi x G.anomalum) x C-4880] олинган дурагай комбинациядан кўп йиллик якка танлов орқали ажратиб олинган. 2016 йилда териб олинган якка танлов материалларига кўра, Л-8 тизмаси конуссимон 1-тип шоҳланишга эга бўлиб, вегетация даври 104,6±4,8 кун; асосий пояси баландлиги 88,0±2,4 см; ҳосил шоҳининг сони 14,7 ± 0,6 та; ўсув шоҳининг сони 0 (75%) – 1 (25%) та; ҳосил шоҳлари бўғим ораси 2,5–3,5 см; барг улчами

88,9±2,5 см<sup>2</sup>; барглари сони 45,8±3,9 дона; 1 та ўсимликдаги умумий кўсақлар сони 18,7±1,2 дона; 1 та кўсақдаги пахта вазни 5,8±0,1 гр; тола чиқими 41,6±0,4 %; тола узунлиги 34,0±0,2 мм; 1000 дона чигит вазни 106,9±1,9 гр; 1 та ўсимликдан териб олинган пахта ҳосили 78,0±4,7 граммни ташкил этди.

Л-8 тизмаси турлича сув билан таъминланган шароитларда ҳам ҳосил элементларини максимал даражада ушлаб қолади, асосий поя баландлиги ўзгармайди, ҳосил шохлари 1-типга хос бўлганлиги учун тарвақайлаб кетмайди, илдиз тизими жуда кучли ривожланмаган, шунинг учун бўйи ўсиб кетмайди. Ушбу хусусиятлари ҳисобига кўчатлар сонини икки баробарга орттириш мумкин. Бу эса ҳосилдорликни кескин кўпайтиради. Ҳосил элементларининг чекланганлиги ҳисобига эрта ва сифатли ҳосил териб олиш мумкин. Тола чиқими жуда юқори бўлиб, эрта пишарлиги билан ажралиб туради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Қўзиёев К.Ф. Сувдан самарали фойдаланишда ресурс тежамкор технологияларни қўллашнинг минтақавий муаммолари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -№ 1, март-апрель, 2015.

[www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 334-модда.

## **G.HIRSUTUM L. ТУРИГА МАНСУБ ҒЎЗАНИНГ F1 ДУРАГАЙЛАРИДА “БИТТА КЎСАҚДАГИ ПАХТА ОҒИРЛИГИ” БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

Хамдуллаев Ш.А., Набиев С.М., Абдушуқирова С.К., Шавқиев Ж.Ш.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,  
[shuxratxamdullayev@mail.ru](mailto:shuxratxamdullayev@mail.ru)

Ғўза ўсимлигида битта кўсақдаги пахта оғирлиги ҳосилдорликнинг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, генетик селекцион изланишларда мазкур белгининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Тажрибамизда оналик шакли сифатида барг шакли бешпанжали-қиртикли Тошкент-6 ва С-6524 ғўза навларидан, оталик сифатида барг шакли яхлит думалок Л-501 тизмаси ва Окра (бешпанжали-қирқимли) типли намунасида чатиштиришда фойдаланиб олинган F1(Тошкент-6 х Л-501), F1(С-6524 х Окра), комбинацияларида “битта кўсақдаги пахта оғирлиги” белгисининг ирсийланиши ўрганилди.

Тошкент-6 навида битта кўсақдаги пахта оғирлиги 5,6±0,1 г. ни, Л-501 тизмасида 4,6±0,1 г. ни, F1(Тошкент-6 х Л-501) комбинацияси ўсимликларида эса 6,6±0,2 г. ни ташкил этди ва белги ўта устунлик ( $h_p=3.0$ ) ҳолатида ирсийланди. Гетерозис даражаси 129.4 % ни ташкил қилди.

Битта кўсақдаги пахта оғирлиги бўйича бир – бирдан янада кўпроқ фарқ қилган С-6524 нави ва Окра намунасида ўртача кўрсаткич мос равишда 5,6±0,2 г. ва 7,5±0,2 г. ни, F1(С-6524 х Окра) дурагай комбинациясида эса 5,7±0,5 г. ни ташкил этди ва белги паст кўрсаткичли С-6524 навининг тўлиқсиз устунлиги ( $h_p= -0,9$ ) ҳолатида ирсийланди.

Шундай қилиб, бешпанжали-қиртикли барг шаклига эга навлар оналик, барглари яхлит думалок тизма ва бешпанжали-қирқимли (окра) намуна оналик

сифатида олинган F1 ўсимликларида “битта кўсакдаги пахта оғирлиги” мос равишда ижобий ўта устунлик ва паст кўрсаткичли шаклнинг салбий тўлиқсиз устунлиги ҳолатида ирсийланди.

## **ДЎЗАДА КОНВЕРГЕНТ ОИЛА ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Холмуродова Г.Р., Баротова А.Р., Ҳошимова Д.К., Данияров С.Б.

Тошкент Давлат аграр университети  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.  
[gozal.xolmurodova.66@mail.ru](mailto:gozal.xolmurodova.66@mail.ru) [anisa.baratova@mail.ru](mailto:anisa.baratova@mail.ru)

Республикамізда ғўза навлари генетикаси ва селекцияси борасидаги ишлар доимо долзарб бўлиб ҳисобланади. Шундай экан турли хил анъанавий чатиштириш услубларидан фойдаланиб, янги навлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. 1 дона кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазнининг юқори бўлиши ҳосилдор навлар яратишга замин яратса, тола чиқими ва тола узунлигининг жаҳон андозаларига мос равишда ижобий кўрсаткичларга эга бўлиши яратилаётган навнинг қийматини янада оширади. Ушбу қимматли хўжалик белгиларни яхшилаш борасида узлуксиз равишда изланишлар олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотларда ғўзада турли хил услубдаги конвергент чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагай-оила, тизмалар қимматли хўжалик белгилари бўйича таҳлил қилинди.

2016 йилги маълумотларига кўра, трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент дурагайларнинг 1 та кўсакдаги пахта вазни 5,4 г (О-179-188) дан 6,1 г (О-363-364) гача, бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагай-оилаларда эса 5,9 г (О-965-966) дан 6,3 г (О-233-234, О-97-100) ораликда бўлди. Ажратиб олинган тизмаларда белги бўйича андоза С-6524 нави (5,6 г) га тенг ёки ундан устун бўлганлиги намоён бўлди. Фақатгина Т-814-15/07 тизмаси ушбу белги бўйича бирмунча паст 5,3 г натижани кўрсатди. 1 дона кўсакдаги пахта вазни бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган О-363-364 (6,1 г), О-233-234 (6,3 г), О-97-100 (6,3 г) оилаларни ва Т-482-83/07 (6,1 г) тизмани белгини яхшилашда генетик-селекцион тадқиқотларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1000 дона чигит вазни кўрсаткичи бўйича трансгрессив рекомбинациялаш асосидаги конвергент дурагайларда О-357-362 (114 г) оиладан ташқари барчаси андоза навидан (121,3 г) устунликни намоён этишди. Белги бўйича энг юқори кўрсаткич О-363-364 оиласида 142,7 г натижа қайд этилди. Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагайларда 1000 дона чигит вазни бўйича юқори натижа кўрсатган О-965-966 (131,0 г) оиласи, Т-482-83/07 (143,2 г) тизмасини алоҳида келтириб ўтиш мумкин. Қолган ашёлар эса белги бўйича андоза С-6524 (121,2 г) навига тенг ёки ундан устун бўлганлиги қайд этилди.

Тола узунлиги белгиси бўйича трансгрессив рекомбинациялаш асосидаги конвергент дурагай оилалардан О-109-110 юқори натижа кўрсатиб, 38,7 мм тола узунлиги қайд этилди. Ажратиб олинган барча оила ва тизмалар орасидан фақатгина бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта

чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагайлардан О-233-234 оиласи 29,3 мм бўлган бирмунча паст натижа кўринди. Трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилаларда 32,2мм (О-363-364)дан 38,7мм (О-109-110)гача; бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва қайта чатиштиришлар асосида олинган конвергент оилаларда 29,3 мм(О-233-234)дан 33,7 мм (О-97-100) гача, ажратиб олинган тизмаларда эса 33,5 мм (Т-814-15/07) дан 35,9 мм (Т-484-85/07) гача бўлган натижалар қайд этилди.

Тола чиқими бўйича бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагай–оилаларда 40,6 (О-233-234) фоиздан 40,3 (О-117-120) фоизгача бўлган энг яхши натижа кузатилди. Трансгрессив рекомбинациялаш асосидаги конвергент дурагайлардан О-363-364 оиласи 39,2фоизга, Т-484-85/07 тизмаси 38,1 фоизга тенг бўлган юқори натижаларни кўрсатди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мақбул суғориш тизимида 1 дона кўсакдаги пахта вазнини оширишда О-363-364, О-233-234, О-97-100 оилалардан ва Т-482-83/07 тизмасидан; 1000 дона чигит вазнини оширишда О-363-364, О-965-966 оилаларидан ва Т-482-83/07 тизмасидан; тола узунлигини оширишда О-109-110, О-97-100 оилаларидан ва Т-484-85/07 тизмасидан; тола чиқимини оширишда О-363-364 оиласидан, ва айниқса О-233-234, О-117-120 оилаларидан ҳамда Т-484-85/07 тизмасидан амалий селекция жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**G.BARBADENSE L. ТУРИГА МАНСУБ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ F1  
ЎСИМЛИКЛАРИДА ТОЛА ЧИҚИМИ БЕЛГИСИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ  
ВА НАВЛАРНИНГ КОМБИНАТИВ ҚОБИЛИЯТИ**

Чоршанбиев Н.Э., Набиев С.М., Матниязова Х.Х.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,  
Ташкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз ф/й,  
nurik\_1980@mail.ru

2016 йил 1 ноябрда қабул қилинган 378-сонли қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ингичка толали ғўза навларининг экин майдонларини босқичма-босқич кенгайтириш вазифаси қўйилган. Бунинг учун қимматли –хўжалик белгилари юқори кўрсаткичларга эга, жумладан тола чиқими юқори бўлган навлар яратиш лозим. Бу муаммони ҳал этишда мавжуд ингичка толали навларнинг синтетик селекция учун салоҳиятини аниқлаш талаб этилади.

Илмий изланишларимиз ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг тажриба хўжалигида олиб борилди. Тадқиқотлар ашёси сифатида Бухоро-7, Дуру-Гавхар, Термиз-32, Сурхон-9 ва Сурхон-10 каби ингичка толали ғўза навлари ва F1 ўсимликларидан фойдаланилди. Тажрибада ҳар бир нав ва F1 комбинациялари рендомизация усулини қўллаган ҳолда уч қайтариқда, ҳар бир қайтариқда 4 қатордан, ҳар бир қаторда 25 та уядан иборат ҳолда жойлаштирилди. Экиш схемаси 90x20x1ни ташкил этди.

Олинган маълумотлар статистик қайта ишланди (Б.А.Доспехов [3]). Навларнинг комбинатив қобилияти В.І.Griffing [2] методи бўйича аниқланди.

Тола чиқими – ғўзанинг асосий маҳсулоти ҳисобланади, ва бу муҳим хўжалик белгиси чигит оғирлиги ва тола индексига боғлиқ ҳолда ирсийланади. *G.barbadense* L. турига мансуб навларни яратишда асосий эътиборни тола чиқимини оширишга қаратиш керак. С.А.Усманов, Ю.Икрамов [1].

Тола чиқими 20 та F1 комбинацияларидан 10 та комбинацияда юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги, 8 та комбинацияда ижобий ўта доминантлик, 1 та комбинацияда паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ва 1 та комбинацияда оралиқ ҳолда ирсийланди.

“Тола чиқими” бўйича умумий комбинатив қобилияти (УКҚ) самарасининг юқори ижобий кўрсаткичларига Сурхон-9 нави ( $\hat{g}_i$

= 1,29) эга бўлди. Шунингдек Термиз-32 нави ҳам ижобий кўрсаткичга тенг бўлиб, ( $\hat{g}_i$  = 0,72) ни ташкил этди.

Дуру гавхар навидан ташқари, барча навларда ( $\sigma^2s_i$  –хусусий комбинатив қобилият варианти)  $\sigma^2s_i$

< $\sigma^2g_i$  ( $\sigma^2g_i$ -умумий комбинатив қобилияти варианти) ҳолати бўлиб, белгининг ирсийланишида аддитив генларнинг таъсирида бошқарилади. Дуру гавхар навида эса  $\sigma^2s_i$

> $\sigma^2g_i$  белгини ирсийланишини назорат қилишда ноаддитив генлар улуши кучли эканлигини билдиради. ХКҚ (хусусий комбинатив қобилияти) самарасининг юқори ижобий кўрсаткичлари Сурхон-9хБухоро-7 комбинациясида ( $\hat{s}_{ij}$  = 0,64) бўлган бўлса, энг юқори салбий кўрсаткичи Сурхон-9 х Термиз-32 ( $\hat{s}_{ij}$  = -0,56) ва Дуру гавхар х Бухоро-7 ( $\hat{s}_{ij}$  = -0,43) дурагай комбинацияларида намоён бўлди.

Олинган натижаларига кўра, Сурхон-9 ва Термиз-32 навларидан юқори тола чиқими эга бўлган ингичка толали ғўза навларини яратишда истиқболли донор сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Усманов С.А. и др. - Создание доноров *G.barbadense*L. с высоким выходом волокна и массой хлопка-сырца одной-коробочки. /Мат.межд.науч-прак.конф. “Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решение”. Ташкент, 2007. с.157-159

2.Griffing B.I. – Concept of general and specific combining ability in relation to diallel crossing systems. *Austr. Journ. Biol Sci.*, 1956, vol.9. p.463-493

3. Доспехов Б.А. – Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований). Москва, Агропромиздат, 1985, 347с.

**ҒЎЗАНИНГ ЯНГИ ЎЗФА-710 НАВИНИНГ БИР КЎСАК ОҒИРЛИГИ  
БЕЛГИСИ КЎРСАТКИЧНИНГ ТУРҒУНЛИГИНИНГ ГЕНОТИП-ТАШҚИ  
МУҲИТ ТАЪСИРИДА САҚЛАНИШИНИ  
ПОПУЛЯЦИЯВИЙ ТАҲЛИЛИ**

Эргашев О.Р., Қахҳоров И.Т., Қодирова М.Р., Ҳакимов А.Э.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,  
Ташкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз ф/й,

[igebr\\_anruz@genetika.uz](mailto:igebr_anruz@genetika.uz)

Селекция-уруғчилик ишларидан кўзланадиган мақсад жорийдаги навлардан бир қатор белгилари устун бўлган янги навларни яратиш ва уларнинг популяцияларини шу белгиларининг турғунлигини кейинги авлодларда сақланишини таъминлашдир. Бир дона кўсақдаги пахта вазни маҳсулдорликнинг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Адабиётларда [2],[3],[4] битта кўсақдаги пахта вазнининг нисбатан кам ўзгарувчан белги эканлиги қайд қилинган. Шунингдек, генетик ва селекцион изланишларда мазкур белгининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилди[1].

Биз ҳам қуйида узоқ йиллик илмий изланишлар асосида яратилган ғўзанинг янги ЎзФА-710 навининг бир кўсақ оғирлиги белгисининг уч йиллик ўртача кўрсаткичларини популяциявий таҳлили натижаларни келтирдик.

Таҳлилларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, мазкур нав популяцияларининг бир кўсақдаги пахтаси вазни ўртача 2010 йилда  $5,54 \pm 0,10$  гр ни ва популяциясининг тебраниш даражаси  $\sigma - 0,68$  ни ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг 2011 йилдаги кўриниши  $4,88 \pm 0,11$  гр ни ва популяциясининг тебраниш даражаси  $\sigma - 0,76$  ни ташкил этди. 2012 йилдаги таҳлилий натижаларнинг кўрсатишича мазкур йилда ушбу нав популяцияларидаги бир кўсақ пахтаси оғирлиги белгисининг ўртача кўрсаткичи  $5,33 \pm 0,10$  гр ни ва популяциясининг тебраниш даражаси  $\sigma - 0,65$  ни ташкил этди. Ўртача уч йиллик маълумот ҳам юқоридаги кўрсаткичларни ўзида акс эттиргани ҳолда  $5,25 \pm 0,10$  гр ни ва популяциясининг тебраниш даражаси  $\sigma - 0,69$  ни ташкил этгани маълум бўлди.

Бу маълумотлар ушбу нав популяциясининг бир кўсақ пахтаси оғирлиги белгиси кўрсаткичлари уч йил давомида кескин ўзгармаганини ва аксинча биринчи йилдаги кўрсаткич билан иккинчи йилдаги фарқ сезиларсиз, яъни  $0,07$  гр га, иккинчи йилдаги кўрсаткич билан учинчи йилдаги кўрсаткичлар орасидаги фарқ эса  $0,05$  гр ни ташкил этди. Юқорида келтириб ўтилган таҳлилий натижаларга кўра, ғўзанинг мазкур ЎзФА-710 нави популяциясида уч йил давомида ўрганилган бир кўсақ пахтаси оғирлиги белгиси кўрсаткичларининг турғунлиги сақлангани, бу белги кўрсаткичларининг генотипик ўзгариш (ажралиш) кузатилмагани маълум бўлди.

Демак, ушбу нав популяциясида бир кўсақ пахта оғирлиги белгиси кўрсаткичларининг маълум бир доирада тебраниб туриши, ташқи муҳит омиллари таъсирида қайси томонга силжишидан қатъий назар кейинги авлодларда нав популяциясининг генотипидаги генларнинг назорати остида яна ўзига хос бўлган хусусиятларини намоён эттираверар экан.

Фойдаланилган адабиётлар:

Матниязова Х.Х., Шеримбетов А.Г. G.Hirsutum L. навлари дурагайларининг иккинчи бўғинида битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгисининг ўзгарувчанлиги. ЎзМУ “Биология ва экологиянинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2015-й, 135-137 б.

Автономов В.А., Кимсанбаев О.Х., Тангиров З. Изменчивость и наследуемость массы хлопка – сырца одной коробочки на растении у межлинейных гибридов F1-F2 хлопчатника. // Теоритические и практические аспекты развития селекции и семеноводства хлопчатника и люцерны: Материалы Респ. Науч.-прак. конф. – Тошкент, - С. 119-123.

Аллашов Б., Ибрагимов Ш., Ибрагимов П. Наследование скороспелости у парных и сложных гибридов средневолокнистого хлопчатника // Состояние селекции и

семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: Материалы межд. науч. – прак. конф. – Ташкент, 2006. С. – 50-52.

Ибрагимов П.Ш., Аллашев Б.Д., Амантурдиев Ш.Б. Ғўза селекциясида мураккаб дурагайлаш. – Тошкент, ФАН. 2010. – 128 с.

## **ҒЎЗАНИНГ ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК УЗОҚ ДУРАГАЙЛАРИДА БИР ДОНА КЎСАҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИ БЕЛГИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

Юлдашева Р.А., Амантурдиев И.Ғ., Намазов Ш.Э., Рахимов Т.А.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ  
111218, Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси  
[paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Маълумки, кўпгина олимлар томонидан янги ғўза навларини яратишда эколого-географик жиҳатдан узоқ бўлган ғўза шакллари дурагайлаш услуби ўзига хос ўринга эга эканлиги ва ушбу услуб қўлланилганда ноёб белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли юқорилиги тажрибаларда исботланган.

Тадқиқотлар ПСУ ва ЕАИТИнинг “Ғўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида лойиҳалар доирасида ташкил этилган кўчатзорларда олиб борилди. Тадқиқот ашёси сифатида АҚШда келтирилган ВС3S1-1-6-3-15 ва ВС3S1-47-8-1-17 ғўза намуналари ва маҳаллий С-6524, С-6530 ва С-6532 навлари иштирокида олинган дурагайлардан фойдаланилди. Ушбу изланишларимиз чигити таркибида (+)-госсиполи юқори бўлган АҚШ намуналари ва маҳаллий навларни частиштириш орқали бир неча йиллар давомида халқаро грант доирасида ажратиб олинган дурагайларда бошқа хўжалик учун қимматли белгилар билан бир қаторда, чигитида (+)-госсипол миқдорининг юқорилиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотларимизда эколого-географик узоқ ғўза дурагайларининг F6 авлодида ҳосилдорликни ташкил этувчи асосий элементлардан бўлган бир дона кўсақдаги пахта вазни белгисининг шаклланиш жараёни таҳлил қилинди.

Ўрганилган дурагайларда бир дона кўсақ вазнининг ўртача кўрсаткичи 4,7 граммдан (F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6532) 6,0 граммгача (F6C-6530 х ВС3S1-47-8-1-17) оралиқда бўлгани аниқланди. Ушбу натижалар белги бўйича кенг ажралиш жараёни юз берган дастлабки авлодларда танлов ишларининг тўғри олиб борилганлигини яхши тасдиқлайди. Натижада, F6 авлодга келиб аксарият комбинацияларнинг бир дона кўсақ вазни бўйича ўртача кўрсаткичлари андоза С-6524 нави даражасида ёки ундан юқори бўлди. Айниқса, F6C-6530 х ВС3S1-47-8-1-17, F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6530 ва F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6524 комбинацияларида бир дона кўсақдаги пахта вазнининг ижобий даражада шаклланиши, яъни андоза навга нисбатан 0,6-0,7 граммга юқори бўлганлигини таъкидлаш лозим. Фақатгина F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6532 ҳамда F6Л-16/04 х ВС3S1-1-6-3-15 дурагайларида бир дона кўсақ вазни андоза навга нисбатан паст бўлганлиги аниқланди.

Бир дона кўсақдаги пахта вазнининг дисперсион ўзгарувчанлиги бўйича ҳам F6 авлод кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан пасайганлиги белгини яхшилашга эришганлигимизни тасдиқлайди. Фикримизнинг исботи сифатида F6C-6530 х ВС3S1-1-6-3-15, F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6530 ва F6BC3S1-1-6-3-15 х С-6524



дурагайларидан ташқари (тегишли равишда 1,08 %, 1,06 % ва 1,0 %) барча дурагай комбинацияларнинг дисперсия кўрсаткичлари андоза навга нисбатан паст эканлигини келтириш мумкин.

Бир дона кўсак вазнининг вариацион ўзгарувчанлик даражаси бўйича олинган натижалар ҳам аксарият комбинацияларнинг нисбатан барқарорлашганини кўрсатди. Бироқ, F6C-6530 x BC3S1-1-6-3-15, F6BC3S1-1-6-3-15 x C-6524 ва F6BC3S1-47-8-1-17 x C-6530 комбинацияларида (тегишли равишда 20,3%, 18,3% ва 18,0%) нисбатан юқори ўзгарувчанлик коэффициенти кузатилиб, келгусида ушбу комбинациялар орасидан белги бўйича танлаш ишларини давом эттириш зарурлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ўрганилган дурагайларда бир дона кўсакдаги пахта вазни белгисининг ўртача кўрсаткичи, дисперсион ва вариацион ўзгарувчанлик бўйича олинган натижалар асосида эколого-географик узоқ дурагайларнинг F6 авлодига келиб белгининг барқарорлашиши ва улар орасидан танлаш натижасида юқори кўрсаткичга эга селекцион ашёларни ажратиш олиш имконияти пайдо бўлишини хулоса қилиш мумкин.

## **ЎЗНИНГ ЮҚОРИ АВЛОД ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛА ЧИҚИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

Юлдашева Р.А., Амантурдиев И.Ф.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ  
111218, Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси  
[paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)

Маълумки, ғўза асосан толаси учун етиштирилади ва яратилажак ғўза навларида тола чиқими юқори бўлиши муҳим ҳисобланади. Юқори тола чиқимига эга навларни яратиш долзарб ҳисоблангани учун, аксарият олимларнинг тадқиқотларида белгини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб, изланишларимизда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларнинг F5- F7 авлодларида тола чиқими белгисини шаклланиш жараёни ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилди.

Тола чиқими бўйича олинган маълумотлар F5 дурагайларининг кўрсаткичлари ижобий бўлганлигини кўрсатди. Айниқса, АҚШ намуналарининг тола чиқими кўрсаткичи юқори, яъни тегишли равишда 38,4 % ва 40,7 % ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу намуналар генотипининг ижобий таъсири натижасида улар иштирокида олинган аксарият дурагайларнинг кўрсаткичи ҳам юқори бўлди. Фикримизнинг исботи сифатида F5C-6530 x BC3S1-47-8-1-17, F5C-6532 x BC3S1-47-8-1-17, F5C-6530 x BC3S1-1-6-3-15, F5C-6532 x BC3S1-1-6-3-15 дурагай комбинацияларининг тола чиқими 40 % ва ундан юқори бўлганлигини келтириш мумкин (1-жадвал). Ушбу дурагайларнинг кўрсаткичи андоза C-6524 навига нисбатан 4 % гача юқори экани, шунингдек F5Л-10/04 x BC3S1-47-8-1-17 ва F5Л-16/04 x BC3S1-47-8-1-17) дурагайларнинг ҳам тола чиқими андоза C-6524 навига нисбатан (36,5 %) сезиларли равишда юқори бўлганлиги аниқланди.

Белги бўйича нисбатан паст кўрсаткич F5BC3S1-47-8-1-17 x C-6524 ва F5BC3S1-47-8-1-17 x C-6530 комбинацияларида қайд этилиб, уларнинг тола чиқими тегишли равишда 34,3 % ва 35,7 % эканлиги аниқланди. Ушбу авлодда

белги бўйича олинган маълумотларнинг таҳлили асосида, юқори тола чиқимига эга АҚШ намуналари дурагайлашда оталик шаклида иштирок этган дурагайларнинг кўрсаткичи ижобий бўлиш эҳтимоли юқори эканилигни хулоса қилиш мумкин.

Аксарият F6 дурагайларида ҳам тола чиқимининг андоза навга нисбатан юқори эканлиги кузатилди. Айниқса, F6C-6530 х ВС3S1-1-6-3-15, F6C-6532 х ВС3S1-1-6-3-15 ва F6T-10/04 х ВС3S1-47-8-1-17 комбинацияларининг тола чиқими 40% дан ошиқ бўлганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу авлодда фақат 2 та дурагай комбинацияси (F6BC3S1-1-6-3-15 х С-6530 ва F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6524) нисбатан паст тола чиқимини (тегишли равишда 32,2% ва 35,4%) намоён этиб, қолганлари андоза нав даражасида ёки устун бўлганлиги аниқланди.

Барча ўрганилган дурагайлар тола чиқимининг дисперсия кўрсаткичлари бўйича ҳам андоза навга (2,89%) нисбатан паст кўрсаткични намоён этиб, 1,29% дан (F6T-10/04 х ВС3S1-47-8-1-17) 2,91% гача (F6C-6524 х ВС3S1-47-8-1-17) ораликда эканлиги аниқланди. Белгининг ўзгарувчанлик даражаси бўйича деярли барча ҳолларда (F6C-6524 х ВС3S1-47-8-1-17 дурагайдан ташқари) андоза навдан паст, яъни 3,17 % (F6T-10/04 х ВС3S1-47-8-1-17) дан, 7,0 % гача (F6BC3S1-47-8-1-17 х С-6530 ва F6BC3S1-1-6-3-15 х С-6524) ораликдаги кўрсаткич кузатилди.

Дурагайларнинг F7 авлодининг тола чиқими ҳам F5-F6 авлодларида кузатилганидек ижобий бўлганлиги кузатилди. Ўрганилган барча дурагай комбинацияларда тола чиқими андоза С-6524 навидан 0,7-4,8 % гача юқори эканлиги аниқланди. Ушбу авлодда энг юқори тола чиқими F7T-16/04 х ВС3S1-1-6-3-15 комбинациясида (39,7%) ва энг паст кўрсаткич F7BC3S1-47-8-1-17 х С-6532 комбинациясида (35,6 %) кузатилди.

Тола чиқими бўйича дисперсия кўрсаткичлари борасида ҳам барча ўрганилган дурагайлар андоза навга нисбатан паст кўрсаткични, яъни белги бўйича барқарор эканлигини намоён этишди. Дурагайларнинг дисперсияси 1,46 % дан (F7T-16/04 х ВС3S1-1-6-3-15) 3,8 % гача (F7BC3S1-1-6-3-15 х С-6524) ораликда эканлиги, андоза навники эса 4,6 % бўлганлиги аниқланди. Лекин, АҚШ намунасида тола чиқимининг дисперсия кўрсаткичи 5,7 % ни ташкил этганини, яъни андоза нав ва ўрганилган барча дурагайлардан юқори бўлганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, ушбу намунада белги бўйича танлаш ишларини олиб бориш зарурлигидан далолат беради.

Хулосалар: - ғўза намуналари ва навларини эколого-географик узоқ чатиштириш натижасида яратилган дурагайларнинг дастлабки авлодларида тола чиқимининг шаклланиши юқори тола чиқимига эга АҚШ намуналари генотипи таъсирида юз бериши натижасида кенг ўзгарувчанликка ҳамда ижобий трансгрессив шаклларнинг пайдо бўлишига эришиш мумкин;

- эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни чатиштириш асосида яратилган F5-F7 дурагайларининг тола чиқими кўрсаткичлари аввалги авлодларда белги бўйича танлаш ишлари тўғри олиб борилганлигини тасдиқлайди;

- изланишларимиз натижасида ажратиб олинган юқори тола чиқимига эга ғўза оилалари генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилади.

### III Биотехнология

#### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БИОТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ЭТАНОЛА, ИНТЕНСИФИКАЦИЕЙ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА

Абдукаримов Д.И., Д.Т.Мирзарахметова

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,  
100174, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Университетская, 4  
[divya\\_shakti@hotmail.com](mailto:divya_shakti@hotmail.com)

Улучшение качества пищевых продуктов, которые бы соответствовали современным Европейским стандартам – одна из основных задач современной биотехнологии пищевых продуктов и потому перед биотехнологией этилового спирта стоят актуальные научно-технические задачи, решение которых позволит увеличить выход этанола из исходного сырья и улучшить качественные показатели продукции. В этой связи, в совокупность проблем, требующих дальнейшего развития входят вопросы оптимизации процесса брожения.

Поэтому целью данной работы была оптимизация процесса брожения путем двуступенчатого сбраживания сусла с использованием иммобилизованных дрожжей на второй ступени брожения.

Ранее была разработана технология получения высококачественных виноматериалов на основе управляемого культивирования дрожжей и исследовано влияние углеводного и температурного ограничения на второй ступени брожения на сверхсинтез гидролитических ферментов и выявлена технологическая значимость таких ферментов, как липаза, эстераза, инвертаза, протеаза. Технология была использована для выделения дрожжевой эстеразы и решения прикладных задач эфиروобразования при брожении. Однако, полученные данные не решили одну из основных проблем спиртовой промышленности, решением которой является совершенствование технологического процесса спиртового брожения в целях полного сбраживания сусла и увеличения тем самым количества этанола в бродящей среде.

Поэтому, процесс брожения был оптимизирован подбором питательной среды на основе сока топинамбура и солодового сусла и обработкой бродящей среды на второй иммобилизованными дрожжами. В работе были использованы дрожжи *Saccharomyces uvarum*. Исследования показали, что оптимальной питательной средой для культивирования дрожжей была среда, состоящая из сока топинамбура (20% с.в.) и солодового сусла (14% с.в.) в соотношении 3:1. Первую ступень брожения проводили классическим способом путем сбраживания питательной среды (18%) при 20°C до остаточных сахаров 10%, далее бродящую среду направляли на вторую ступень брожения, представляющую собой биореактор с носителем и иммобилизованными дрожжами, и проводили дображивание в лимитированных условиях.

Результаты показали, что дрожжи лучше развивались в вышеуказанных технологических параметрах. Предлагаемая технология открывает возможность оптимизировать процессы брожения, интенсифицировать процессы брожения, решить проблемы «недобродов» и улучшить дегустационные показатели сброженных материалов в производства пива и вин. Полученные результаты могут также найти своё применение в пищевой промышленности для совершенствования

технология получения сброженных материалов для производства дистиллятов для приготовления дистиллятов, бренди, виски, ликёро-водочных изделий и т. д.

## **АНАЛИЗ РОЛИ ПОЛИМОРФНОГО ВАРИАНТА rs2740574 ГЕНА CYP3A4 В РАЗВИТИИ ХРОНИЧЕСКОГО МИЕЛОИДНОГО ЛЕЙКОЗА**

Абдурахманова Н.Н., Султонова Ш.Х., Эргашева Ш.К., Яриев А.А.

Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан  
НИИ Гематологии и Переливания Крови,  
г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдор д. 42-а.  
[info.niigem@minzdrav.uz](mailto:info.niigem@minzdrav.uz)

Хронический миелолейкоз (ХМЛ) – наиболее частое миелопролиферативное заболевание, характеризующееся реципрокной транслокацией t(9;22), (q34;q11), приводящей к образованию химерного онкогена BCR-ABL на 22q-хромосоме (Ph+филадельфийская хромосома). Именно химерный онкоген BCR-ABL (белок p210) играет ключевую роль в развитии ХМЛ.

К настоящему времени установлено прогностическое значение определенных генотипических вариантов генов некоторых изоформ гена цитохрома P-450 в формировании гемобластозов. К ним относится и ген изоформы цитохрома CYP3A4. Однако роль неблагоприятных генотипических вариантов этого гена в онкогенезе у Ph -положительных больных (BCR-ABLp210) с ХМЛ изучена недостаточно.

Цель: Оценка роли полиморфизма rs2740574 гена CYP3A4 в возникновении химерного онкогена BCR/ABL p210 и развитии ХМЛ.

Материалы и методы. Всего исследовано 146 больных ХМЛ с наличием химерного онкогена BCR/ABL p210, наблюдавшихся на базе клиники НИИГиПК МЗ РУз. Контрольная группа была сформирована из 217 лиц узбекской национальности, без каких либо онкологических заболеваний. Диагноз ХМЛ верифицирован в соответствии с Международной номенклатурой ISCN. Изучение экспрессии химерного онкогена BCR/ABL p210 проводили на термоциклере Rotor-Gene 6000 («Corbett Research», Австралия). Детекция полиморфизма rs2740574 проводилась на термоциклере фирмы «Applied Biosystems» 2720 (США). Статистический анализ результатов проведен с использованием пакета статистических программ «OpenEpi 2009».

Результаты и их обсуждение. Частоты аллелей А и G составили: 83.6% и 16.4% у больных ХМЛ, и 96.8% и 3.2%, в группе контроля соответственно. В группе больных отмечалось статистически значимое повышение носительства неблагоприятного аллеля G и достоверное снижение дикого аллеля А по сравнению с популяционной выборкой ( $\chi^2=39.0$ ;  $P<0.05$ ; OR=5.9; 95% CI 3.188-10.93). Частоты распределения генотипов А/А, А/G и G/G составили: 69.2%, 28.8% и 2.0% – у больных ХМЛ, и 93.5%, 6.4% и 0.0% – в группе контроля соответственно. Как и ожидалось, в популяционной выборке дикий генотип А/А встречался с высокой частотой, по сравнению группой больных (86.6% против 76.7%, соответственно). При этом, различия достигли уровня пороговой значимости ( $\chi^2=38.1$ ;  $P<0.05$ ; OR=0.1; 95% CI 0.08117-0.2952), что свидетельствует о благоприятном протективном эффекте данного генотипа в отношении развития

ХМЛ. Обнаружена достоверная ассоциация гетерозиготного генотипа A/G у больных ХМЛ, по сравнению с группой контроля. Согласно рассчитанному коэффициенту соотношения шансов, риск развития мутантного опухолевого клона у носителей генотипа A/G был достоверно, в 5.9 раза выше, чем у носителей других генотипов (28.8% против 6.4%, соответственно;  $\chi^2=33.3$ ;  $P<0.05$ ; OR=5.9; 95% CI 3.059, 11.21). Гомозиготный генотип G/G в группе больных встречался значительно чаще, по сравнению с контрольной группой (2.0% против 0.0%, соответственно,  $\chi^2=4.5$ ;  $P=0.03$ ). Сравнительный анализ сочетаний неблагоприятных генотипов A/G и G/G в исследованных выборках больных и контроля также констатировал статистически значимые различия ( $\chi^2=38.1$ ;  $P<0.05$ ; OR=6.5; 95% CI 3.38-12.3).

Вывод. Таким образом, аллель G и генотипы с наличием данного аллеля полиморфизма rs2740574 гена CYP3A4 являются самостоятельными значимыми маркерами повышенного риска возникновения химерного онкогена BCR/ABL p210 и развития ХМЛ в Узбекистане.

## **ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДА ВЫДЕЛЕНИЯ ДНК ИЗ ЗЕРНА МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ *T. AESTIVUM*.**

Адилова Ш.Ш., Шавкиев Ж.Ш.

Институт Генетики и Экспериментальной биологии растений АН РУз  
111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз  
[shokhi.adilova@mail.ru](mailto:shokhi.adilova@mail.ru)

Выделение геномной ДНК из семян пшеницы, нежели из листьев позволяет проводить экспериментальные анализы независимо от сезона произрастания. Можно обойтись без теплицы которая необходима для выращивания растений, кроме того семена легко транспортировать в международном уровне тогда как листья должны храниться на льду или леофилизированном виде. Главное преимущество этого метода в том, что опыты в этом направлении можно проводить в не полевом сезоне. Объектом исследования служили семена мягкой яровой пшеницы. В ходе исследований геномная ДНК была выделена модифицированным методом СТАБ. Для выделения геномной ДНК пшеницы зерно было гомогенизировано в ступке, с добавлением жидкого азота. К гомогенату добавляли 600 мкл подогретого 65°C 2хСТАБ буфера (100mM Трис. рН-8.0, 20mM ЭДТА рН-8.0, 1.4М NaCl, 2% СТАБ) и инкубировали при 65°C 30 минут на водяной бане, перемешивая каждые 5 мин. После инкубации добавляли равный объем смеси хлороформ: изоамиловый спирт (24:1) при этом тщательно перемешивали 4 минуты. Центрифугировали 8 минут при 9 000 об.мин. и осторожно отбирали 500 мкл супернатанта в новую пробирку. Добавляли 250 мкл изопропанолового спирта (-20°C) и перемешивали 2 минуты. Затем оставили на 1 ч. или на ночь на -20°C. ДНК осаждали, центрифугировали 20 минут (10 000 об.мин.), затем осторожно сливали водную фазу. К осадку добавляли 300 мкл высоко солевой буфер ТЕ (10mM Tris рН-8.0, 0.1mM EDTA рН-8.0 1M NaCl), тщательно перемешивали и инкубировали 30 минут при комнатной температуре. Осажденную ДНК дважды сушили 70-% этанолом в объеме 600 мкл и центрифугировали 2 минуты (10000 об./мин.). Осадок сушили при комнатной температуре +30 °C в течении 30 минут до полного испарения спирта.

Высушенную ДНК растворяли в 100 мкл ТЕ буфере (10mM Tris pH 8.0, 1 mM EDTA pH 8.0). Визуализацию и определение концентрации ДНК проводили при помаше электрофореза в 1%-ном агарозном геле. По итогам проведенной работы можно сделать вывод, что выделения ДНК из зерна пшеницы имеет определённое преимущество, в том плане, что данные метод экономит время, и доступен в финансовом отношении.

## **БИОТЕХНОЛОГИК *IN VITRO* ШАРОИТИДА МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАРНИ КАСАЛЛИКЛАРГА БАРДОШЛИЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОЛЕКУЛЯР ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Аллаяров<sup>1</sup>Л.К., Аллаяров<sup>2</sup>С.К

<sup>1</sup>ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти,  
111226, Тошкен вилояти Қибрай тумани Юқори-Юз махалласи

[Latif\\_07@mail.ru](mailto:Latif_07@mail.ru)

<sup>2</sup>Термиз Давлат Университети, Термиз шаҳри А.Навоий кўчаси 43-уй



[alsir@umail.uz](mailto:alsir@umail.uz)

Ўввойи ўсимликлар оламида тадрижий ривожланиш жараёнларида ташқи мухитнинг турли таъсирларига адаптация жараёни табиий равишда жуда мукамал даражада тараққий этган. Маданий ўсимликларда биоморфологик адаптация жараёнлари ўввойи ўсимликларга нисбатан анчайин суёт ҳисобланади. Ушбу хусусиятларни ўсимликлардаги физиологик ва биокимёвий жараёнларда ҳам яққол кўриш мумкин. Ўсимлик хўжайрасининг ноқулай омилларга жавоб реакцияси сифатида физиологик қўзғалишдан бошланади. Бу қўзғалиш ҳолатида ўсимлик тўқималарида моддалар алмашинувини секинлаштирувчи этелин ва абцизин кислотаси каби гармонлари кўпайиши туфайли бошланади ва стресс оксиллар ҳосил бўла бошлайди.

Бизнинг татқиқотларимиз мақсади маданий ўсимликлар ғўза ва бир қанча дуккакли ўсимликлар навлари уруғларидаги захира оксиллардан фойдаланилган ҳолда ушбу нав популяциясини (генотипини) касалликларга чидамлилигини маркер изоферментлар асосида баҳолашдан иборат. Натижада олинган ўсимлик нави уруғларида *in vitro* шароитида молекуляр даражада иммунологик тест ўтказилади, ҳамда ўсимликларни ўз-ўзини химоя қилиш механизмларидан фойдаланилган ҳолда популяциянинг касалликларга чидамлилиги табиий равишда таъминланади. Маданий ўсимликлар максимал ҳосилдорлиги унинг касалланиш даражаси билан корреляцияси юқоридир. Ўсимликларни касалликларга чидамлилилик даражасини аниқлашда биологиянинг молекуляр замонавий оксилли ва ферментатив маркерларга асосланган (МАС) технологиялар алоҳида ўрин тутуди. Чунки ўсимлик хўжайрасидаги оксил молекулалари ўзгармас сифат кўрсаткич ҳисобланади.

Сунъий касаллантирилган дала шароитида касалликка чалинган (чидамсиз) ғўза навлари уруғлари таркибидаги дифеноксидаза ферментини текширганимизда, албатта, ўсимлик генотибида касалликка қарши ген экспрессия натижасида оксиллар қисман синтез бўлган ва касалликка қарши фермент тизими фаоллашган, лекин изозимлари ҳосил бўлмаган, натижада замбуруғ ўз таъсирини

Ўсимлик фенотипида ҳамда биокимёвий жиҳатдан барча фермент маркерлар бир чизиқдалиги билан яққол кўринган (1-расм).



Ўсимликлар амалий биокимёси лабораториясида юқоридаги услубда бошқа ғўза навлари ва тизмалари Шодлик-11, ва АН-18 популяцияларидан чидамли генотипга эга бўлган биотипларни МАС усулида ажратиб олиб, ҳосилдорлиги яна қайта текширилганида изоферментлар нисбатан фаол ишлаши таъминланди ва изозим маркерлари уч қаторда жойлашган (2-расм). Натижада ўсимлик тўқималарида ферментатив фаолликга эга бўлган оксилларнинг миқдори кўп эмас, аммо уларнинг миқдори нормал шароитда содир бўладиган алмашинув реакцияларига қараганда бир неча марта ортиқ хажмдаги реакцияларни таъмин этади. Ушбу ўсимлик биотиплари, назоратга нисбатан қимматли хўжалик белгиларининг сезиларли даражада юқорилиги билан ҳам ажралиб турди ва оксил молекулалари даражасида *in vitro* шароитида МАС технология ижобийлиги ўз исботини топди.

Хулоса ўрнида; узоқ вақт давомида экиб келинаётган хар қандай маданий ўсимлик популяциясида (генотипида) албатта касалликларга толерант ёки иммун системаси кучли тараққий этган чидамли генотипга эга биотиплар албатта учрайди. Буни асосан оксил даражасида изофермент маркерларга асосланган молекуляр нанотехнологияларда қисқа муддатларда скрининг қилиш ва касалликларга нисбатан генетик барқарорлаштириш имконини беради.

## **ДЎЛАНА МЕВАЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ФЛАВОНОИДЛАРНИНГ СИФАТ АНАЛИЗИ**

Артикова Р.М., Мурадходжаева З.Б.

Тошкент кимё технология институти  
100011, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, навои кўчаси 32  
[Rartikova61@mail.ru](mailto:Rartikova61@mail.ru)

Дўлана ўсимлиги Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб унинг мевалари асосида дамламалар, ва препаратлар олинади. Дўлана мевалари бой кимёвий таркиби билан ажралиб туради ва флавоноидлар (гиперозид, кверцитрин, витексин), сапонинлар, стеринлар, дубиль моддалар, фенилпропаноидлар, витаминлар, қандлар ва бошқа моддаларни тутди. Дўлананинг гули ва мевалари асосидаги препаратлар халқ табобатида ва ананавий медицинада кардиотоник модда сифатида кенг қўлланилади.

Фенолли бирикмалар ўсимликларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Инсонлар ва хайвонлар хужайраларида полифеноллар синтезланмайди, шунинг учун улар ўсимлик озикалар билан бирга организмга тушиб фойдали таъсир кўрсатади. У ёки бу фенолли бирикмаларнинг мевалар, сабзавотлар, чой ва бошқа ичимликларнинг таркибида бўлиш ҳақидаги маълумотлар “тўғри овқатланиш” нинг асоси эканлигидан дарак беради. Аммо полифенолларга бўлган қизиқиш унинг озикавий фойдалиги билангина боғлиқ бўлмай, шунингдек, улар асосида янги фаоллиги юқори, антиоксидантлар, шамоллашга қарши, антиконцероген,

вирус, паразит, бактерияларга қарши хусусиятларга эга доривор препаратлар олиш имконини беради.

Полифенол тутувчи ўсимлик хомашёлари сифат кўрсаткичига, шунинг билан бирга уларни ажратиш ва миқдорини аниқлаш усулларига бўлган талаблар кундан кунга ортиб бормоқда. Мазкур ишдан мақсад Ўзбекистон шароитида ўсувчи дўлана мевалари таркибидаги флавоноидларнинг сифат анализи амалга оширишдир.

Тажриба учун дўлананинг спиртдаги (70% этанол) экстрактдан фойдаланилди. Дўлана мевасидан флавоноидларни ажратиш учун майдаланган хомашё колбага солинди ва 70 %ли этил спирти қўшилди. Қайтар совитгичли колбага уланган колба сув ҳаммомида колбадаги спирт қайнаб чиққан вақтдан бошлаб 10 минут давомида қиздирилди. Колба совигандан сўнг қоғоз филтрдан пробиркага ўтказилади. Ажратилган экстракт сифат реакцияси ва хроматографик изланишлар учун фойдаланилди.

Сувоқ экстрактдаги куруқ моддалар 8-18 % миқдорида бўлади.

Дўлана мевалари таркибида флавоноидлар иштирок этишини сифат реакцияси орқали аниқланди. (Бандюкова, 1965; Максютин, 1968; Шинкаренко, 1977):

- 1 % ли темир хлориднинг (III) сувли эритмасида флавоноидлар кўнғир сарик ранга бўйлади;

10 %ли натрий гидрооксидининг сувли эритмаси флавоноидлар иштирокида сарик ранга киради;

Кўрғошин ацетати эритмасида флавоноидларнинг асосий орто-гидроксил гурухи сарик чўкма ҳосил қилади.

Юкорида келтирилган реакцияларнинг ижобий натижалари дўлана мевалари экстракти намунасида флавоноидлар борлигидан далолат беради.

Темир хлориднинг назорат учун олинган рутин эритмаси билан аралашмасида яшил ранг, дўлана мевалари экстракти билан аралашмасида эса тўқ яшил ранг ҳосил бўлишини кузатиш мумкин.

Дўлана мевалари таркибида флавоноидлар борлигини юпка қатламли хроматография усули ёрдамида 1) сув - сирка кислота - бутанол (2:1:4),

2) аммиак - метанол - хлороформ (0,5:2:8), 3) 30% сирка кислота эритмалари тизимида ҳам кузатилди. Флавоноидларнинг кўриниши учун махсус хромоген реактивлар:

аммиак, ишқорнинг спиртдаги эритмаси, алюминий хлор эритмаси ва бошқалардан фойдаланилди. Хроматограммалар реактивлар билан ишлов берилгунига қадар ва ишлов берилганидан сўнг УБ лампаларида кузатилди.

Олинган натижалардан дўлана мевалари таркибида флавоноидлар иштирок этиши аниқланди.

## **ВЫДЕЛЕНИЕ И ИЗУЧЕНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ПЕКТИНА ИЗ ОВОЩНЫХ ОТХОДОВ**

Артикова Р.М., Максумходжаева К. С., Матчанова\* Д.Ш.

Ташкентский химико технологический институт,

\*Ургенчский Государственный университет,

[Rartikova61@mail.ru](mailto:Rartikova61@mail.ru)



В настоящее время в ряду актуальных проблем - рациональное использование первичных сырьевых ресурсов, комплексная переработка и безопасная утилизация вторичных сырьевых ресурсов. Для ее решения требуются наращивание производственной базы перерабатывающей отрасли, а также улучшение использования сырья путем разработки и создания новых прогрессивных, энергоресурсосберегающих технологий комплексной переработки ценных вторичных сырьевых ресурсов на основе последних достижений науки и техники.

Проблема увеличения производства высококачественных пектиновых веществ и расширение их ассортимента является частью решения этой проблемы.

Биополимеры полисахаридной структуры - важнейший класс природных соединений, который можно рассматривать в качестве доступного источника практически-значимых органических соединений. Особое место среди растительных полисахаридов занимает пектин, который входит в состав структурных элементов клеточной ткани высших растений и выполняет функции связывающих и упрочняющих компонентов клеточной стенки, а также регулирует водный обмен

Пектиновые вещества – это группа высокомолекулярных полисахаридов, входящих в состав клеточных стенок и межклеточных образований растений совместно с целлюлозой, гемицеллюлозой, лигнином. Наибольшее количество пектиновых веществ находится в плодах и корнеплодах. В промышленности пектин получают из яблочных выжимок, свеклы, корзинок подсолнечника.

Пектин находит широкое применение в различных отраслях народного хозяйства: в консервной и кондитерской промышленности; в химической и фармацевтической промышленности; в сельском хозяйстве. На основе пектина готовятся различные медицинские препараты: кровоостанавливающие, для лечения заболевания желудочно-кишечного тракта.

Целью настоящей работы являлась разработка технологии получения пектинов из различных видов сырья (из отходов моркови и тыквы) на основе комплексного изучения особенностей физико-химических показателей сухого пектина.

Таким образом, нами был выделен из жмыха моркови и тыквы пектиновые вещества с выходом 10,6 и 9,56 % соответственно.

Методом кислотного гидролиза установлен качественный моносахаридных состав ПВ моркови - галактоуроновая кислота и галактоза и арабиноза преобладают, в меньших количествах находится глюкоза, ксилоза и рамноза. Моносахаридных состав ПВ тыквы характеризуется повышенным содержанием галактуроновой кислоты, галактозы и арабинозы, по сравнению с глюкозой, ксилозой и рамнозой, которые находятся в меньших количествах. Выделенные морковные и тыквенные пектины хорошо растворяются в воде и имеют показатель относительной вязкости: 84,84 и 31,9 соответственно.

Данные титрометрических показателей позволили отнести изучаемые ПВ к высокоэтирифицированным (ПВ морковный, ПВ тыквенный).

Данные ИК–спектроскопии позволили установить строение изучаемых ПВ, в которых основную цепь составляет остатки Д-галактуроновой кислоты, соединенных  $\alpha$ -1→4 гликозидными связями.

Таким образом, полученные данные дают возможность рекомендовать использование морковного ПВ и тыквенного ПВ для пищевых целей при изготовлении кондитерских изделий (напитки, мармелад, желе, зефир, хлебо-

булочные изделия) и для медицинских целей (адсорбент при отравлении тяжелыми металлами, облучении радионуклидами).

## **ЭКОЛОГИЧЕСКИ БЕЗОПАСНЫЕ БИОПРЕПАРАТЫ МИКРОБНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ ДЛЯ УВЕЛИЧЕНИЯ УРОЖАЙНОСТИ И СНИЖЕНИЯ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР**

Ахмедова Захро Рахматовна

Институт микробиологии АН РУз, г.Ташкент, ул. А.Кадыри-7Б  
[akhmedovazr@mail.ru](mailto:akhmedovazr@mail.ru).

На основе экологически приуроченных местных штаммов ксилотрофных грибов, актиномицетов, обладающие высокой ферментативной и антибиотической активностью, фитогормон синтезирующей способностью были созданы биологические препараты «Микрозим-1» для повышения урожайности и качества, а также снижение заболеваемости зерно-бобовых культур (пшеницы) и «Микрозим-2» для увеличения урожайности покрытосемянных сельскохозяйственных культур (оголенные и опущенные семена хлопчатника).

Разработана технология использования «Микрозим-1» в предпосевной обработке семян районированных и перспективных сортов пшеницы (Крошка, Чиллаки, Половчанка, Замин-1, Замин-2, Андижон-1, Андижон-2, Ясаул, Краснодар, Коллега, Омад) и «Микрозим-2» - оголенных и опущенных семян хлопчатника (С6524, Бухоро-106, Омад, Наманган-77, Наманган-34, Андижон-35, С4727 и др) в различных регионах Республики и в Республике Каракалпакстан. Получена опытно-производственная партия препаратов на базе ОАО «Андижон биокимё заводи» в большом объеме.

Определена норма расхода препаратов при обработке семян возделываемых культур, а также при поливе. Дополнительная урожайность более 15 сортов пшеницы составляет в среднем 10-12 ц/га, более 8 сортов хлопчатника 4.7-6,5 ц/га. Использование «Микрозим-1» при возделывании других зернобобовых культур (маш, соя, фасоль, кукуруза, ячмень), также «Микрозим-2» при возделывании риса, подсолнечника, овоще -бахчевых культур (чеснок, свекла, огурец, тыква, арбуз, дыня) показали также высокие результаты как по урожайности, так и по снижению степени их заболеваемости.

Биопрепараты «Микрозим-1» и «Микрозим-2» прошли научно-производственные и Государственные испытания в периоды 2006-2011 годах в головных Институтах МСВХ РУз – УзНИИ хлопководства и его филиалах (Наманганский, Ферганский, Андижанский, Сурхандарьинский., Ташкентский вилояхта) в Андижанский НИИ по возделывания зерновых и зернобобовых культур в орошаемых землях и Галларальском, Ферганском, Наманганском филиалах данного института, а также в различных фермерских хозяйствах Республики.

Проведена токсикоологический и экологический анализ биопрепаратов и получены гигиенические сертификаты по их безопасности, разработана ТУ – стандарт организации на обеих препаратов. .

В 2011 и 2016 гг. оба препараты в качестве регуляторов роста и развития растений были включены в список разрешенных препаратов при возделывании сельскохозяйственных культур (свидетельство «Микрозим-1» , № 1 А 367,

регистрационный № 5.11.102 и «Микроим-2» свидетельство №1 А 368, регистрационный № 5.11.103).

Имеются лабораторные регламенты, токсикологическое заключение Главного санитарно-гигиенического управления Республики при МЗ РУз и экологическое заключение Комитета экологии и охране окружающей среды Республики.

Норма расхода препаратов, установленной Государственной химической комиссией КМ РУз составляет 30 л/тн семян пшеницы («Микрозим-1») и 30 л/тн для оголенных семян хлопчатника, 35 л/тн семян опущенных видов семян различных сортов хлопчатника, а также биопрепараты были признаны экологически безопасными, высокоэффективными, не обладают токсичностью и кумулятивной активностью.

Обработка опущенных семян препаратом «Микрозим-2» приводит к гидролизу околосемянных целлюлозных волокон, уменьшается время предварительного замачивания водой (8 часов), а также экономится количество воды (почти 50 %) затрачиваемое при замачивании опущенных семян хлопчатника. Обработка семян возделываемых культур с обоими препаратами не требует особых помещений, специальных подходов и не опасен для работающего персонала и окружающей среды. Многолетние опыты по обработке семян хлопчатника показали, что «Микрозим-2» вполне может быть использованы в качестве протравителя, вместо токсичных химических веществ, а также в качестве заменителя минеральных кислот, используемых для оголения семян хлопчатника.

Также, сериями исследований были получены положительные результаты по использованию препаратов в возделывании других сельскохозяйственных культур (сои, чеснока, лука, фасоль, маша, арбузов, дыни, риса, тыквы, огурцов, томатов и др), что позволяет использовать «Микрозим-1» для обработки оголенных семян, «Микрозим-2» для возделывания покрывосемянных культур.

Использование биопрепаратов при поливе заболелых растений и засоренных почв показали также высокие результаты как при увеличении урожайности и снижении заболеваемости, так и при оздоровлении посевных площадей, проявляя пролонгированное действие на следующие посевные сезоны года.

Препараты отечественного производства «Микрозим-1» и «Микрозим-2» являются конкурентоспособными и высоко активными по сравнению с Турецким препаратом -аналогом «Агрозим», удобны при использовании, экологически безопасная. Исключает использование химических препаратов «Ростбисол», «Витовакс-200 Ф», «Далтелбу», «Дивидент» зарубежных фирм и компаний, а также «Гумат натрия» отечественного производства, нормы расхода, способы, кратность использования, а также цены которых сильно отличаются между созданным нами отечественным препаратом «Микрозим-1» и «Микрозим-2» (Узбекистан-12.000 сум/л) и «Агрозим» (Турция-48.000 сум\л).

Производителей данных и подобных к биопрепаратам «Микрозим-1» и «Микрозим-2» в Республике не имеется.

Полученные результаты по использованию данных препаратов на практике открывают новых возможностей в области сельскохозяйственной биотехнологии позволяющей резко увеличить экономическую эффективность производства не только в Республике, но и в других странах с близкими географическими и почвенно-климатическими условиями. В целом, отечественные биологические препараты «Микрозим-1» и Микрозим-2, приурочены к местным жарким климатическим и жестким почвенным условиям.

## ГИДРОЛАЗЫ МИЦЕЛИАЛЬНЫХ ГРИБОВ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРОТИВ ФИТОПАТОГЕНОВ

Ахмедова З.Р., Шонахунов Т.Э., Кулонов А.А., Яхяева М.А., Хамраева З.Т.

Институт микробиологии АН РУз, г.Ташкент, ул. А.Кадыри-7Б,  
[akhmedovazr@mail.ru](mailto:akhmedovazr@mail.ru).

Процессы заражения растений фитопатогенами начинаются проникновением патогенов благодаря их лизирующим ферментам как на здоровые, так и на ослабленные растения, попавшие в неблагоприятные условия, особенно при голодании, отсутствии макро, микроэлементов, стресс факторы и др. Сапрофитные и паразитные (облигатно-паразитные, условные) микроорганизмы почвы, воды и воздуха оказывают губительное влияние на растения. Поэтому, детальное изучение ферментов гидролитического комплексов мицелиальных и фитопатогенных грибов в сравнительном аспекте, обладающие различной активностью необходима для понимания механизмов обеспечения полноценного роста, регуляции развития сельскохозяйственных растений, увеличивающие их урожайность и сохранность. Следовательно, создание на их основе эффективных экологически безопасных биопрепаратов и биотехнологий является одним из важных и перспективных направлений современной науки и производства.

Поэтому, данная работа посвящена поиску и отбору грибов-активных продуцентов гидролитических ферментов, разлагающие природные полисахариды (целлюлоза, гемицеллюлоза, хитин), конечной целью которого является создание ферментативно активных биопрепаратов микробного происхождения для защиты растений от фитопатогенов.

Для этого использовали более 150 штаммов музейных культур микроскопических грибов, хранившиеся в лабораториях ИМБ АН РУз, относящиеся к родам *Fusarium* (42 культуры), *Aspergillus* (37 культуры), *Penicillium* (51 культуры) и сапрофитные культуры грибов (21 культура), выделенные из больных листьев, стеблей растений.

При твердофазном (ТФС) и глубинном (ГЛС) способах культивирования выяснилось, что исследуемые грибы проявляют гидролитические активности в разной степени на средах, содержащие крабовый хитин (КХТ), хитозан тутового шелкопряда, микрокристаллическую целлюлозу (МКЦ), карбоксиметилцеллюлозы (КМЦ), древесной, хлопковой целлюлозы и ксилан овса в концентрациях 1,0-5,0 %, внесенный в состав питательной среды в качестве единственного источника углерода.

При ТФС способе из 150 культур грибов по зоны гидролиза полисахаридов были отобраны 78 высокоактивные культуры, далее, путем ГЛС с использованием 2,0% КХТ и МКЦ, внесенные в состав синтетической среды Чапека в качестве единственного источника углерода и определением количественное содержание ферментов и белков, были отобраны ещё более активные грибы в количестве 28 культур, проявляющие хитиназные, целлюлазные, ксиланазные, протеазные активности. На обеих средах грибы образовали протеазы, проявляющие активности в кислых, нейтральных и щелочных условиях катализа. Интересным был тот факт, что на средах с хитином и целлюлозой почти все грибы проявляли протеолитическую активность, особенно высокую на среде

хитином и хитозаном. На среде с целлюлозой грибы проявляли высокие активности щелочной (pH-7,2) и сильно щелочной протеазы (pH-9,0).

Далее, были углублены исследования по оптимизации состава питательной среды и условий максимального ферментообразования с использованием отобранных 9 культур из числа 28, такие как *Aspergillus terreus* 461, *A. terreus* 499 и *Penicillium* sp. 18, *Penicillium* sp. 140, *Alternaria* sp. 9, *Ulocladium* sp. 134, *Fusarium solani* 169 и *Fusarium moniliforme* -183. *Penicillium purpurogenum* -159.

Установлено, что грибы фитопатогены *Alternaria* sp. 9, *Ulocladium* sp. 134, *Fusarium solani* 169 и *Fusarium moniliforme* -183. наряду с испытываемыми грибами в аналогичных условиях культивирования имеют высокие гидролизирующие активности в отношении целлюлозы, хитина, ксилана, являющиеся составным компонентом клеточной стенки растений и фитопатогенных грибов. . .

Далее, проводили эксперименты для оценки действия смеси гидролитических ферментных жидкостей (ГФЖ) грибов на фитопатогены. Установлено, что ГФЖ отобранных грибов обладали способностью подавлять рост и развитие широко распространенных в Республике фитопатогенов: *Rhizoctonia solani*, *Fusarium oxysporum*, *Fusarium solani*, *Verticillium dahlia*, образуя зоны подавления в размерах от 20 до 24 мм в диаметре.

Установлено, что грибы фитопатогены наряду с другими почвенными грибами, сапрофитами проявляют высокие лизирующие активности в отношении трудногидролизуемого природного полисахарида – целлюлозы, аминополисахарида – хитин и хитозан, а также гемицеллюлозы, являющиеся составным компонентом клеточной стенки растений, множества грибов и насекомых. Данные результаты позволяют понять механизмы поражения растений фитопатогенами и регулировать процессы их взаимодействия, а также в создании биопрепаратов в борьбе с вредителями растений.

Полученные результаты показывают, что местные штаммы почвенных и сапрофитных грибов, широко распространенные в различных экологических нишах Республики обладают активностями гидролитических ферментов в зависимости от рода, вида, состава питательной среды, времени и условий культивирования.

Таким образом, сериями экспериментов по определению активностей целлюлазы (эндоглюканаза, целлобиогидролаза, авицелаза), хитиназы и ксиланазы на полисахаридсодержащих средах были отобраны активные почвенные грибы – потенциальные источники литических ферментов, из которых можно получить препараты гидролитических ферментов для практики.

## **МИКРОМИЦЕТЫ ПОЧВ СЛАБОГО ПЕСТИЦИДНОГО ЗАГРЯЗНЕНИЯ**

Бахтиерова М.С., Ташпулатов Ж.Ж., Куканова С.И., Зайнитдинова Л.И.

Институт микробиологии АН РУз, г.Ташкент, ул. А.Кадыри-7Б

[b.munira1983@bk.ru](mailto:b.munira1983@bk.ru)

Почва является универсальным биологическим адсорбентом и нейтрализатором разнообразных органических соединений, в которой существуют различные виды микроорганизмов, в том числе бактерии, грибы и актиномицеты. Известно, что микрофлора способна восстанавливать свойства почвенного слоя после попадания в него органических видов пестицидов. Большинство

микроорганизмов почве с большей или меньшей скоростью разлагают органические пестициды, во многих случаях разложение начинается не сразу, а через некоторое время, необходимое для приспособления микроорганизмов к разрушению данного химического соединения.

В связи с этим, проведены исследования по выявлению микромицетов в почвах слабого пестицидного загрязнения, а также изменению их морфологических свойств под действием пестицидов. Из почв слабого пестицидного загрязнения Ферганской долины выделено 13 штаммов микроскопических грибов из которых доминировали представители родов *Aspergillus*, *Penicillium*. Среди микроскопических грибов максимальная устойчивость по отношению к изучаемому пестициду выявлена у *Alternaria* sp.4. Известно, что наличие в среде таких поллютантов, как хлорорганические пестициды, оказывает влияние на морфобиологические и кинетические показатели исследуемых деструкторов. Сравнительный анализ ростовой активности показал, что изучаемый штамм характеризуется быстрорастущими колониями, но при росте на среде с содержанием пестицидов, таких как хлорпирифос и циперметрин, у *Alternaria* sp.4 радиальная скорость уменьшается почти в 5 раз, по сравнению с исходным штаммом. Наблюдалось изменение и других показателей, таких как цвет и форма колоний, а также изменяется размер и форма конидий. Присутствие смеси пестицидов хлорпирифос+циперметрин в среде в некоторой степени угнетает также биосинтетическую активность. Однако, наблюдаемый на 14 сутки пик активности по белку и органическим кислотам определенно свидетельствует о том, что рост микромицетов идет за счет использования пестицидов в качестве единственного источника питания.

Таким образом, показано, что, несмотря на наличие в почве определенных концентраций пестицидов, микроскопические грибы представлены достаточно большим видовым разнообразием. Установлено, что изученный активный штамм *Alternaria* sp. 4 обладает не только определенной устойчивостью по отношению к пестицидам, но и способен их утилизировать в качестве источника питания. Это свидетельствует о возможности применения этого и других активных штаммов в разработке биотехнологий восстановления естественного почвенного баланса.

## **ГЕН НОКАУТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ОЛИНГАН МИКРО ТУГАНАКЛАРДАН КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ**

Бобожанова Ф.И., Маматкулова Ш.Х., Омаров С.А., Исломов А.Б.,  
Рахманов Б.К., Резаева Б.Р., Убайдуллаева Х.А., Буриев З.Т.

ЎзР ФА, Геномика ва биоинформатика маркази  
111215, Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2-уй.

Картошка (*Solanum tuberosum* L.) етиштириш майдониға кўра жахонда учинчи энг муҳим экин тури ҳисобланади. Картошкани сайёрамизнинг 3 млрд. дан зиёд аҳолиси истеъмол қилади ва у иккинчи нон номини ҳам олган. 150 дан ортиқ давлатлар картошка етиштириш билан шуғулланади. Картошка етиштиришнинг энг долзарб муаммоларидан бири унинг маълум даражада вирусли, бактерияли ва замбуруғли касалликлар ҳамда турли зараркунандалар билан зарарланишга

мойиллигидир. Картошка ўзининг жуда тез касалланиши даражаси билан маданий ўсимликлар қаторида 2 ўринда туради [1, 2].

Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини анъанавий селекция усуллари ёрдамида яратиш 15-20 йил вақтни талаб этади. Ҳозирги кунда қисқа муддатларда ҳосилдор, касаллик ва зараркунандалар ҳамда ҳашаротларга чидамли янги картошка навларини яратиш олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу вазифани маълум даражада ҳал этиш мақсадида Геномика ва биоинформатика марказининг трансгеномика ва тўқималар култураси лабораториясида картошканинг Дезире, Атлант ва маҳаллий Сарнав-17 навлари *in vitro* шароитида ўстирилиб, уларга РНҮВ, ESKIMO, LAE конструкциялари трансформация қилинди.

Ушбу конструкциялардан фойдаланишдан мақсад картошкани қатор агрономик хусусиятлари (ҳосилдорлик, эртапишарлик ва чидамлилик кабилар)ни яхшилаб қисқа муддатларда янги биотехнологик навларни яратиш.

РНҮВ генетик конструкцияси ўсимлик онтогенезини бошқарадиган дирижёр генлардан бири бўлган қизил нур рецептори генини фаолиятини сусайтирувчи ген ҳисобланади.

ESKIMO ҳамда LAE генетик конструкциялари ўсимликларнинг абиотик омилларга, жумладан қурғоқчилик, шўрланиш ва совуққа ҳамда турли касалликларга чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу конструкциялар ёрдамида ўсимликларни трансформациялаш натижасида 80% трансген ўсимликлар олишга эришилди. Улар микро ва макроэлементларга бой озуқа муҳитида қоронғу шароитда *in vitro* ўстирилиб, 8-10 кундан сўнг микротуганаклар ҳосил бўлиш жараёни кузатилди. Ҳосил бўлган микротуганаклар икки ой муддатга тиним даврини ўташ учун паст ҳароратга қўйилди.

Ҳосил бўлган микро туганакларни иссиқхона шароитида махсус субстрат (торф, кум, тупроқ 1:1:1 нисбатда)га экилди ва 5-10 кундан сўнг улардан яхши ривожланган поялар ўсиб чиқди. Икки ойдан сўнг очик дала шароитида етиштириш мумкин бўлган тўлиқ картошкалар олишга эришилди. Ҳозирги кунда, ушбу картошка туганакларини очик майдонларга экиб сифатли ва соғлом картошка ҳосилини олиш бўйича илмий-амалий тажрибалар давом эттирилмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Gearheard S, Pocerich M, Stewart R, Sanguya J, Huntington HP (2010). Linking Inuit knowledge and meteorological station observations to understand changing wind patterns at Clyde River, Nunavut. *Clim. Change*, 100:267-94.
2. Xingquan, W., Tan, X., Chen, S. and Xie, L. 2006. Cloning and sequence analysis of CP gene of a potato leaf roll virus isolate from Fujian. *J. Henan Agric. Univ.* 40 (4): 391-393.

#### **ҒЎЗА ЎСИМЛИГИНИ БИСУЛЬФИТ УСУЛИ ЁРДАМИДА ЭПИГЕНЕТИК ТАДҚИҚ ЭТИШ**

Буриев З.Т., Раҳманов Б.К., Убайдуллаева Х.А., Шерматов Ш.Э.,  
Абдурахмонов И.Ю.

Ҳозирги кунда эпигеномика кенг миқёсда тадқиқ этилаётган биология соҳаларидан бири ҳисобланади. Ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши ва стресс омилларга жавоб реакцияларида эпигенетика катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда илмий-таҳлилий усуллар ишлаб чиқишда эришилган ютуқлар организм геномларини эпигенетик жиҳатдан тадқиқ қилиш ва унинг механизларини англаш учун янги имкониятлар очиб бермоқда [1].

Эпигенетик механизмлар сифатида нисбатан яхши ўрганилган ДНК метилланиши, гистон модификацияси ва РНК интерференцияси ҳужайрада амалга ошувчи ген экспрессияси, ДНК репликацияси ва рекомбинацияси каби кўплаб жараёнларни бошқаришда муҳим рол ўйнайди. Ўсимликларда ДНК метилланиши CG, CHG ва CHH (H келса, бу A, C ёки T) нуклеотид кетма-кетликлари шаклида учрайди [2].

Ушбу тажрибаларимизда галл нематодаларига нисбатан чидамлилиқ хусусиятларига эга бўлган *MIC-3 (Meloidogyne Induced-Cotton-3)* ген промотори регионидаги эпигенетик жараёнларни ўргандик [3]. Нишонланган промотор региони сифатида *MIC-3* промоторининг 307 нуклеотид жуфтлиги узунлигидаги гиперметилланган CG, CHG ва CHH сайтлари танлаб олинди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад, нематодаларга чидамли (M-315) ва чидамсиз (M-8) бўлган *ғўза* навларининг ген экспрессиясига эпигенетик жараёнлар таъсирини ўрганиш ва ундаги фарқларни таҳлил қилишдан иборат. Ушбу *ғўза* генотипларининг барг ва илдиз тўқималаридан ажратиб олинган ДНК намуналарига махсус бисульфит реакцияси ва нуклеотид кетма-кетлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, промотор гиперметилланган регион CG ва CHG сайтларида чидамли (M-315) ва чидамсиз (M-8) навларнинг барг ва илдиз қисмларида фарқлар кузатилмади, лекин *ғўза* барг намуналарининг CHH сайтларида сезиларли метилланиш ўзгаришлари аниқланди, бу жараён DRM2 ва SMT2 ДНК метилтрансферазалари томонидан бошқарилади. Икки генотипнинг баргларида илдиз қисмларига нисбатан метилланиш даражалари 60% га юқори бўлган. Бирламчи натижалар шуни кўрсатяптики, илдиз учун специфик бўлган *MIC-3* генининг экспрессияси метилланиш механизми орқали эпигенетик жиҳатдан бошқарилган. Бу эса *MIC-3* генининг нематода патогенезида янги генетик функционал аҳамиятини ёритишга олиб келади. Тадқиқотнинг навбатдаги босқичларида чидамли ва чидамсиз генотипларнинг қиёсий профиллари муҳокама қилинади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Hu Y., Morota GRosa., G.J. M., and Daniel Gianola. Prediction of Plant Height in *Arabidopsis thaliana* Using DNA Methylation Data. 2015. *Genetics*, Vol. 201, 779–793.
2. Gouil Q, Baulcombe DC (2016) DNA Methylation Signatures of the Plant Chromomethyltransferases. *PLoS Genet* 12(12): e1006526. 1006526.
3. Buriev ZT, Saha S., Abdurakhmonov IY, Jenkins JN, Abdurakarimov A., Scheffler BE, Stelly DM. 2010. Clustering, haplotype diversity and location of *MIC-3*: a



## УЗУМ ТАРКИБИДАГИ ФЕНОЛЛИ МОДДАЛАРНИ АЖРАТИШНИНГ ОПТИМАЛ ШАРОИТИНИ ЎРГАНИШ

<sup>1</sup>Вохидова Н.Б. <sup>1</sup>Артикова Р.М., <sup>2</sup>Матчонова Д.Ш.

1 100011, Узбекистан, город Ташкент, ул Навои 32.

2 Ургенчский Государственный университет

[Rartikova61@mail.ru](mailto:Rartikova61@mail.ru)

Хозирги вақтда инсон организмига атроф муҳитнинг кўпгина омиллари салбий таъсир кўрсатади. Бундай шароитда инсон стресс ҳис қилади, унинг хужайралари оксидланади, қарийди, бўлинишдан тўхтайдди, халок бўлади натижада инсонни касалликга ва бевақт ўлимига олиб келади. Бунинг сабаби бизнинг озиқланишимизда биологик фаол моддаларнинг етишмаслигидир, бу моддалар бизнинг хужайраларимизга бу хавфли омилларни енгишига ёрдам берган бўлар эди. Шунинг учун иложи борича эртароқ ҳулоса чиқариб, патологик жараёнларни тўхтатиш чораларини кўриш лозим. Бундай муаммони хал қилишда таркибида турли хил антиоксидантлар тутувчи ўсимликлар ёрдамга келади. Антиоксидантлар — органик бирикмаларнинг оксидланишини секинлаштирувчи ёки тўхтатувчи моддалардир. Улар эркин радикалларнинг ноўя таъсиридан организмни химоя қилади.

Ўсимлик препаратлари таркибидаги таъсир кўрсатувчи моддалар табиий бирикмаларнинг бир ёки бир нечта бирикмалари бўлиб уларга: терпеноидлар, стероидлар, алкалоидлар, каротиноидлар, флавоноидлар киради. Биологик фаол моддалар, айниқса полифеноллар манбаларидан бири узум мевалари ҳисобланади. Узумнинг таркиби антиоксидантларга ниҳоятда бой. Улардан бири флавоноидлардир. Узум мевалари таркибида флавоноидлардан ташқари инсон соғлиғи учун зарур бўлган қанд (глюкоза ва фруктоза), ферментлар, витаминлар, микроэлементлар, органик кислоталар, азотли, фенолли ва бошқа моддалар мавжуд. Узум инсонларга жуда қадимлардан маълум. У ўзининг кимёвий таркибига кўра кенг қўлланиладиган ўсимликдир.

Ўзбекистон шароитида етиштирилаётган узум меваларидан биологик фаол экстрактлар олиш самарадорлигига учун қуйидаги параметрларнинг таъсири ўрганилди.

- экстракция давомийлиги;
- экстракция харорати;
- экстрагент тури;

Биологик фаол моддаларнинг ажралиши самарадорлиги экстрактдаги фенолли моддалар миқдорини галл кислоталар миқдorigа қайта ҳисоблаш орқали топилди.

Экстракция жараёни технологик асосланган давомийлигини аниқлаш учун хона хароратида турли вақтлар давомида экстракция амалга оширилди. Экстрактлар таркибидаги фенолли моддалар миқдори аниқланди. Олинган натижалар бўйича экстракциянинг самарали давомийлиги узум қобиғи учун 0,5 соат, данаги учун 2 соат, бутун мевалари учун 3 соатни ташкил этди.

Экстракция учун оптимал хароратни аниқлаш 30°C, 40°C, 50°C ва 60°C хароратда амалга оширилди. Биологик фаол моддалар ажралишининг энг оптимал харорати экстракт таркибидаги фенолли моддалар миқдorigа қараб назорат қилинганда хом ашёнинг барча турлари учун 60°C деб топилди. Адабиётлардан олинган маълумотларга кўра хароратнинг бундан юкори бўлиши полифеноллар ва витаминларнинг парчаланишига олиб келади.

Узум таркибидаги биологик фаол моддаларнинг ажралишига экстрагентларнинг таъсири ҳам ўрганилди. Бунинг учун экстраген сифатида сув, этанол, глицериннинг 30%, 50%, 70% ли концентрациядаги эритмалари олинди. . Олинган экстрактлар унинг таркибидаги фенолли моддалар миқдorigа қараб текширилди. Ўтказилган изланишлар давомида узум пўсти учун 70% ли этанол, данаги учун сув ва бутун меваси учун 40 % ли этанол ва 70% ли глицериннинг сувдаги эритмасида экстракциянинг максимал даражасига эришиш мумкин эканлиги аниқланди.

## **HALOPHYTIC BIOMASS FOR BIOGAS PRODUCTION**

Jabborkhnova Nodirakhon

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

100174, Tashkent, Vuzgorodok

[nodira\\_1710@mail.ru](mailto:nodira_1710@mail.ru)

Search and effective use of alternative renewable energy sources is an urgent task of modernity and it has important scientific and applied value. The use of different types of unusable (inedible) plant biomass such as halophytic plants as renewable raw materials for energy generation seems very promising from an economic, technical and environmental points of view. Halophytes are flowering plants which are naturally found in saline habitats such as coastal swamps, coastal dunes, inland salt flats, playas and lands ruined by mal-agricultural practices. A number of these highly salt tolerant plants have several economic utilities and could be cultivated as food, fodder/forage, and medicinal crops on saline lands with the help of salty water irrigation (Abdul Hameed and M. Ajmal Khan, 2011). Halophytes can be also a highly valuable source of fuels such as bioethanol, biodiesel and fuelwood. Globally, nearly 1.3 billion people live without access to electricity, and 2.6 billion lack clean cooking facilities, mostly in the developing countries of Asia and Africa (International Energy Agency, 2012). There are a number of annual and perennial species among halophytes that are able to uptake significant amounts of salts in biomass and remove them from saline soils. Thus, cultivation and sustainable utilization of wild or domesticated halophytic plants could play an important role for salinity control, melioration of saline lands and improvement of livelihoods of rural communities in Central Asian region. In addition, they may be useful as sources of renewable energy (Akinshina et al., 2014). One of the worst cases of salinization is in the Aral Sea Basin in central Asia (Uzbekistan, Kazakhstan, Kyrgyz Republic, Tajikistan, and Turkmenistan) (Kijne, 2005; Qadir et al., 2009), where up to 50% of the irrigated area is affected by salinity and/or water logging; thousands of square kilometres of irrigated land were degraded when virgin lands were converted into irrigated agricultural land (Qadir et al., 2009). Only halohpytes have evolved a number of

strategies to survive and reproduce under highly saline conditions where most plants cannot. Therefore, the aim of this work is to study the technological features of anaerobic biodegradation of halophytic biomass containing elevated concentrations of mineral components for the production of biogas.

## **ЗАЙТУН (*OLEA EUROPAEA*)ЎСИМЛИГИНИ *in vitro* УСУЛИДА КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Исломов А.Б, Убайдуллаева Х.А., Д.Ёрматова, Буриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю.

ЎЗР ФА, Геномика ва биоинформатика маркази  
111215, Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2-уй.  
[a.islomov@genomics.uz](mailto:a.islomov@genomics.uz)

Республика аҳолисининг кўпайиб бориши, кишлок хўжалик мутахассислари олдига озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб етиштиришни такқоза қилмоқда. Инсоният учун энг зарур маҳсулотлардан бири ўсимлик мойдир, чунки бир кунда 2-3 марта ўсимлик мойдан фойдаланишга тўғри келади.

Ҳозиргача юртимизда экилиб келинаётган анъанавий мойли экинлар асосан бир йиллик ўтсимон кузда, эрта баҳорда ёки такрорий экин сифатида экиб келинади. Улардан ҳеч бири 2-3 йил узлуксиз мой берувчи ўсимлик ҳисобланмайди. Ҳозирда жаҳонда узоқ вақт камида 1000 йиллар мабойнида ҳосил берувчи ўсимликлардан бири бу Зайтун ҳисобланади.

Зайтун (*Olea europaea*), мойли ўсимликлар гуруҳи зайтундошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, ҳозир Сурия, Исроил ва Корсика мамлакатларида 2000 йилдан зиёд умр кўрган дарахтлари мавжуд. Мўътадил иқлимли мамлакатларда узоқ яшайди.

Зайтун мойи 80% тўйинмаган ёғ кислоталари – олеин (75%), линол (13%) ва линолендан (0,55%) ташкил топган бўлиб, бу моддалар организмда холестерин даражасини камайтиради. Зайтун мойи таркибида витаминлар А, Д, К, Е, F ва полифеноллар мавжуд. Бу моддалар атеросклероз, саратон(рак) касалликларини камайтиради ва хужайраларнинг қариш жараёнини кечиктириб тери қаватини тиклайди. Зайтун мевасида 25дан 80%гача мой, баргларида 0,04% эфир мойлари бўлади. Зайтун мойи ичаклар, ошқозон ости беши ва жигар ишини яхшилади ҳамда ўт халтасида тошлар пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Кальцийнинг шиддат билан сўрилиши суякларнинг ўсишини кучайтиради, кон босимини яхшилади, кўкрак безлари, тухумдонлар ва йўғон ичак саратони каби касалликларга қарши восита сифатида фойдаланилади. Бу ўсимлик мевасини радиацияга қарши профилактик восита сифатида астронавтларнинг овқат рационига киритилган. Зайтун ўсимлиги энг сердаромад экин туридир. Зайтун экилганда бир гектарда 360-400 туп дарахт бўлиб ҳар туп дарахтдан ўртача 50-70 кг, жами гектара ҳисобига 2400-2800 кг мева олинади, ушбу ҳосилдан 1500-1600 кг мой олинади..

Зайтун ўсимлигини Ватани Ўрта Ер денгизи мамлакатлари, аниқроғи Сирия бўлиб, шу ердан бутун ер юзи бўйлаб тарқалган. Зайтун Испания, Италия, Португалия, Греция, Тунис, Марокко, Сурия, Исроилда катта майдонларга экилади, қисман Грузия ва Озарбайжонда ҳам етиштирилади. Ўрта Осиёда, Туркменистонда 1938-1940 йилларда зайтунзорлар ташкил этилган, аммо иқлимга

мослашаолмаганлиги туфайли йўқолиб кетган. Ҳозирги кунда энг кўп зайтун экиладиган мамлакатларга Греция, Италия, Испания, Палестин, Туркия, Мексика, Австралия ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистонда зайтун етиштириш технологияси олимларимиз томонидан ишлаб чиқилиб, Зайтун ўсимлиги Ўзбекистонда ҳам бошқа иссиқ мамлакатлардаги сингари етарлича фойдали ҳароратни олиши мумкинлиги кузатилди.

Бизнинг марказда ҳам соҳа ривожига ўз ҳиссамизни қўшиш ва ривожлантириш мақсадида, истиқболли, саноат ва тиббиёт учун қимматбаҳо ўсимлик - Зайтун(*Olea europaea*) дарахти кўчатларини кўп миқдорларда ва қисқа муддатларда *in vitro* усулида микроклонал кўпайтириш орқали импорт ўрнини боса оладиган, тупроқ шароитларига талабчан бўлмаган, энг асосийси турли вируслардан холи бўлган (стерилланган) истиқболли ўсимлик сифатида кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқдик.

Зайтун дарахти кўчатлари Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Табиий фанлар кафедраси мудираси биология фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова ва Андижон вилояти Халқаро Бобур жамғармасидан олиб келинди ва улардан стерил ҳолатда 1000 дан зиёд меристема тўқималари кесиб олинди. Лаборатория шароитида тўқималарнинг илдиз отиши ҳамда шохланишини таъминлаш мақсадида улар махсус озуқа муҳитлари билан тўлдирилган 100 дан зиёд идишларга экилди.

Экилган қаламчаларнинг ривожланиш жараёни устидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, инфекция тушган ва замбуруғлар билан зарарланган қаламчалар ўз вақтида аниқланиб, тозалангандан сўнг янги озуқа муҳитларига қайта экилади. Шохлаган қаламчалардан доимий равишда меристема тўқималари кесиб олинади ва кўпайтириш учун экилади. Илдизлари ривожланиб кўчиришга тайёр бўлган қаламчалар ноёб объект фитотронда ўстириш учун аввалдан тайёрланган субстратга ўтказилади.

Қаламчаларни илдизлатиш билан биргаликда уларни шохлатиб, кўпайтиришни жадаллаштиришга ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, бу борада лабораторияда озуқа муҳитларини янада оптималлаштириш устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳулоса қилиб айтганда, ушбу технология ёрдамида мевали, манзарали ва гулли ўсимликларнинг кўчатларини етиштириш учун кетадиган вақтни қисқартириш, вируслардан холи бўлган буткул соғлом кўчатлар етиштириш ва асосийси уларни миллионлаб нусхаларда етиштириш имкониятлари очилади.

## ***PHYSALIS ALKEKENGII* ЎСИМЛИГИ ВИРУСИНИ ГЕЛЬФИЛЬТРАЦИЯ УСУЛИДА ТОЗАЛАШ**

Кадирова З.А.

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,  
100174, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Университетская, 4  
[divya\\_shakti@hotmail.com](mailto:divya_shakti@hotmail.com)

Физиологик фаол моддалар, алкалоидлар, витаминлар, каротиноидларга бой, шифобахш ўсимликлардан бири *Solanaceae-тузумдошлар* оиласи вакили *Physalis alkekengi* ҳисобланади. Ушбу ўсимлик тиббиётда турли касалликларни даволашда,

жумладан, ошқозон - ичак хасталиклариди, жигар, ўт қоғи, буйрак ва камқонлик касалликларини даволашда, турли оғриқларни қолдирувчи, қон тўхтатувчи восита сифатида кенг қўлланилади. Фармацевтика саноатида ҳам ушбу ўсимликдан кенг фойдаланилиб, турли суртма дори препаратлари ишлаб чиқарилади.

*Ph. alkekengi* ўсимлиги вирусини ажратиб олиш учун вирус тўпловчи индикатор ўсимлик - *N. Tabacum Samsun* навидан фойдаланилди ва вирусни ушбу ўсимликда кўпайтирилди. Вирусни ажратиш ва тозалашда хроматографик усуллардан фойдаланилди. Бунинг учун вирусли ўсимлик баргидан 200 голиб, 0,1М, рН 7,5 фосфат буферидан 1:1 нисбатда солинди ва механик тарзда майдаланди. Сўнгра ушбу массани филтрдан ўтказилди. Ажратилган вирусли ширани 6000 айл/тез. 20 дақиқа центрифуга қилинди ва чўкма усти суюқлигини ажратиб олинди. Вирусли ширани хлоропласт, оксил, пигментлар ва бошқа компонентлардан тозалаш учун, унга 8:1 нисбатда хлороформ солиб, 20 дақиқа давомида чайкатгичда аралаштирилди. Кейинэса, яна қайтадан 6000 айл/тез. 20 дақиқа давомида центрифуга қилинди. Центрифугадан сўнг, гомогенатдаги вирусни концентрлаш учун унга 25% аммоний сульфат эритмасидан солинди ва ушбу гомогенатни 1 соат давомида 4°C ҳароратда инкубация қилинди. Инкубациядан сўнг 7000 айл/тез. 20 дақиқа центрифуга қилиб, чўкмани ажратиб олинди. Ажратиб олинган чўкмага 0,1М фосфат буферидан (рН 7,5) кўшиб, бир неча бор 6000 айл/тезликда центрифуга қилинди ва чўкма усти суюқлигини ажратиб олинди.

Кейинги босқичда вирусни янада тозалаш учун гелъфилтрация усулидан фойдаланилди. Бунинг учун 3% ли агар гранулаларини 2,5x100см колонкага жойлаштирилди ва вирусли гомогенатни колонкага солинди. Ушбу жараёнда солинган гомогенат бир неча фракцияларга ажратилди. Спектрофотометрик текширишлар шуни кўрсатдики, вируслар асосан 8-14 фракцияларда мавжудлиги, қолган фракцияларда эса бошқа хилдаги фаол моддалар борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, вирус билан касалланган *Physalis alkekengi* ўсимлигидан вирус препаратини гелъфилтрация усулида тозалаб ажратиб олинди.

## МИКРОФЛОРА СЫРЬЯ КОНСЕРВНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Кадирова Э.

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,  
100174, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Университетская, 4

[divya\\_shakti@hotmail.com](mailto:divya_shakti@hotmail.com)

Дрожжевая флора плодов и ягод очень богата и разнообразна. Естественным местообитанием дрожжей является поверхность плодов и ягод, сок, поверхность листьев, нектар, вода, почва и т.д.

Нами изучен количественный и видовой состав микрофлоры плодово-ягодных соков. Для этого обследовали соки следующих плодов и ягод: яблока, винограда, абрикос, персика, гранат, сливы, груши, апельсина и др. Предварительное изучение эпифитной микрофлоры этих плодов показало преобладание видов дрожжей *Hanseniaspora apiculata* и представителей рода *Torulopsis*. На протяжении всего периода созревания винограда обнаружены

*Hansenula anomala* и *Debaryomyces globosus*. В относительно небольшом количестве выявлены клетки пленочных форм *Candida* sp. и *Pichia alcoholophilila*; дрожжи рода *Saccharomyces* на плодах и ягодах встречались редко.

Видовой состав дрожжей эпифитной микрофлоры яблок оказался разнообразнее. Наряду с аспорогенными формами в большом количестве выявлены спорообразующие: *Debaryomyces hansenii*, *D. Kloeckeri*, *D. Rosei*, *D. Guilliermondii*, *Hansenula anomala*, *Hanseniaspora apiculata*. Постоянными обитателями поверхности яблок, отобранных в производстве и взятых с насаждений, были *Candida pulcherrima*. В свежееотжатом соке преобладали *Hanseniaspora apiculata*, *Saccharomyces vini* и *Candida krusei*.

В свежееотжатых грушевых соках обнаружены представители различных систематических групп дрожжей, в первую очередь рода *Saccharomyces*. Некоторые виды этого рода значительно развиты в персиковых соках. В персиковых, вишневых и, особенно, айвовых соках в большом количестве присутствовали пленчатые дрожжи *Candida*. В микрофлоре сливого сока преобладают спорогенные и аспорогенные дрожжевые микроорганизмы. В составе микрофлоры сливого сока доминируют *Saccharomyces vini*, *Torulopsis utilis*. В составе микрофлоры абрикосового сока выявлены дрожжи *Saccharomyces vini* и *Candida krusei*.

С целью предотвращения размножения вышеуказанных видов дрожжевых организмов в готовой продукции необходимо применение в процессе промышленной переработки ягод и плодов антисептических веществ, в частности сорбиновой кислоты.

## ОЦЕНКА БЕЗОПАСНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ СИСТЕМ РЕДАКТИРОВАНИЯ ГЕНОМА

Камбурова В.С., Никитина Е.В., Назарова Е.Ф., Абдурахмонов И.Ю.

Центр геномики и биоинформатики АН РУз  
111215, Ташкентская обл., Кибрайский район, ул. Университетская, д. 2  
[venera\\_k75@mail.ru](mailto:venera_k75@mail.ru)

Новейшие системы редактирования геномов позволяют вводить стабильно наследуемые точечные модификации в геном растения и трансгенный регион может быть легко удален после редактирования целевого гена, что позволяет получать нетрансгенные растения при улучшении сортов сельскохозяйственных культур. Растения, разработанные при помощи технологий редактирования генома, идентичны растениям, полученным при использовании классической селекции, и их безопасность должна оцениваться с учетом полученного конечного продукта, а не процесса создания.

Однако, несмотря на то, что технологии редактирования геномов рассматриваются как наиболее безопасные, применение этих методов при создании сельскохозяйственных культур также имеет потенциальные риски, связанные с их безопасностью. При этом основной проблемой применения этих технологий с точки зрения безопасности является наличие нецелевых эффектов синтетических нуклеаз при редактировании геномов.

Нецелевые эффекты при использовании систем редактирования генома зависят от эффективности и специфичности сконструированных нуклеаз и тесно связаны с выбором целевого участка. Для каждого эндогенного геномного локуса эффективность расщепления ДНК, как целевого, так и нецелевого, зависит не только от внутренней нуклеазной активности (таких как FokI домены и Cas9 белки), но и доступности целевого участка и аффинности ДНК-связывающего домена (например, TAL эффекторных доменов и gRNA) к целевой последовательности. Специфичность сконструированных нуклеаз в значительной степени зависит от аффинности связывания нуклеаза-ДНК, в том числе связывание цинковых пальцев с ДНК (ZFNs), TAL эффектора с ДНК (TALENs) и гибридизации gRNA с ДНК (CRISPR), хотя димеризация FokI домена (ZFNs и TALENs) и взаимодействие Cas9 с мотивом, прилегающим к протоспейсеру (PAM), также могут играть важную роль

Для минимизации нецелевых эффектов химерных белков ZFN и TALENs важным моментом является тщательный подбор сайтов для специфичного внесения двухцепочечного разрыва с использованием методов предварительного биоинформатического анализа. При выборе нужных сайтов следует избегать участков повторенных последовательностей, а также участков, имеющих высокую гомологию с другими районами генома. Кроме того, использование ортологов Cas9, для активности которых необходимы мотивы, прилежащие к протоспейсеру с более сложной консенсусной последовательностью, позволяет снизить нецелевые эффекты для метода CRISPR. Также уменьшения нецелевых эффектов можно добиться за счет повышения специфичности редактирования генома. Так, например, использование двух нуклеаз Cas9 с парой sgRNA значительно уменьшает риск возникновения нецелевых мутаций.

Однако, несмотря на существующие проблемы, растения, полученные с использованием методов редактирования генома, в настоящее время считаются нетрансгенными и к ним неприменимы правила, регулирующие оценку безопасности ГМО, что создает новые проблемы для регулирования и общественного признания генетически отредактированных культур. В настоящее время эти технологии обсуждаются различными консультативными и регулирующими органами в свете законодательства по ГМО и классификации генетически отредактированных культур, полученных с использованием методов редактирования генома, как не являющихся генно-модифицированными. При этом USDA показало, что генно-отредактированные растения не будут рассматриваться как ГМО, однако, Европейская комиссия, как ожидается, опубликует в ближайшее время доклад о нормативной неопределенности таких растений.

## **ПОДБОР ОПТИМАЛЬНЫХ ИСТОЧНИКОВ УГЛЕРОДА НА СИНТЕЗ ФИТОГАРМОНОВ РИЗОСФЕНЫМИ МИКРОМИЦЕТАМИ**

Камолова Х.Ф., Тўраева Б.И., Зухритдинова Н.Ю., Файзиев В.Б.

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
и институт Микробиологии АН РУз,

[fvaxid@mail.ru](mailto:fvaxid@mail.ru)

Возможности, связанные с применением регуляторов роста микробного происхождения в настоящее время очень велики. Под действием регуляторов роста происходят как видимые эффекты, так и более тонкие изменения в метаболизме, которые воздействуют на качественные и количественные изменения показателей получаемой продукции.

Одним из важнейших вопросов в исследовании микроорганизмов является изучение оптимальных условий их культивирования. Известно, что для каждой культуры микроорганизмов, выделенной из почвы, приходится подбирать среды для максимального синтеза физиологически активных соединений, в частности, ростстимулирующих веществ. Для роста грибов, а также биосинтеза ими биологически активных веществ большое значение имеют источники углерода и азота в среде и их количественное соотношение. Изменяя соотношение основных компонентов питательной среды, можно направленно регулировать образование БАВ. Проведены исследования по оптимизации условий культивирования и подбора источников углеродного питания для удешевления питательной среды штаммов грибов *T.harzianum* Uz CF-55, *P.canescens* UzCF-54, *F.moniliforme* GC-12 для максимального образования ГК и ИУК. Изучено влияние на синтез ИУК и ГК на средах Мандельса и Чапека где сахароза и меласса добавлены в среду в соотношении 3%. С целью подбора оптимального источника углерода микромицеты культивировали в динамике в течение 14 суток. В контроле использованы среды Мендельса и Чапека, где источником углеродного питания являлась сахароза. В культуральной жидкости в динамике роста культур определяли ИУК и гибберелловую кислоту.

При исследовании образования индолил уксусной кислоты (ИУК) микромицетами, было показано, что на среде с сахароза + меласса максимальный синтез ИУК *T.harzianum* Uz CF-55 отмечен на 1,4 и 5 сутки роста который составил 2,4 мг/мл. У гриба *P.canescens* UzCF-54 этот показатель на 1 и 2 сутки показал 1,54 мг/мл, а гриб *F.moniliforme* GC-12 синтезировал ИУК на 1-3 сутки в пределах 2,3-2,4 мг/мл.

Максимальный синтез гибберелловой кислоты при использовании 3% сахароза + меласса отмечен у *T.harzianum* Uz CF-55 к 3 и 4 суткам 0,43- 0,5 мг/мл, к 9-10 суткам количество ГК составило 0,67-0,68 мг/мл. Образование ГК гриба *P.canescens* UzCF-54 показало динамичное увеличение ГК с 1 по 10 сутки с показателем от 0,28 мг/мл до 0,78 мг/мл. Максимальный синтез ГК гриба *F.moniliforme* GC-12 отмечен в течении 6 суток 0,7 мг/мл. На другие сутки наблюдалось снижение ГК.

Таким образом, максимальный синтез ИУК отмечен в течении 5 суток культивирования на среде в качестве углеродного источника служила 3% меласса+сахароза. В этой среде количество ИУК у штаммов *F. moniliforme*, *T.harzianum* Uz CF-55, *P.canescens* UzCF-54, *F.moniliforme* GC-12 составило 2,4, 1,54 и 2,4 мг/мл, соответственно. Показано, что максимальный синтез ГК образуется на 9-10 сутки *T.harzianum* Uz CF-55, *P.canescens* UzCF-54 0,5-0,68 мг/мл. У *F.moniliforme* GC-12 наибольший синтез составил на 6 сутки 0,7 мг/мл. Отмечено, что изученное соотношение углеродных источников значительно увеличивало образование ИУК и ГК по сравнению с классической питательной средой.



## БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ БЕЛКОВЫХ КОМПОНЕНТОВ ПОВИЛИКИ

К. А. Кахарова, З. С. Хашимова, Н.Ж.Сагдиев

Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз  
[ibchem@uzsci.net](mailto:ibchem@uzsci.net)

Наш интерес к повилики обусловлен необходимостью в высоко активном цитотоксическом веществе, эффективном против раковых клеток для дальнейшего создания опухоль - адресованного терапевтического средства.

В последние годы появился целый ряд работ по выделению и характеристики активного химического начала из повилики (*Cuscuta*), названный авторами кускутные кислоты – А и Д, а также гликопротеидов.

В составе экстракта повилики китайской (*Cuscuta chinensis*) обнаружены противоопухолевые вещества гликозидподобной природы.

Целью данной работы является изучение цитотоксической активности лектиноподобных гликопротеидов, выделенных из семян повилики, произрастающих в Средней Азии на клетках рака молочной железы C127.

В качестве растительного сырья использовали семена повилики (*Cuscuta europa*) произрастающие на луговых травах.

Лектиноподобные белки (ЛПБ) были выделены из семян повилики путем экстракции солевым раствором с последующим ступенчатым высаливанием сульфатом аммония до конечной концентрации 20 и 50%. После центрифугирования полученные супернатанты были обозначены С20 и С50 и осадки – ЛПБ20 и ЛПБ50 диализованы против дистиллированной воды, лиофильно высушены и использованы для дальнейшей работы. Белки охарактеризованы электрофоретически.

Содержание белка определяли по методу Лоури. Содержание общих сахаров определяли антрон-сернокислотным методом. Оценку гемагглютинирующей активности лектинов проводили путем постановки реакции гемагглютинации в иммунологических планшетах.

Установлено, что наибольшую гемагглютинирующую активность проявляли фракции ЛПБ20 и ЛПБ50, специфичность к углеводам глюкозе и маннозе проявила фракция ЛПБ50..

Цитотоксическая активность полученных фракций определена с помощью МТТ-теста и подсчету живых клеток. Установлено, что наибольшую цитотоксическую активность проявили суммарная фракция и фракции ЛПБ20 и ЛПБ50 – 73,6, 75,0 и 76,0% при дозе белка 100 мкг/мл, а также фракции ЛПБ20 и ЛПБ50 – 51,2 и 64,2% при дозе белка 10мкг/мл, со-ответственно. Аналогичные результаты получены при подсчете клеток трипановым синим.

Таким образом, лектиноподобные белки *Cuscuta europa* проявляют цитотоксическую активность в культуре клеток C127

## КАРТОШКА ТУГАНАКЛАРИНИ *in vitro* УСУЛИДА МИКРОКЎПАЙТИРИШ

Маматқулова Ш.Х., Рахманов Б.К., Буриев З.Т., Убайдуллаева Х.А., Шерматов Ш.Э., Абдурахмонов И.Ю.

ЎЗР ФА, Геномика ва биоинформатика маркази  
111215, Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум., Университет кўч., 2-уй.  
[bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com](mailto:bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com)

Картошка (*Solanum tuberosum* L.) етиштириш майдонига кўра жахонда шולי ва буғдойдан кейинги учинчи энг муҳим экин тури ва миллиардлаб инсонларнинг озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Дунё бўйлаб картошканинг турли хажм ва шаклларга эга бўлган 4000 дан ортиқ турлари учрайди [1]. Анъанавий уруғлик картошка етиштиришга боғлиқ икки хил асосий муаммолар мавжуд: биринчиси, экин майдонларида кўпайиш коэффицентининг пастлиги ва иккинчиси, вирусли, бактериал ва замбуруғли касалликларга чалинишга юқори даражада мойиллик [2, 3]. Бундан ташқари экин майдонида ўсимликларнинг ҳар бир кўпайиш босқичида вирусли, бактериал ва замбуруғли касалликлар билан зарарланиш хавфи ортади, чунки вегетатив кўпайиш даврида касаллик туганаклар орқали авлоддан авлодга ўтиши мумкин. Бироқ *in vitro* усулида микрокўпайтирилган материаллар ёрдамида юқори сифатли натижа ва етиштириш йўриқномаларига асосланган ҳолда вирусдан ҳоли уруғлик картошка етиштириб ушбу иккала муоммаларни бартараф этиш мумкин.

Картошка микрокўпайтирилишининг якуний маҳсули ниҳолчалар ёки микротуганаклар ҳисобланади. Гермоплазмани сақлаш ва алмаштиришда ҳамда уруғлик картошка етиштиришда микротуганаклардан фойдаланиш бир қанча афзалликларга эга, чунки микротуганаклар узоқ муддат сақланиши мумкин ва уларга ишлов бериш ҳамда ниҳолчаларга қараганда транспорт қилиш осонроқдир. Туганакнинг хажмини ошириш муҳимдир, чунки микротуганак қанча йирик бўлса, сақлаш даврида уларнинг йўқотилиши шунчалик кам бўлади, ҳамда энг асосийси бошланғич униш энергияси, ниш уриш ва ҳосилдорлик сифатлари юқори бўлади. Микротуганаклардан кўпайиш материали сифатида фойдаланишдан ташқари улардан бошқа мақсадларда қўллаш ҳам фойдалидир, микротуганакларнинг гермоплазмани сақлаш ва алмаштириш ёки тадқиқот воситаси сифатида ўсимлик метоболизми, гермоплазма селекцияси ва баҳолаш, трансформация, молекуляр культуралаш ёки соматик гибридизация йўналишларида ва агрономик жиҳатдан аҳамиятли бўлган, яъни биологик етилиш, абиотик стрессга бардошлилик каби хусусиятларни *in vitro* селекцияси мақсадида фойдаланиш мумкин.

Шу сабабли, бизнинг мақсадимиз вирусли, бактериал ва замбуруғли касалликларга чидамли, ҳамда ҳосилдор трансформация қилинган *in vitro* картошка туганаклари етиштиришдир. Ҳозирда лабораториямизда трансформация қилинган ва *in vitro* шароитида туганакларни микрокўпайтириш ва уларни тупроққа мослаштириш бўйича илмий изланишлар давом этмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

International Potato Center. <http://cipotato.org/potato/facts/>.

Fiers, Edel-Hermann, Chatot, Hingrat, Alabouvette, et al.. Potato soil-borne diseases. A review. *Agronomy for Sustainable Development*, Springer Verlag/EDP Sciences/INRA, 2012, 32 (1), pp.93-132.

S. B. F. Galvino-Costa, A. dos Reis Figueira, V. V. Camargos, P. S. Geraldino, X-J. Hu, O. V. Nikolaeva, C. Kerlan and A. V. Karasev. [A novel type of Potato virus Y recombinant genome, determined for the genetic strain PVY](#). Plant Pathology. Volume 61, Issue 2, April 2012, Pages: 388–398.

## ФЛАВОНОИДЛАРНИНГ ДЎЛАНА МЕВАЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ

Мурадходжаева З.Б., Артикова Р.М.

Тошкент кимё технология институти,  
100011, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Навои кўчаси 32.

[Rartikova61@mail.ru](mailto:Rartikova61@mail.ru)

Флавоноидлар – сувда эрувчи ва липофил табиий фенолли гетроциклик кислород тутувчи бирикмалардан бири бўлиб, сариқ, зарғалдоқ ёки қизил рангларда бўлади. Улар бир нечта гуруҳчаларга бўлинади буларга: катехинлар, антоцианлар ва лейкоантоцианлар, флаворон, изофлаворон, флавонон, флавонол, шунингдек халконлар ва дигидрохалконларнинг ҳосилалари киради. Ҳозирги кунда 6500га яқин флавоноидлар маълум. Уларнинг кўпчилиги ўсимликларда гликозидлар–қандлари билан турлича бирикмалар кўринишида учрайди. Кўпчилик флавоноидлар ўсимликларга ранг берувчи пигментлардир. Масалан, антоцианлар гулларни, меваларни, барглари ва пояни пушти рангдан қора ранггача, флаворон, флавонол, аурон ва халконлар эса сариқ ва зарғалдоқ рангга бўяйди.

Флавоноидлар ўсимликларнинг турли органларида гулларида, баргларида ва меваларида кенг тарқалган. Айниқса ёш гуллар ва пишиб етилмаган мевалар флавоноидларга бой. Флавоноидлар юксак ўсимликлар метоболизмида муҳим рол ўйнайди. Улар фотосинтезда иштирок этади, химоя субстанциялари - лигнин ва суберинларнинг ҳосил бўлишини бошқаради, уруғларнинг ўсиш жараёнларини, ўсимликларнинг ўсиш қисмининг пролиферацияси ва апоптозини назорат қилади. Сут эмизувчилар ва инсонлар организми биофлавоноидларни синтезлаш хусусиятига эга эмас, шунинг учун уларнинг озикланишида ўрни бекиёс компонентлар ҳисобланади. Инсонларнинг флавоноидларга бўлган эҳтиёжи 50–100 мг/сут.ни ташкил этади.

Флавоноидларнинг биологик фаоллиги аскорбин кислотанинг оксидланишини тўхтатиш ва липидларнинг перекисли парчаланиши, шунингдек оғир металлларнинг ионларини улар билан хелатли комплекс ҳосил қилиш орқали инактивациялаш билан боғлиқ. Яъни флавоноидлар инсон организмидаги моддалар алмашилишида иштирок этувчи асосий фермент тизимларининг фаоллигини ўзгартириши мумкин, масалан, аскорбиноксидазани ингибирлайди. Флавоноидлар, аскорбин кислота каби енгил оксидланиш ва тикланиш хусусиятига эга, шунингдек улар водород молекуласини нафас олиш субстрати ва ҳаво кислороди орасида ташувчи бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин.

Дўлана мевалари таркибидаги флавоноидларни миқдорини аниқлаш учун уларнинг хлорид алюминийнинг спиртли эритмаси билан бўялган комплекс ҳосил қилиш хусусиятига асосланган ҳолда усул танланди. Бунда ютишнинг узун тўлқинли батохром силжишини юзага келтиради ва 412 нм тўлқин узунлигида асосий максимал ютилиш кузатилади.

Синалаётган эритмани турғун бۆёк хосил қилишини эритма тайёрлангандан сўнг 1 соат давомида аниқлаш учун кузатилди. Кузатишлар натижасида реактив кўшилганидан сўнг 30 минутдан кейин максимал оптик зичлик ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Дўлана мевалари таркибидаги флавоноидларнинг тўлиқ экстракция бўлишига хом ашёнинг майдаланиш даражаси, экстрагентнинг концентрацияси, хомашё ва экстрагентнинг нисбати ва экстракциянинг оптимал вақтининг таъсири ўрганилди. Кузатишлар натижасида хомашё заррачаларининг ўлчами 0,5 мм бўлганда тўлиқ экстракцияланиши аниқланди. Дўлана флавоноидларини ажратиш учун хом-ашё экстрагентнинг нисбати 1:30 бўлганда энг яхши экстрагент 70%ли этанол эканлиги кузатилди. Экстракциялаш учун оптимал вақт тажриба кўрсаткичларига асосан 45 минутни ташкил этди.

Олинган натижаларга кўра флавоноидлар миқдорига кўра дўлана меваларини флавоноидлар манбаи бўлган доривор ўсимликлар қаторига кўшиш мумкин.

## **ОПТИМАЛЬНАЯ ФОРМА ПОДДЕРЖАНИЯ БИОТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ КОЛЛЕКЦИИ КАРТОФЕЛЯ**

Насырова Г.Б., Собирова М.Ш., Тожиева Л.О., Сайфиева Х.Д., Адылов Ш.К.,  
Абдулхакова С.А., Зукурова З.А., Абдурасулов Х.А.,  
Казбеков К.Н., Холмуратов Э.Г.

Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз  
100125, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Х. Абдуллаева, д. 83  
[biorast50@mail.ru](mailto:biorast50@mail.ru)

Наиболее приемлемой формой генбанков для вегетативно размножаемых культур являются биотехнологические коллекции, которые позволяют на небольших площадях содержать большое количество различных генотипов в абсолютно свободном от любых патогенов и жизнеспособном виде. Для картофеля, прежде всего – это отсутствие вирусных инфекций и способность, при необходимости, к дальнейшему размножению. Материал из биотехнологической коллекции может быть использован как в производственных целях – производство исходного безвирусного материала для первичного семеноводства, так и для проведения прикладных и фундаментальных исследований. Основная проблема при поддержании биотехнологических коллекций, насчитывающих хотя бы свыше 100 генотипов – определение условий, позволяющих поддерживать материал в жизнеспособном состоянии при минимализации затрат на его обновление – то есть его пассирование. В настоящее время биотехнологическая коллекция картофеля Института биоорганической химии АН РУз насчитывает около 200 генотипов, включая современные коммерческие сорта, старые традиционно культивируемые в Узбекистане сорта, новые линии и клоны. Поддержание такого количества генотипов в жизнеспособном состоянии требует не просто постоянного контроля, но, прежде всего непосредственного задействования квалифицированных специалистов для своевременного перепассирования материала.

При разработке генотип-независимого способа получения микроклубней на основе определения влияния светового режима на процесс инициации

клубнеобразования, было показано, что микроклубни любого генотипа могут находиться в условиях *in vitro* после формирования до восьми месяцев, после чего начинают прорастать. Стерильные микроклубни могут быть пересажены на свежие среды для прорастания, образования растений и опять получения микроклубней. Таким образом, поддержание коллекции в виде микроклубней, позволяет увеличить срок культивирования до последующего пассирования до восьми месяцев, что значительно упрощает содержание большого числа генотипов в стерильном и жизнеспособном виде.

## **ШОЛИ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ЯНГИ БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАР**

Норбобоева Р.Б., Рахманов Б. К., Буриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю.

ЎзРФА Геномика ва биоинформатика маркази  
111215, Ўзбекистон, Тошкент в-т., Қибрай т-н, Университет кўч., 2-уй.

Бутун дунё деҳқончилигида шоли экилиш майдони ва ялпи ҳосилдорлигига кўра юқори ўринда тўради. Шоли экин майдонларининг асосий қисми жануби-шарқий Осиё мамлакатларига, биринчи навбатда Бирма, Ҳиндистон, Индонезия, Таиланд, Филиппин давлатларига тўғри келади. Умуман Осиё мамлакатлари ҳиссасига шолининг бутун дунёдаги экин майдонларининг 90% и тўғри келади. Кейинги 15 йил давомида бу минтақада шоли ҳосилдорлиги 30% дан кўпроқ ошган. Лотин Америкасида ҳам шолининг ялпи ҳосили экин майдонларининг кенгайиши ҳамда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Ривожланган мамлакатларда дунёдаги шоли майдонининг 3% и жойлашган, аммо деҳқончилик маданияти юқори бўлганлиги туфайли улар шоли донига бўлган ички эҳтиёжини тўла қондириб, айримлари шоли сотиш бўйича йирик экспорт қилувчи мамлакатларга айланган.

Италия, Австралия, АҚШ да шоли ҳосилдорлиги ўртача 60 ц/га атрофида. Дунёда, ҳозирда энг йирик шоли экспорт қилувчи давлатлар АҚШ ва Таиланд ҳисобланади. Бу давлатлар ҳисобига дунёда шоли экспортининг 1/4 қисми тўғри келади. Шоли етиштириладиган мамлакатларда унинг 10 мингдан ортиқ навилари етиштирилади.

Шоли *oryza*-бошоқдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркумига киради. Бу донли экинни 20 га яқин тури асосан Жанубий ва Шарқий Осиё, Африка, Америка, Австралия тропик ва субтропик минтақаларида ўсади. Деҳқончиликда тропик, субтропик ва мўътадил поясинг илиқ минтақаларида бир йиллик экма шоли *O. Sativa* тури экилади. Жанубий-Шарқий Осиёда бундан 7 минг йил муқаддам шоли экилган. Шоликорликнинг энг қадимги маконлари Ҳиндистон ва Хитой ҳисобланиб, Ўрта Осиёда милоддан аввалги 3-2-асрдан, Европада 8-асрдан, Америкада 15-16-асрдан бошлаб экилган. Ревожланган мамлакатларда шоли навларини яратишда МАС технологияларидан, трансформация қилишнинг ҳар қил усулларидан кенг кўламда фойдаланишмоқда.

Масалан *Putu Supartana* бошчилигидаги бир гуруҳ япон олимлари *Agrobacterium tumefaciens* бактериясидан фойдаланиб шолида (*Oryza sativa* L. var. *Koshihikari*) *in planta* трансформацияни амалга оширишган. Улар ўз тадқиқотларида

шоли уруғларини икки кун сувда ивитиб, ҳосил бўлган муртак апикаль меристемасига *Agrobacterium tumefaciens* билан инокуляция (юктириш) қилган. Инокуляция жараёнидан сўнг муртакни ўзидан колус ҳосил бўлган.

*Agrobacterium* ни бир неча штамлари ва M 21 мутант штамлари мана шу тадқиқотларда синовдан ўказилган ва муқобиллари ишлатилган. Унинг плазмедаси ПЦР реакция орқали текширганда плазмедаси таркибида T-DNA қисми шolini геномига ўтганлиги ва унинг трансформация даражаси ПЦР реакцияларининг натижасига кўра 40-43% эканлиги аниқланган. Кимиёвий таҳлиллар натижасида эса плазде таркибида  $\beta$ -glucuronidase ферменти борлиги аниқланган.

МАС технологияси кўпгина қишлоқ хўжалик экинларига жорий этилиб, янги нав ва линиялар олинмоқда. Жумладан, донли экинлар (буғдой, шоли, арпа, сули, маккажўхори), сабзоват ва полиз экинлари (картошка, помидор, қовоқ) ҳамда бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларга чидамлик, дон ва мева сифатлари, ҳосилдорлик каби қимматли белгилар билан бириккан QTL локуслари керакли генотипларга интрогрессия қилиниб янги линиялар ва навлар яратилган.

Шоли навларини яратишда *in planta* трансформация усулидан фойдаланиш мақсадида шoliniнинг давлат реестрига киритилган 14 та нави уруғлари ундирилиб, *in planta* трансформация амалга оширилди. *In planta* трансформация қилинган уруғлар экилиб T1-авлод уруғлари олинди. Бугунги кунда ушбу олинган янги T1-авлод уруғлари лаборатория шароитида экилиб, ўсимликларнинг биометрик кўрсаткичлари, морфологик белгилари ва биоэкологик хусусиятлари ўрганилмоқда.

## **БОТАНИКА БОҒИ ЎТ ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИ ТАЖРИБА МАЙДОНИНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ**

<sup>1</sup>Норбобоева Р.Б., <sup>2</sup>Примова Ф.Р.

<sup>1</sup>ЎЗР ФА Геномика ва биоинформатика маркази

Ўзбекистон, Тошкент вил., Қибрай тум, Университет кўча, 2-уй

<sup>2</sup>ЎЗР ФА Ўсимлик ва хайвонот олами генофонди институти Тошкент ботаника боғи  
Ўзбекистон, Тошкент ш., Юнусобод тум, Боғишамол кўча, 232-уй

Инсон ўсимликлардан фойдаланишни қадимдан турли йўллари билган. У яшаш ва ҳаёт кечириш учун ўзининг атрофидаги турли туман ўсимликларнинг майсалари, новдалари, барглари, мевалари, уруғлари, пиёзлари, тугунаклари, илдизлари ва илдизпояларидан озиқ овқат ва дори -дарман сифатида фойдаланган. Улар миллион йиллар давомида ўсимликларни ўстириш, кўпайтириш, боғ барпо этиш, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширган. Атроф муҳитга, ўсимликларга бўлган қизиқишлари боис Ўзбекистон флораси ўрганилиб, улар ниҳоятда ҳилма хил эканлиги аниқланган.

Ўзбекистон флорасига 4500 га яқин юксак ўсимлик турлари киритилган. Озиқ овқат ўсимликлари 42 турни, озуқабоп (ем ҳашак) ўсимликлар 107 турни, доривор ўсимликлар 113 турни, алкалоид сақловчи ўсимликлар 76 турни, сапонин сақловчи ўсимликлар 15 турни, эфир мойли ўсимликлар 53 турни, ёғ тўпловчи ўсимликлар 56 турни, танид сақловчи ўсимликлар 59 турни, бўёқбоп ўсимликлар 58 турни, камед сақловчи ўсимликлар 9 турни, смола сақловчи ўсимликлар 9 турни,

мум сақловчи ўсимликлар 5 турни, каучук сақловчи ўсимликлар 4 турни, целлюлоза қоғозбоп ўсимликлар 14 турни, ёғоч берувчи ўсимликлар 16 турни, зийнат (безак) учун фойдаланиладиган ўсимликлар 30 турни, асал шира берувчи ўсимликлар 115 турни ўз ичига олади. Мана шу ўсимликлардан оқилона фойдаланиш, интродукцинтлар ҳисобига флорани янада бойитиш мақсадида 1943 йил Ботаника боғи ташкил қилинган. Мазкур боғ 1950 йилдан 1960 йилгача барпо этилган бўлиб, 4500 дан ортиқ манзарали дарахтлар, буталар ва гулларнинг ноёб тури ва нави парваришланаётган 65,34 гектар майдонни ташкил этади. Ботаника боғида, энг аввало, Ўзбекистоннинг “Қизил китоб” ига киритилган манзарали, доривор ўсимликлар коллекциясини яратиш, ўсимликлар дунёси хилма-хиллигини сақлаш, бойитиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Ботаника боғини ободонлаштириш ва замонавий талабларга мос масканга айлантириш масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 14.01.2014 йил 4-сонли баённомасида қатор вазифаларни белгилаб берди. Белгиланган вазифалар 5 та йўналиш бўйича амалга оширилмоқда: 1.Инфраструктура ва моддий-техник базани ривожлантириш; 2.Илмий-тадқиқотва селекция фаолиятини ривожлантириш; 3.Ўсимлик дунёси генофондини сақлаш ва уни бойитиш; 4.Экологик-маданий-маърифийва таълим фаолиятини ривожлантириш; 5.Ахборот - коммуникация технологияларни қўллашни жорий этиш ва уни кенг тарғиб қилиш.

Ўсимлик дунёси генофондини сақлаш ва уни бойитиш йўналишида иш олиб бораётган ўт ўсимликлар систематикаси тажриба майдони 1,5 гектарни ташкил этиб, табиатда тарқалган камёб, эндем ва “Қизил китоб” га киритилган турларини сақлаб қолиш ва уларни кўпайтириш ишларини амалга оширмоқда. Ўт ўсимликлар систематикаси тажриба майдонига ҳар йили бевосита табиатдан ўсимликларнинг уруғлари, кўчати, қаламчалари, илдиз мевалари, илдиз тугунаклари ва пиёзлари келтириб экилади ва мослаштириш жараёнида фенологик кузатувлари олиб борилади. 2016 йилги кўзатишлар натижасида ўсимликларнинг баҳорги уйғониш даври охириги 5 йилликка нисбатан 6-8 кун олдин бошланганлиги аниқланди. Бу йил март ойида Сўқоқ қишлоғи атрофидаги маҳсус майдондан туганакли, пиёзли, илдиз пояли 9 та тур ўсимлик келтирилди. Ҳозирда ўсимликларни ботаника боғи шароитида мослаштириш ишлари олиб борилмақда. Ўт ўсимликлар систематикаси тажриба майдонида *A.pskemense* B.Fedtseh, *A.stipitatum* Regel, *A.longicuspis* Regel, *A.filipendulina* Lam., *A.millefolium* L., *A.absinthium* L., *A.absinthium* L., *A.dracunculus* L. *T.pseudachillea* C.Winkl. каби ўсимликлар алоҳида парваришланиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

### **МОДЕЛЬ ЎСИМЛИК - ARABIDOPSIS THALIANA**

Раҳманов Б.К., Абдуллаев А.Н., Ботиров А.З., Мирзаев Э.М.,  
Буриев З.Т., Абдурахмонов И.Ю.

ЎР ФА Геномика ва биоинформатика маркази

111215, Ўзбекистан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй  
[bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com](mailto:bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com)

*Arabidopsis thaliana* жуда кичик ўсимлик бўлиб, уни бутун ер шари бўйлаб очик табиатда учратиш мумкин. *Arabidopsis* икки паллали ёпиқ уруғли, автотроф

Ўсимликдир. Ўсимликларнинг қандай ўсиши ва репродукция беришини англаш орқали биз кенг миқёсда мўл ҳосил етиштириш ва кўпроқ озиқ-овқат олиш имконига эга бўламиз. *Arabidopsis* диплоид табиати, маҳсулдор ва қисқа муддатли репродукцияцион хусусияти, ҳамда геномининг нисбатан кичиклиги сабабли генлар ва уларнинг функцияларини таҳлил қилиш учун аъло даражадаги модель ўсимлик ҳисобланади.

*Arabidopsis* тўлиқ геноми 2000 йилда ўқилган бўлиб, у ўсимликлар қироллигида энг кичик геном 135 Мб ҳажмига эгадир. Ўсимлигининг такрорланувчи кичик ДНК таркибли ва бир неча кичик интронлар билан зич жойлашган генлари беш жуфт кичик хромосомалар томонидан ташилади [1]. Бу ўсимлик йиллар давомида мунтазам тадқиқ қилинади [2, 3] ва тадқиқотлар махсус қатор маълумотлар базасида сақланади. Масалан, генетик ва молекуляр биологик Арабидопсис Маълумотлар Манбасида (The *Arabidopsis* Information Resource, TAIR) унга тегишли тўлиқ геном секвенси, ген экспрессия ва унинг маҳсулотлари, ДНК, уруғлари, геном харитаси, маркерлари, илмий мақолалар ва илмий институтларнинг фаолиятлари сақланади ва доимий янгилари киритилиб борилади [3]. Сўнгги маълумотлар статистикасига кўра унинг геноми 27416 оксил кодловчи генлар, 4827 псевдогенлар (транспозонлар), 1359 окРНК дан (оксил кодламайдиган) иборат бўлиб, секвенирлаш таҳлиллари орқали функционал даражаларга гуруҳланади [4].

Бутун геномларнинг функционал ҳолатини оммавий секвенирлаш, инсерцион мутагенез ва РНК экспрессиясини профиллаш каби кўплаб таҳлилларни олиб бориш ва аниқлашда *Arabidopsis* бутун дунё олимларининг асосий тажриба ва модел объекти ҳисобланади.

Бу ўсимлик тўғрисида машҳур ибора ҳам мавжуд “*Arabidopsis* учун нима ҳақиқат бўлса, бу барча ўсимликлар учун ҳам ҳақиқатдир”, ушбу иборадан маълум бўладикки деярли барча ўсимликлар учун *Arabidopsis* ўсимлигида модель ўсимлик сифатида ҳар томонлама самарали тажрибалар олиб бориш мумкин.

Маркизимизда *A. thaliana* ўсимлиги фитотрон махсус ноёб объектида етиштирилиб ундан ғўза ва бошқа ўсимликлар билан бир вақтда (ёки аввалроқ) тола сифати, эрта пишарлик, ҳосилдорлик, турли патогенлар, шўрланиш ва қурғоқчилик каби стресс омилларига чидамли ўсимликларни яратиш ва специфик генларни молекуляр даражада ўрганиш мақсадидаги тажрибаларимизда мунтазам фойдаланилади. Ушбу изланишларда ва ижобий натижаларда унинг аҳамияти каттадир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Arabidopsis* Genome Initiative. Analysis of the genome sequence of the flowering plant *Arabidopsis thaliana*. *Nature*. 2000, 14;408(6814):796-815.
2. Bevan M, Walsh S. The *Arabidopsis* genome: a foundation for plant research. *Genome Res*. 2005 Dec;15(12):1632-42.
3. David Swarbreck et al. The *Arabidopsis* Information Resource (TAIR): gene structure and function annotation. *Nucleic Acids Res*. 2008: D1009–D1014.
4. The TAIR10 statistics, <https://www.arabidopsis.org>.



**ФИТОТРОН НОЁБ ОБЪЕКТИНИНГ ҚИММАТЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИ  
МУҲИТГА АДАПТАЦИЯСИ ВА КЎПАЙТИРИЛИШИДА АҲАМИЯТИ**  
Рахманов Б.К., Рузибаев Х.С., Мирзахмедов М.Х., Абдуллаев А.Н., Буриев З.Т.,  
Убайдуллаева Х.А., Шерматов Ш.Э.,  
Абдурахмонов И.Ю.

ЎР ФА Геномика ва биоинформатика маркази  
111215, Ўзбекистан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй  
[bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com](mailto:bakhtiyor.rakhmanov@gmail.com)

Фитотрон термини юнон тилидан олинган бўлиб phyton – ўсимлик, tron – жой, ўрнашиш маъноларини англатади. Фитотрон махсус тадқиқот лабораторияси бўлиб, бу ерда ўсимликлар сунъий равишда бошқарилувчи шароитларда етиштирилади. Фитотрон ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши даврида уларнинг ташқи муҳит омилларига жавобини ўрганиш учун хизмат қилади, ўз навбатида бу тадқиқотчилар учун табиий экотизимларнинг муоммаларини ҳал қилишда кўл келади.

Ўсимликлар физиологияси ва ботаникаси соҳаларида олиб борилган изланишлар натижасида Эрхарт Ўсимликлар Тадқиқоти Лабораторияси (Earhart Plant Research Laboratory) номли биринчи фитотрон 1949 йилда профессор В. Вент томонидан АҚШ нинг Калифорния Технология Институтини ташкил этилган [1, 2].

Бугунги кунда ўсимликлар (молекуляр) биологияси, физиологияси, экологияси, чидамлилиги ва геномикаси каби кўплаб йўналишларда фитотрон ўсимликлар устида олиб борилувчи тадқиқотларнинг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади, ҳамда у дунё бўйлаб Климатрон, Биотрон, Экотрон ва Бизатрон каби бир қатор бошқа номлар билан ҳам аталади.

Марказимиз фитотронини олиб борилаётган изланишларимиздан мақсад Трансгеномика ва Тўқималар Культураси лабораториясида соматик эмбриогенез усули орқали давомий олинаётган янги ўсимликларни тупроқ ва ташқи муҳитга мослаштириш, ҳамда уларнинг нормал ўсиб-ривожланишини таъминлаб бирламчи уруғларини олиш ва навбатдаги иссиқхона ва дала шароитларида ўсимликларни кўпайтириш босқичларига етказиб беришдир.

Бунда ноёб фитотрон объектининг аҳамияти жуда каттадир

Гўза, картошка, буғдой, узум, зайтун, арабидопсис, дориворлик хусусиятига эга ўсимлик материаллари фитотронда адаптация жараёнларини ўтайди ва кўпайтирилади. Булардан фақат арабидопсис ўсимлиги уруғидан кўпайтирилиб тадқиқотларда модель ўсимлик сифатида фойдаланилади. Фитотронда етиштирилаётган ўсимлик материаллари илм-фанда қимматли ҳисобланади, чунки уларнинг аксарияти юқори илмий-амалий натижаларга эришиш мақсадида инновацион технологиялар ёрдамида трансформация қилинган генетик векторларни ўзларида тутган, бундан ташқари бу жараёнларни амалга оширилиши учун катта миқдорда молия, кимёвий реагентлар, шароит ва вақт талаб этилади, булар эса жуда қиммат, айниқса ҳозирги даврда.

Марказимиз фитотронини соғлом ўсимлик репродукцияси учун тупроқ таркиби, ҳарорат, намлик, ёруғлик сифати ва жадаллиги, кун-тун узунлиги, сув ва озиқа таъминоти, патоген ва ҳашоратларга қарши кураш каби барча муҳим омиллар оптималлаштирилган ва улар назоратга олинган. Шу туфайли фитотрон

фаолияти юқори ва ижобий натижалар бериб келмоқда. Бундан ташқари фитотрон бир йилда бир неча бор ҳосил олиш имконини беради.

Келажакда тадқиқотларимизда ўсимликлар биологиясининг янада янги жиҳатларини ўрганиш мақсадида инновацион ўсимликлар феномикаси тизимларини жорий этиш назарда тутилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Frits W. Went. THE PHYTOTRON. Caltech dedicates its fabulous weather-factory. ENGINEERING AND SCIENCE MONTHLY. 1949. VOL. XII.No9.
2. David P. D. Munns. (March 2010). "Controlling the Environment: The Australian Phytotron, the Colombo Plan, and Postcolonial Science". British Scholar. 2 (2): 197–226. doi:10.3366/brs.2010.0203.

### СОЯГА НИТРАГИН ТАЪСИРИ

Тангирова Г.Н.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
100125, Ўзбекистон, г. Ташкент, ул. Х. Абдуллаева, д. 83,  
[tangirova1966@mail.ru](mailto:tangirova1966@mail.ru)

Мамлакатимизда дуккакли дон экинларининг майдонларини кенгайтириш, етиштириш, ёғ-мой маҳсулотлари турларини кўпайтириш, аҳолини арзон оқсил, организм учун фойдали моддаларга бой экологик тоза маҳсулот билан таъминлаш, шунингдек тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш долзарб ҳисобланади.

Соя уруғларини экишдан олдин ризоторфин ёки нитрагин штамлари билан ишлов бериб экилса, тупроқда ризобиум бактериялари ҳосил бўлади ва атмосферадаги биологик азотни ўзлаштириб тупроқни азот элементи билан бойитади ҳамда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигини оширади.

Тажрибалар ўтказилган Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманидаги тупроқларида соянинг спонтан муқим бактериялари мавжуд. Тажрибада соя уруғлари нитрагин штамми билан ишланмаганда ҳам илдизларда тугунаклар ҳосил бўлди, чунки тупроқдаги муқим бактериялар соя ўсимлигини кутиб ётади, шароит бўлгандан ризобиум бактериялар фаолиятини бошлайди. Нитрагин қўлланилганда илдизларда тугунак бактериялар ҳаракати тезлашади, нитрагинсиз экилган уруғ илдизида тугунаклар фаолияти суст бўлади. Шунинг учун ҳар йили уруғлар нитрагинланиб экилса, соя навлари ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Тажрибамизда соя навлари илдизларидаги тугунаклар сони нитрагин 137-штамми билан ишлов бериб экилганда, нитрагинсиз вариантларга нисбатан тугунаклар сони 3,3 марта кўп ҳосил бўлди.

Ўсимлик илдизида ҳосил бўлган тугунакларнинг ҳаракатда эканлигини билиш учун тугунаклар ҳар бир фазада илдиздан ажратиб олиниб ўрганилди. Бунинг учун барча вариантлардан 10 тадан тугунак ажратиб олиниб, ўткир лезвия ёрдамида иккига бўлиб, ушбу усул ёрдамида тугунакларнинг фаоллигини ёки азотни ўзлаштириши ўрганиб борилди. Тугунаклар кесиб кўрилганда улар қаттиқ бўлиб, ичи пушти рангда ҳамда пушти чизиқлари кўзга яққол ташланганлиги,

тугунаклар кичик ёки катта бўлишидан қатъий назар уларнинг ҳаракати ёки атмосферадаги эркин азотни фаол ўзлаштираётганлиги аниқланди.

Олинган маълумотларнинг натижаларига кўра, турли соя навлари илдизларида нитрагинсиз вариантларда паразит тугунаклар сони ривожланиш фазаларига кўра ўзгариб бориши кузатилди. Ҳаракатсиз ёки кераксиз тугунаклар сони биринчи учталик барг ҳосил бўлиш фазасида 2-4 дона бўлган бўлса, гуллаш фазаси бошида бу хил тугунаклар сони 10-16 донагача бўлганлиги қайд этилди. Ҳаракатсиз тугунаклар ўсимлик ўсиб ривожланишига салбий таъсир қилади. Чунки ҳаракатсиз тугунакларнинг шаклланиши учун ҳам ўсимлик маълум миқдорда озика моддалар сарфлайди.

Нитрагинли вариантларда гуллаш фазасида кесиб кўрилган тугунаклар пушти рангда бўлганлиги ва ризобиум бактерияларининг фаоллиги тезлашганлиги, нитрагинсиз вариантларда эса кесиб кўрилган тугунаклар оқиш, қаймоқсимон рангда бўлганлиги кузатилди. Ушбу тугунакларнинг шаклланишида ўсимлик озика моддаларни сарфлайди, демак нитрагинсиз вариантларда қўшимча озика сарфи бўлиб, қўшимча озика сарфи вегетатив ва генератив органларнинг камайишига олиб келди.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, соя ўсимлигининг ер остки ва ер устки қисми бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга кўра, уруғларни нитрагин штамми билан ишлов бериб экиш тупроқни соф азот билан бойитади ҳамда унумдор тупроққа айлантиради, келгуси йилда экилган экин ҳосилдорлигини оширади ва уларга бериладиган азотли ўғитлар миқдорини сезиларли даражада камайтиради.

## **CYNARA SCOLYMUS L. НИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ**

Турсунова М., Махмудова М.

Ўзбекистон Миллий Университети

100174, Университет кўчаси-4, Тошкент, Ўзбекистон

Ҳозирги кунда дунё аҳоли сонининг ортиши ўз навбатида, озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотларига бўлган талабни янада оширмоқда, шу билан бир вақтда, киши организмнинг барча зарур моддаларга бўлган эҳтиёжининг тўлиқ таъминланиши ҳам фақат етарли миқдорда озиқланишга боғлиқ бўлмасдан, балки озиқ-овқатнинг хилма-хиллиги озуқабоп ўсимликлар ҳисобига бойитишни ҳам тақозо этади.

Теофрастнинг (эрамиздан 341 йил олдин) маълумотларида артишок Юнонистон ва Сицилияда жуда қадимдан маданий ҳолда экиб келинаётган ўсимликлардан бири эканлиги қайд этилган. Француз олими Пирре Лебовенернинг келтиришича, артишок Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатларда табиий шароитда ўсган. Фақат XV асрдан бу ўсимлик маданий ҳолда маълум бўлганлиги, Италияда 1446 йилдан буён экиб келинаётганлиги, Францияга XVI асрда, Англияга эса 1550 йилдан кейин тарқалгани ҳақида у фикр баён қилади. Француз олими Равел эса артишок XV асрда Италиядан Европанинг бошқа мамлакатларига тарқалган, 1830 йили Россияда экилганлиги ва ўша вақтлар йилига 32 минг тоннагача артишок саватчаси йиғиб олинганлиги маълум, деб ёзади. Адабиётларда Россияга XVII асрда келиб қолган бўлиб, уни Москва атрофидаги сабзавоткорлар

иссиқхоналарда ўстириб ҳосил олинган, кейинчалик эса Москвадан Киев, Одесса, Нижний Новгород, Санкт-Петербург, Ростов, Ярославль каби губернияларга ҳам тарқала бошлаган. К.А.Тимирязев номли Қишлоқ хўжалик академияси қошидаги сабзавотчилик станциясида артишок ўстиришни қайтадан тиклаш мақсадида, уруғчилик ва агротехника ишлари амалга оширила бошланди. Москва атрофидаги колхоз ва совхозларга экилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Субтропик ўсимлик ҳисобланган артишок учун Россия шароити ноқулай бўлганлиги сабабли уни фақат иссиқхоналарда ўстириш имкониятига эга бўлдилар. Унинг илдизи қишда ертўлаларда сақланиб, баҳор келиши билан ташқарига чиқариб экилган ва вегетатив йул билан кўпайтирилган. Артишок ҳозирги вақтда мўътадил субтропик иқлимга эга бўлган Кавказorti давлатлари, Қора денгиз атрофида кўп йиллик ўсимлик сифатида ўстирилмоқда.

Артишок *Супара* (L.) туркумига мансуб *Супара scolymus* L. тури қоқиўтдошлар {Compositae, Asteraceae) оиласининг Lactucoideae (Liguliflorae, Cichorioideae) сутчўпдошчалар оилачасига, Lactuceae бўғинига мансуб. Унга киритилган турларнинг систематик ўрни тўғрисида А.Л.Тахтаджян, фикрича, оилачани бўғинларга: ажратишда бошқа барча хусусиятларидан ташқари чанг доначалари экзинасининг тузилиши типлари муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, сутчўплар бўғини - гелиантоид тузилишидаги чанг доначасига эга бўлади. Бундай тузилган чанг доначалари - уч хужайрали, катта қисми 3-кольпоратли, псилат, эхинат ёки лобий қисмларга ажралади.

Артишок тури баъзи адабиётларда экиладиган артишок (посевная), баъзиларида эса тиканли артишок (А.колючий) деб берилган. *Супара scolymus* L. - экиладиган артишок. Маҳаллий номи: инглизча - artichoke; французча - artichaut соттип; италянча - Carcioffo articiossa; испанча - alcachofa, alcachofera; туркча - angimar; арабча - ardishanke; японча - chosen - azami; немисча - Artischocke. Ўрганилган ўсимлик *S. scolymus* ёввойи ҳолда Ўрта ер денгизи атрофи ва Шарқий Европада тарқалган. *Супара* туркуми қоқиўтдошлар (Asteraceae) оиласининг Carduoideae оилачаси, Cardueae (*Супараеae*) трибаси ва *Супаринае* трибачасига тегишлидир. П.П. Поляковнинг маълумотига кўра, *Супара scolymus* L. тузилиши ва келиб чиқиши билан *Lamygorappus* Knorr. et Tamamsch, *Olgaea* Iljin ёки *Alfredia* Call туркумларига яқиндир. С.Г. Тамамшяннинг маълумотига кўра, *Супара scolymus* L. Ўрта ер денгизи атрофида ёввойи ҳолда тарқалган *Супара cardunculus* L. нинг бошқа жойларда иқлимлаштирилган навларидан бири бўлиши керак. Бу ўсимлик қадимий юнон олими - ботаника фанининг отаси Теофрастнинг ёзишича қадимий Мисрда ҳам экилган. Ҳозир бу ўсимликни Европа ва Ўрта ер денгизи атрофидаги бир қанча мамлакатларда озуқавий ва манзарали ўсимлик сифатида экилмоқда.

## ҲОЗИРГИ ВАҚТДАГИ АҲАМИЯТИ

Турсунова<sup>1</sup>М.,<sup>1</sup>М.Махмудова,<sup>2</sup>А.Исломов

Ўзбекистон Миллий Университети 100174, Университет кўчаси-4,  
<sup>2</sup>Тошкент Давлат Аграр Университети

*Potentilla* - лотинча “*Potentia*” сўзидан олинган бўлиб, “кучли”-деган маънони англатади. Ўсимликнинг турли хил касалликларга қарши “кучли” таъсир кўрсатганлиги туфайли, шундай ном берилган.

Ҳозирги туркуми турлари ҳам Раънодошлар оиласининг кўпчилик турлари сингари фойдали ўсимлик саналади. Баъзилари асал-шира берувчи ўсимлик бўлса, айримлари ветеринария, қандолат саноатида ва косметикада ишлатилади.

Илмий тиббиётда ғозпанжаларнинг, асосан илдизпоясидан фойдаланилади. Улар ошқозон-меъда, юрак, жигар, ўпка сили, тиш оғриғи, ревматизм, безгак касалликларини даволашда қўлланилади. Ҳозирги туркумдан тайёрланган препаратлар оғиз бўшлиғи яллиғланишини, меъда-ичак касалликларини, куйган ерларни, темиртки (экзема) ва бошқа тери касалликларини даволашда ишлатилади. Ҳозирги туркумига мансуб *P.canensis* туридан ларенгитни, *P.fedschenkoana* ва *P.dealbata* турларидан куйган жойларни даволашда фойдаланилади. *P.chrysantha* ва *P.desertorum* турлари аҳоли томонидан чой сифатида имтеъмол қилинади. Кенг ареалли *P.supina* ва *P.reptans* турлари дориворлик хусусияти жиҳатидан бошқа турлардан қолишмайди. Улардан шишларни даволашда дамлама, қайнатма ва мой, талқон сифатида фойдаланилади. Ҳатто, унинг раққа (саратон) қарши ишлатилиши ва юрак касали, ўпка, ошқозон, тиш оғриғини даволаши ва қонни тўхтатиши ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Қайд этилганлардан ташқари, *Potentilla* туркуми вакиллари қорамоллар, отлар, эчки-туялар учун ем-хашак бўлиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аниқроқ қилиб айтганда, *P.orientalis*, *P.hololouca* турлари қорамоллар учун; *P.gelida* отлар, қўйлар учун; *P.flabellata* қўйлар учун; *P.supina* эчки ва қўйлар учун яхши озуқа саналади, ушбу турларни кўклам ва ёз ойларида ҳайвонлар хуш кўриб ейдилар, туялар унчалик емайди. Отлар ва қорамоллар бу турни мутлақо емайди. *P.chrysantha* турини қорамоллар ейди. Туркумнинг қуйидаги вакиллари: *P.orientalis*, *P.conferta*, *P.multifida*, *P.nervosa*, *P.evestita*, *P.pedata*, *P.desertorum*, *P.gelida*, *P.chrysantha*, *P.asiatica*, *P.dealbata*, *P.fedschenkoana* илдизпоясида ошловчи моддалар, крахмал, флавоноид, гликозид, кумарин борлиги аниқланган. *P.orientalis*, *P.pedata*, *P.desertorum*, *P.asiatica* турларининг уруғида 21% гача мой, *P.arnavatansis* турида эса эфир мойи сақланиши аниқланган. Туркумнинг қуйидаги вакиллари: *P.canensis*, *P.pedata*, *P.supina*, *P.reptans*, *P.orientalis* барг ва гуллари С витаминини сақлайди. *P.asiatica* ва *P.supina* асал шира берувчи ўсимликлар ҳисобланади. Ҳозирги туркумнинг дориворлик хусусиятларидан ташқари таркибида алкалоидлар сақлаши билан ҳам ажралиб туради. Булар: *P.orientalis*, *P.canensis*, *P.pedata*, *P.supina*, *P.desertorum*, *P.reptans* турлари кирди.

*P.erecta* тури озиқ-овқат саноатида турли пряниклар ва балиқларни тайёрлашда ҳамда ҳар хил ичимлик сувларини ишлаб чиқаришда ишлатилади. *P.bifurca* –қувват берувчи ва ошқозон фаолиятини яхшиловчи ўсимлик саналади. *P.anserina* турининг пояси ўрмаловчи бўлиб, унинг ёш пояларидан салат қилинади, унинг қайнатмаси ошқозон-ичак касалига, ичбуруққа қарши ишлатилади, бош оғриганда бош ювилади.

Г.К.Смык томонидан оқ ғозпанжа (*P.alba*) тури устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, “қалқонсимон без” касаллигини даволашда қўлланилганда ижобий натижалар берган.

*Potentilla* туркуми вакиллари орасида бўёқ берувчи ўсимликлар ҳам бор. Масалан, *P.erecta* нинг илдизпоясидан темир купораси таъсирида қора бўёқ; кварц

(чақмоқтош) билан эса қизил бўёқ; *P.alba* туридан сариқ бўёқ; *P.anserina* нинг поя ва баргидан сариқ бўёқ олишда фойдаланилади.

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики *Potentilla*, туркумига мансуб турлар орасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиши мумкин бўлган ўсимликлар ниҳоятда кўп.

## **КУЛЬТИВИРОВАНИЯ *CAPPARIS SPINOSA.L.* В АРИДНЫХ ЗОНАХ РЕСПУБЛИКИ И ИЗУЧЕНИЕ ИХ ВЛИЯНИЕ НА МИКРОБНЫЙ ПЕЙЗАЖ ПОЧВЫ**

Хамраева Н.Т.

Джизакский Государственный педагогический университет им.А.Кадири,  
100720, г. Джизак, ул. Ш.Рашидова-4,  
[Nafisamubina2015@jmail.com](mailto:Nafisamubina2015@jmail.com)

Средняя Азия - это основная часть мирового пространства, в которой 70% всей территории занимают земли знойной пустыни, такыры, пастбище, горные, предгорные зоны, большей частью которых не поддаются к ирригации, для освоения которых требуется научно-обоснованный подход.

Для усвоения аридных земель нами был выбран каперс- *Capparis spinosa.L* имеющий очень ценное и целебное значение, благодаря уникальному составу химических веществ, содержащиеся во всех вегетативных частей растения, что подтверждается Абу Али ибн Сина в знаменитом книге «Канон врачебной науки»

Исследовали рост, развития каперс и микрофлоры почвы под каперс естественной и искусственного роста, посаженные нами из семян и рассады дикой формы. Выявлены группы микроорганизмов, колонизирующие корневую систему по фазам развития растений и сезонам года. Установлена, что почва из естественного местообитания и посадки имеют богатую микрофлору (аммонификаторы, спорообразующих микроорганизмов, актиномицетов, грибов), обильное скопление которых происходила вокруг корней в зависимости от сезонов года. Обнаружено, что в разрезе почвы 0-15 см в весенний период количества микроорганизмов были высокими, среди которых доминирующими были актиномицеты, затем аммонификаторы и спорообразующие, далее – грибы. В разрезе естественной почвы под каперс глубиной 15-30 весной наблюдали уменьшение их число, особенно актиномицетов, которые сократились почти в 13 раз. Летом было отмечено резкий спад в количестве всех изучаемых микроорганизмов в обоих разрезах почвы под каперс. Показано, что осенний период также оказывает негативное влияние на численность актиномицетов и спорообразующих микроорганизмов. В обоих разрезах почвы, искусственного выращивания аммонификаторы имели большую численность, чем другие микроорганизмы. Одним из самых распространённых форм спорообразующих бактерий были *Bacillus .idosus*, *Bacillus mesentericus*, *Bacillus mycoides*. Анализ численности микроорганизмов в различных разрезах почвы показывает, что большинство микроорганизмы – аэробы, поэтому их количество больше в 0-15 см слое почвы. Количество грибов почвы естественного местообитания каперс имели стабильный характер, чем другие микроорганизмы, т.к. разрезы почвы и сезоны года не оказывали сильное влияние на их численность. По видимому, ризосфера

каперс, растущий в течение долгой времени в естественных условиях имеет более глубокую проникновение в почву, чем корни ново посаженных образцов. Доступ почвенных и минеральных элементов через глубокие корни питает не только растений, но и ризосферных микроорганизмов. Наиболее широко распространенными были грибы из родов *Trichoderma*, *Fusarium*, *Aspergillus*, *Penicillium*, которые принимают активное участие в разрушении органических соединений почвы. Но среди грибов были патогенные виды, вызывающих болезнь не только каперс. но и других степных культур. С увеличением температуры и уменьшением влажности почвы, которое протекает летом и осенью их число резко сокращается и становится очевидным то, что поражение фитопатогами множества растений происходит именно летом и осенью, для уничтожения которых следует использовать препараты именно в данные периоды года.

Установлено, что для активного роста как дикого, так и культивируемого видов растения каперс важное значения имеет микробный пейзаж почвы, которые в экстремальных степных условиях, где влажность почвы равна нулевому значению, а температура воздуха достигает 65-70 С, помогают им расти, доставляя питательных элементов почвы, фиксацией атмосферного азота, а также защищая растения каперс от действия фитопатогенов всего периода их вегетативного роста и плодоношения.

**ТУЗ СТРЕССИ ШАРОИТИДА *Azotobacter* АВЛОДИГА МАНСУБ  
БАКТЕРИЯЛАРНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ**  
Хасанов Р.Қ.

ЎЗР ФА Генетика ва ЎЭБИ,  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори Юз  
[rasul5854503@mail.ru](mailto:rasul5854503@mail.ru)

Тупроқ шўрланиши Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Кейинги статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 3,2 млн. га суғориладиган ерлар у ёки бу даражада шўрланган. Бу кўрсаткич умумий суғориладиган ерларнинг 62,7 % га тўғри келади. Шўрланган тупроқларда NaCl нинг ўртача миқдори 20-40 мМни ташкил этса, айрим ерларда бу кўрсаткичнинг кескин кўтарилиши кузатилади [1].

*Azotobacter* авлодига мансуб бактерияларни ажратиш, уларнинг биологик хусусиятлари, дон-бошоқли ўсимликлар билан ассоциацияси [2], фитогормонлар – ауксинлар (индол бирикмалари), гиббереллин табиатли моддалар (ГТМлар), цитокининлар [3], қуйи молекуляр оксил табиатли ва антифунгал бирикмалар синтези қийин эрувчан фосфатларнинг эритилиши тадқиқ этилганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси шароитда стресс, жумладан шўрланишнинг бактерияларга бевосита таъсири айрим муаллифларнинг ишларида ўрганилган. Аммо шўрланиш, турли пестицидлар ҳамда айрим оғир металлларнинг микроорганизмлар, хусусан *Azotobacter* авлоди вакилларида фитогормонлар синтезланишига таъсири кам тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқотлардан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг турли шўрланишли тупроқларидан ажратилган *Azotobacter* авлодига мансуб, молекуляр

азот ўзлаштирувчи, фитогормонал фаол ва шўрланишга чидамли бактерия штаммларининг турли шўрланиш шароитларида ўсиши ҳамда индол-3-сирка кислота (ИСК) синтези ва ацетиленредуктаза фаоллигини ўрганишдан иборат.

Штаммларнинг шўрланишга чидамлилигини аниқлаш учун адабиёт манбаси [1] да келтирилган усул асосида амалга оширилди. Штаммлар таркибида 50 мМдан 1 Мгача NaCl сақлаган суюқ ҳамда қаттиқ Эшби озуқа муҳитида 28-300С ҳароратда 7 кун давомида ўстирилиб, штаммларнинг ўсиши кузатилди. Суюқ озуқа муҳитларида култура суюқлигининг ўзгариши, қаттиқ озуқа муҳитларида эса колонияларнинг ҳосил бўлиши, ўлчамлари, ранги, ўзига хос шиллиқ ҳосил қилишлари ва ҳужайра титри асосида штаммларнинг муайян бир шўрланиш шароитларида яшай олишлари хулоса қилинади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев А.К., Бактерии рода *Azospirillum* в засоленных почвах Узбекистана: Дис. канд. биол. наук. – Ташкент: Институт Микробиологии АН РУз, 2006. – 6 с.
2. Agrios, G.N. Plant Pathology. – New York: Academic, 1997. – p. 123.
3. Rishi Kumar Behl, Neeru Narula, Manjuda Vasudeva, Atsuya Sato, Takuro Shinano and Mitsuri Osaki. Harnessing wheat genotype x *Azotobacter* strains interactions for sustainable wheat production in semi arid tropics // TROPICS. – 2006.- vol. 15(1). – p. 121-133.

### ПРЕИМУЩЕСТВА ИНТЕГРИРОВАННОГО ПОДХОДА К ПРОЦЕССУ МИКРОРАЗМНОЖЕНИЯ КАРТОФЕЛЯ

Холмуратов Э.Г., Насырова Г.Б., Мирзаганиев М.М.

Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз,  
100125, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Х. Абдуллаева, д. 83

[biorast50@mail.ru](mailto:biorast50@mail.ru)

Процесс микроразмножения лежит в основе получения исходного оздоровленного материала для производства семенного картофеля. Микроразмножение, в случае картофеля, может подразумевать как просто получение регенерантов на основе микроклонирования инициацией к росту латеральных и апикальных меристем, так и инициацию процесса клубнеобразования у регенерантов. В любом случае основой микроразмножения является процесс микроклонирования. Как правило, при производстве исходного оздоровленного материала картофеля используемые техники *in vitro* ориентированы только на один из двух указанных способов, так как каждый из них базируется на специфических приемах, направленных либо на микроразмножение, либо на получение микроклубней. Однако на практике приходится сталкиваться с таким понятием, как готовность инфраструктуры, предназначенной для репродукции исходного материала, полученного *in vitro* – это или изолированная теплица, функционирующая на протяжении круглого года, или только полевые условия, зависящие, как и в случае Узбекистана, от сельскохозяйственного сезона. Для условий Узбекистана наиболее целесообразным является производство исходного безвирусного материала в виде микроклубней, так как для них обязателен период покоя, что позволяет накопить их в течение года в определенном количестве к периоду посадки.



Для производственного процесса необходима стандартизация всех процессов, направленных на получение продукта, то есть в случае картофеля это растения или микроклубни. Также разработка условий, позволяющих в одном цикле размножения объединить процесс микроклонирования и получения микроклубней, не только упрощает производственный процесс, но и значительно повышает его эффективность.

На основе определения морфофизиологического потенциала экспланта – микрочеренков прикорневого, средних и апикального ярусов растений – регенерантов, оптимизации гормонального состава для культивирования и определения влияния длительности и интенсивности освещения при культивировании была разработана достаточно эффективная технология микроразмножения и получения микроклубней. Так, было определено, что прикорневой ярус с корневой системой и одной латеральной почкой при определенном световом режиме культивирования целесообразнее всего использовать для получения микроклубней, средние ярусы – для микрочеренкования, апикальный ярус – или для регенерации и получения растения, или, при изменении гормонального режима, также для получения микроклубней. Разработанный подход позволяет объединить в одном цикле процессы размножения и получения микроклубней для любого генотипа картофеля и, что немаловажно, синхронизировать эти процессы. Синхронизация процессов – основа стандартизации производства. Манипуляции со сроками культивирования исходного экспланта при стандартных процессах позволяет определить схемы микроразмножения и получения микроклубней, соответственно количество расходных материалов, занятости специалистов, в зависимости от требуемого количества к периоду посадки и особенностей условий дальнейшего репродуцирования материала, полученного *in vitro*.

## **МЕЛАНИН СИНТЕЗ ҚИЛУВЧИ *BACILLUS THURINGIENSIS* БАКТЕРИЯСИ ШТАММАРИНИ ОЛИШ**

Хужамшукуров Н.А., Халилова Г.М., Пулатходжаева З.Х.

Тошкент кимё-технология институти,  
100011, Ташкент, Навоий кўчаси, 32 уй  
[nkhujamshukurov@mail.ru](mailto:nkhujamshukurov@mail.ru)

Айни вақтда эса олимларнинг асосий эътибори биотехнологик йўл билан экологик тоза, ўсимликлар ўсишини бошқарувчи – стимуляторлар яратиш ва уларни амалиётга кенг жорий этишга қаратилмоқда. Меланинларнинг ўсимликшуносликда қўлланилишини тадқиқ этиш ва унга баҳо бериш, шунингдек, аниқ биологик фаоллик ва кенг таъсир доирасига эга бўлган сувда эрувчан меланинлар синтез қилувчи бактериал штамм-продуцентларни излаб топиш ва уларни амалиётга жорий этиш ўта муҳим. Шу боисдан *Bacillus thuringiensis* (Bt) энтомопатоген бактерияси асосида меланин синтез қилувчи мутантлар олиш ва уларнинг меланин синтез қилиш қобилиятини ўрганилди.

Янги авлод биопрепаратини ишлаб чиқариш учун асос сифатида Bt бактериясининг меланин синтез қилиш хусусияти асос қилиб олинди. Битта штаммда иккита инсектицид ва меланин синтез қилиш хусусиятларининг намоён

бўлиши штаммининг ҳосил қилган спора кристалларининг қуёш нури таъсирида ўз фаоллигини йўқотишининг олдини олиш имконини беради. Ушбу биопрепаратдан ўсимликлар ўсишини бошқариш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

*Bacillus thuringiensis var.thuringiensis* СКБ-45 коллекцион ҳамда *Bacillus thuringiensis var.thuringiensis-M1th* мутант штамлари қиёсий ўрганилганда, намунавий штаммга нисбатан мутант штаммда инсектицид фаоллик, спора кристаллар ҳосил бўлиш давомийлиги, спора-кристаллар нисбати ўзгарган бўлсада, ҳар иккала штаммининг пигмент ҳосил қилмаслиги кузатилди. Озуқа таркибида 0,10-0,25% ли N-нитрозозэтилмочевина мутагени мавжуд бўлганда *Bac.thuringiensis var.thuringiensis* СКБ-45 коллекцион штаммининг яшовчанлик қобиляти кескин ўзгарганлиги аниқланди (90,47%, 70,95%). Ушбу миқдордаги мутаген таъсирида культуранинг алоҳида колонияси, хужайра, спора ва кристаллар морфологиясида сезиларли ўзгариш вужудга келмаганлигини кўрсатди. Мутацияга учраш частотаси эса  $0,18 \times 10^{-4} \pm 3,52$  ни ташкил этиб, бу колонияларда хужайранинг ферментация жараёни бир қадар тезлашганлиги кузатилди. Бунда культураларнинг яшовчанлик хусусияти  $17,35 \pm 2,55$  % ни ташкил этиб, мутацияга учраш ҳолати  $1,8 \times 10^{-4} \pm 2,57$  % ни ташкил этганлиги қайд этилди. Мутант штамм алоҳида колониялари ферментация жараёни табиий штаммга нисбатан 12-15 соатга қисқарганлиги аниқланди. 0,75% миқдордаги мутагенли озик муҳитига экилган культураларда тўлиқ морфологик ўзгариш ва қорамтир рангдаги пигмент ҳосил қилиши кузатилди. Бунда культуранинг яшовчанлик қобиляти  $1,48 \pm 3,52$ % ни, яъни мутацияга учраш даражаси  $4,0 \times 10^{-4} \pm 2,88$  ни ташкил этганлиги аниқланди. Культураларнинг яшовчанлик қобиляти билан мутацияга учраш частотаси ўртасида корреляция мавжудлиги қайд этилди. Ушбу олинган натижалар 400, 500, 600 nm тўлқин узунлигида нур ютиш қобилятини ўрганиш давомида ҳам тасдиқланди. Улар асосида тайёрланган культурал суюқлик асосида препарат тайёрланиб ( $2,5 \times 10^9$ мл/хужайра) мум куясига қарши инсектицид фаоллиги ўрганилди. Пигмент ҳосил қилувчи мутант штаммлардан *Btms* мутант штамми 70,2% биологик фаоллик кўрсатиши, шу вақтда касалланган личинкалар миқдори 1,2% ни ташкил этганлиги, *Btms-1* мутант штамми 94.8% биологик фаоллик кўрсатиши, бунда касалланган личинкалар миқдори 2,2% ни ташкил этиши, *Btms-2* мутант штамми эса 91,2% биологик фаоллик кўрсатиб, касалланган личинкалар миқдори эса 2,6% ни ташкил этганлиги қайд этилди. Илмий манбалардан маълумки, биологик фаоллиги 85-86% дан кам бўлган продуцент ёки штаммлар кейинги тадқиқот объектлари сифатида қабул қилинмайди. Шу боисдан меланин ҳосил қилувчи *Btms-1* мутант штамми инсектицид ва биостимуляторлик хусусиятли биопрепарат ишлаб чиқариш учун продуцент сифатида тавсия этилди.

## **ВЛИЯНИЕ КОМБИНИРОВАННОГО БАККОНЦЕНТРАТА НА КАЧЕСТВО СЫРОКОПЧЕНЫХ КОЛБАС**

Чориев А. Ж. Ортикова М.Ж. Тохрий Д.

Тошкент кимё технология институти  
Ўзбекистон, 100011, Тошкент шаҳри, Навои кўчаси 32уй.

В последнее десятилетие значительно расширился рынок ферментированных пищевых продуктов, в технологии приготовления которых молочнокислые

бактерии выполняют принципиально важные функции, определяющие характерные особенности и качество конечного продукта.

В пищевой промышленности наметилась тенденция применять стартовые культуры с комплексом стабильных свойств, обеспечивающих целенаправленное протекание процесса выработки ферментированных пищевых продуктов, в том числе со сложным сырьевым составом.

Для снижения жесткости мясного сырья с повышенным содержанием соединительной ткани в настоящее время актуальным является применение биотехнологических способов обработки такого сырья, например, с помощью ферментных препаратов и пробиотических культур, обладающих протеолитической активностью, способных частично гидролизовать белки мяса с повышенным содержанием соединительной ткани. Наиболее перспективными являются бактериальные препараты с использованием представителей нормальной микрофлоры человека, применяемые в технологии мясопродуктов в виде производственных заквасок и сухих препаратов. Микроорганизмы, внесенные с заквасками, изменяют структуру колбасных изделий, образуя новые вещества, способствующие улучшению качественных показателей продукта.

Технологическое действие микроорганизмов связано с образованием специфических биологически активных компонентов: органических кислот, бактериоцинов, ферментов, витаминов и других веществ, что способствует улучшению санитарно-микробиологических, органолептических показателей готового продукта и позволяет интенсифицировать производственный процесс. Наиболее распространенными пробиотическими микроорганизмами являются: - бифидобактерии (*Bifidobacterium bifidum*, *Bifidobacterium adolescentis*, *Bifidobacterium infantis*, *Bifidobacterium longum*); - лактобактерии (*Lactobacillus acidophilus*, *Lactobacillus bulgaricus*, *Lactobacillus sake* (*Lactobacillus sakei*), *Lactobacillus curvatus*, *Lactobacillus casei*; - грамположительные кокки (*Streptococcus thermophilus*, *Enterococcus faecium*).

С помощью молочнокислых бактерий происходят биохимические превращения основных компонентов мясных изделий с образованием соединений, обуславливающих вкус, аромат, консистенцию, подавляется развитие вредной и патогенной микрофлоры за счет образования различных веществ, обладающими антимикробным действием. Бактериальные культуры влияют на консистенцию продукта, благодаря их протеолитической активности и понижению pH среды. Чем сильнее развивается протеолиз в мясных изделиях, тем нежнее становится сам продукт.

Использование стартовых культур - важнейший биотехнологический фактор формирования качества сырокопченых колбас. Сырокопченые колбасы являются одним из самых древних видов колбас. Эти колбасы отличаются от других сравнительно плотной консистенцией, приятным специфическим острым запахом и вкусом. В процессе сушки продукт обезвоживается, поэтому сырокопченые колбасы характеризуются небольшим содержанием влаги, значительным количеством жира и белка, за счет чего обладают высокой энергетической ценностью.

Критериями качества сырокопченых колбас являются внешний вид, консистенция, вкус и, конечно же, срок хранения. По традиционной технологии процесс созревания сырокопченых колбас длится 8-12 недель, что требует дополнительных площадей, строжайшего соблюдения температурных и

влажностных режимов в камерах, высокой квалификации обслуживающего персонала. Новые технологии сырокопченых колбас предусматривают использование многофункциональных добавок, содержащих специальные штаммы микроорганизмов направленного действия (стартовые культуры), которые регулируют биохимические процессы, формирующие качество готового продукта.

В связи с этим, вызывает особый интерес применение в качестве стартовых культур пробиотических заквасок на основе бифидо- и пропионовокислых бактерий.

Сырокопченые колбасы, изготовленные с применением пробиотических микроорганизмов в роли стартовых культур, хорошо сбалансированы по аминокислотному составу и относятся к продуктам с высокой биологической ценностью.

При использовании комбинированных пробиотиков на основе бифидобактерий и пропионовокислых бактерий в качестве стартовых культур сумма незаменимых аминокислот в опытном образце колбас после выработке выше контрольных на 30%, после хранения больше на 20% по сравнению с контролем.

В процессе хранения происходит снижение массовой доли влаги во всех образцах колбас, при этом увеличивается содержание хлорида натрия.

При использовании комбинированного пробиотиков на основе бифидо- и пропионовокислых бактерий заметно увеличивается содержание терпенов, лактонов, спиртов и веществ фенольного ряда, которые вносят дополнительный вклад в усиление свойственного аромата сырокопченых колбас.

Применение комбинированной закваски способствует интенсификации процесса созревания и сушки сырокопченых колбас, сокращению содержания в них остаточного нитрита натрия, активному росту содержания витамина В12.

## **«ЃЎЗАНИ BOOLGARD(BL)ГЕНЛИ F1ДУРАГАЙЛАРИДА КЎСАК ҚУРТИГА БАРДОШЛИЛИГИНИ ИРСИЙЛАНИШИ»**

<sup>1</sup>Шодмонова Г., <sup>1</sup>Рахимов Б., <sup>1</sup>Нуриллаев И., <sup>1</sup>Поёнов Ш. <sup>2</sup>Урозов Б

<sup>1</sup>Тошкент давлат аграр университети,

<sup>2</sup>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари  
илмий тадқиқот институти.

Маълумки ғўза маҳсулдорлиги кемирувчи зараркунандалар ҳисобида сезиларли даражада пасайиб кетмоқда. Республикада бу зараркунандаларга қарши катта маблағ сарфланиб, биолоборатория ва биофабрикалар ташкил этилган бўлсада, пахта ҳосилини тўлиқ сақлаб қолиш имконияти бўлмапти. Бундан ташқари биолобораторияларда тайёрланаётган маҳсулотлар етарли даражада эмаслиги ва самараси паст бўлганлиги учун ҳар йили Республикада пахта ҳосили мўлжалдагидан 400-500 минг тонна кам бўлмоқда.

Boolgard генли генетик модификацияланган ғўза навлари фақат Helicoverpa armigera ҳашоротигагина зарарли бўлиб, одамлар ва атроф-муҳит учун зарарсиз ҳисобланади. Генетик модификациялаш нафақат ғўзада, бошқа қишлоқ хўжалик экинларида ҳам қўлланилмоқда. Россияда 2009 йилдан Колорадо кўнғизига чидамли бўлган “Елизавета 2904/1 kgs” генетик модификацияланган картошка навини экишга ва аҳолига истеъмол учун чиқаришга рухсат берилган.

Boolgard генли трансген ғўза илк маротаба АҚШда 1996 йилда “Монсанто” фирмаси томонидан яратилган.

Кўсак қурти (*Helicoverpa armigera* Hbn) ва унинг капалаги ҳаммахўр зараркунанда бўлиб, ер юзининг турли географик минтақаларида кенг тарқалган тур ҳисобланади. Эътироф этилишича, 120 турдан ортиқ ўсимликларни келиб чиқиши ва ареалининг турли қисмларида тарқалишига кўра зарарлайди (Singh, 2002) [1].

Бизнинг институтга Ҳиндистоннинг «Mahico Seed» компаниясидан кемирувчи хашаротларга чидамли бўлган Boolgard генли намуна келтирилган. Ушбу намуна Тошкент туманидаги карантин кўчатзоридида махсус изоляцияланган муҳитда, зараркунандалар билан сунъий зарарлантирилган ҳолда маҳаллий навлар билан таққослаб ўрганилди ва кемирувчи хашаротларга чидамлилиги тажрибалар асосида аниқланди. Қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичларни яхшилаш зараркунандаларга чидамлилиқ белгисининг ирсийланишини таҳлил қилиш мақсадида маҳаллий Наманган-77, С-6524, С-2610 ва Шодиёна навлари билан реципрок усулда чапиштириш ишлари олиб борилди ва 8 та F1 BL x С-6524, F1 С-6524 x BL, F1 BL x Шодиёна, F1 Шодиёна x BL, F1 BL x С-2610, F1 С-2610 x BL, F1 BL x Наманган-77 ва F1 Наманган-77 x BL дурагай комбинациялари олинди.

Boolgard генли намуна, маҳаллий навлар ва улар иштирокида олинган F1 дурагай комбинацияларини кўсак қуртига чидамлилиги ўрганилганда Boolgard генли намунада 8.0 фоиз кўсаклар зарарланганлиги, маҳаллий навларда эса 25,3 фоиз (С-2610 нави) дан, 18,6 фоиз (Шодиёна нави) гача кўсаклар зарарланганлиги кузатилди. Маҳаллий навларга нисбатан Boolgard генли F1 дурагай комбинацияларда кўсак қурти билан зарарланган кўсакларлар 7.87 фоиздан 11.05 фоизгача бўлиб, маҳаллий навларга нисбатан камроқ зарарланганлиги кузатилди.

Хашаротларга чидамлилиқ белгиси доминант ҳолда ирсийланди, F1 ўсимликларининг аксарияти Boolgard генли намуна кўрсаткичига яқин бўлди. Бу эса BL генли бўлган ўсимликларда яқка танлов самараси юқори бўлади.

Тажрибаларимиздан маълум бўлдики, Boolgard генига эга бўлган дурагайларда маҳаллий навларга нисбатан кўсаклар сони камроқ бўлсада, кўсак қуртига чидамлилиги юқори бўлди. Шу боис ушбу дурагайлар устида тадқиқотларни давом эттириш янада яхшироқ натижалар олиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Singh S.P., Ballal C.R., Poorani J. Old world bollworm *Helicoverpa armigera*, associated *Heliothinae* and their natural enemies. Project Directorate of Biological Control. Bangalore. India. Technol. Bull. 2002. N. 31. 135 p.

## **BUG'DOY TO'QIMASIDAN CTAB VA SDS USULIDA GENOM DNK AJRATISHNI OPTIMALLASHTIRISH.**

Shavqiyev J. SH., Adilova SH., Xamdullayev SH. A., Rejapova M.M., Buzrukov S.

O'zR FA Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti.

Toshkent viloyati, Qibray tumani, Yuqori-yuz.

[jaloliddin.1992@mail.ru](mailto:jaloliddin.1992@mail.ru)

O'simlik genlarini o'rganish orqali abiotik, biotik stresslarga chidamlilikni hamda qimmatli xo'jalik ko'rsatgichlariga javob beruvchi belgilarni aniqlash mumkin. Hozirgi kunda, shu yo'nalishda molekulyar genetika, biotexnologiya, genomika sohalari keng tadqiqotlar olib bormoqda, lekin bu tadqiqotlarda o'simlik genomidan DNK namunalari ajratib olish ko'p vaqt va ancha mablag' talab etadi. Shu sababli, o'simlik to'qimasidan DNK ajratish usulini optimallashtirish dolzarb vazifalardan biridir.

Tadqiqotlarimizda Doylening [1] CTAB metod va Plaschkening [2] SDS metod protokollari nazorat va modifikatsiyaga uchratilgan varianti tajriba sifatida olindi. Tadqiqot obekti sifatida bug'doyning *Triticum aestivum* L. turiga mansub 10 ta genotiplari olindi.

Tajribada 24 kunlik bug'doy o'simlik barg to'qimalarini 2 ml probirkalarga 0,2 grdan olindi va ulardan genom DNK si ajratildi. CTAB va SDS usullarini modifikatsiyaga uchratilgan holda suyuq azot yordamida gomogen holatiga kelgunga qadar maydalandi. Gomogenat ustiga 65°C qizdirilgan holdagi 2xSTAB (100mM Tris, 20mM EDTA, 2% STAB, pH 8.0) yoki SDS (100 mM Tris -HCl (pH 7.5–8.0), 500 mM NaCl, 50 mM ЭДТА, 1.25% SDS va 0.38% Na<sub>2</sub>S<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) buferidan 0,7 ml qo'shildi va vorteksda aralashtirildi. Gomogenat solingan probirkalarni 30 daqiqa davomida 65°C suv hamomida, har 5 daqiqada aralashtirib turgan holda inkubatsiya qilindi. So'ngra har bir probirkaga teng hajmda (700 mkl) 24:1 nisbatdagi xloroform/izomil spirt solib chiqildi. Probirkalar vorteks uskunasi yordamida 5 daqiqa aralashtirildi va 10000 martta/daq tezligida 10 daqiqaga sentrifugalandi. Supernatantdan 600 mkl olib yangi 2 ml probirkaga o'tkazildi. Supernatant ustiga 600 mkl hajmda -20°C haroratdan olingan Izopropanol spirtidan qo'shib 1-2 daqiqa aralashtirildi va 1 soatga -20°C haroratli muzlatgichga qo'yildi. 10000 martta/daq tezligida 5 daqiqaga sentrifugalandi va DNK cho'kmasi ajratib olindi. DNK cho'kmasini 2 marta 0,5 ml 70% etil spirtida tozalab olindi. Har safar tozalanganda 10000 martta/daq tezligida 5 daqiqa sentrifugalandi. Cho'kma vakuum konsentratorda 45°C haroratda quritilib 100 mkl TE (10mM Tris pH 8.0, 1mM EDTA pH 8.0) buferida eritildi va -20°C haroratli muzlatgichga qo'yildi. 15 ta SSR primerlari DNK namunalari bilan polimeraza zanjir reaksiyasi (PZR) o'tkazildi. PZR mahsulotlari 2% agaroz gelida elektroforez qilindi. Elektroforez tahliliga ko'ra modifikatsiyalangan metod orqali ajratib olingan DNK namunalari Doylening CTAB va Plaschkening SDS protokollari bilan ajratib olingan DNK namunalari o'rtasida farq kuzatilmadi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, modifikatsiyaga uchratilgan uslub tejamkor va kam vaqt talab etadi.

Adabiyotlar:

1. Doyle, J.J. and Doyle, J.L. (1990). Isolation of plant DNA from fresh tissue. Focus, 12, 13-15.
2. Plaschke, J. Detection of genetic diversity in closely related bread wheat using microsatellite markers / J. Plaschke, M.W. Ganai, M.S. Röder // Theor. Appl. Genet. – 1995. – V. 91. – P. 1001–1007

## **БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ БЕЛКОВЫХ КОМПОНЕНТОВ ПОВИЛИКИ**

Кахарова К.А., Хашимова З.С., Сагдиев Н.Ж.

Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АН РУз

Наш интерес к повилики обусловлен необходимостью в высоко активном цитотоксическом веществе, эффективном против раковых клеток для дальнейшего создания опухоли - адресованного терапевтического средства.

В последние годы появился целый ряд работ по выделению и характеристики активного химического начала из повилики (*Cuscuta*), названный авторами кускутные кислоты – А и Д, а также гликопротеидов.

В составе экстракта повилики китайской (*Cuscuta chinensis*) обнаружены противоопухолевые вещества гликозидподобной природы.

Целью данной работы является изучение цитотоксической активности лектиноподобных гликопротеидов, выделенных из семян повилики, произрастающих в Средней Азии на клетках рака молочной железы С<sub>127</sub>.

В качестве растительного сырья использовали семена повилики (*Cuscuta europea*) произрастающие на луговых травах.

Лектиноподобные белки (ЛПБ) были выделены из семян повилики путем экстракции солевым раствором с последующим ступенчатым высаливанием сульфатом аммония до конечной концентрации 20 и 50%. После центрифугирования полученные супернатанты были обозначены С<sub>20</sub> и С<sub>50</sub> и осадки – ЛПБ<sub>20</sub> и ЛПБ<sub>50</sub> диализованы против дистиллированной воды, лиофильно высушены и использованы для дальнейшей работы. Белки охарактеризованы электрофоретически.

Содержание белка определяли по методу Лоури. Содержание общих сахаров определяли антрон-серноокислотным методом. Оценку гемагглютинирующей активности лектинов проводили путем постановки реакции гемагглютинации в иммунологических планшетах.

Установлено, что наибольшую гемагглютинирующую активность проявляли фракции ЛПБ<sub>20</sub> и ЛПБ<sub>50</sub>, специфичность к углеводам глюкозе и маннозе проявила фракция ЛПБ<sub>50</sub>.

Цитотоксическая активность полученных фракций определена с помощью МТТ-теста и подсчету живых клеток. Установлено, что наибольшую цитотоксическую активность проявили суммарная фракция и фракции ЛПБ<sub>20</sub> и ЛПБ<sub>50</sub> – 73,6, 75,0 и 76,0% при дозе белка 100 мкг/мл, а также фракции ЛПБ<sub>20</sub> и ЛПБ<sub>50</sub> – 51,2 и 64,2% при дозе белка 10 мкг/мл, соответственно. Аналогичные результаты получены при подсчете клеток трипановым синим.

Таким образом, лектиноподобные белки *Cuscuta europea* проявляют цитотоксическую активность в культуре клеток С<sub>127</sub>

## **ВЛИЯНИЕ ВЛАЖНОСТИ ПОЧВЫ НА ПРОРАСНАНИЕ СЕМЯН ЮВЕНИЛЬНЫХ РАСТЕНИЙ**

Камалова М.Д

Узбекский государственный университет мировых языков

[kamalova\\_manzura@mail.ru](mailto:kamalova_manzura@mail.ru)

При изучении адаптации растений к различным экологическим факторам (засуха, влажность, тепло, свет и др.) многие исследователи придают значение засолению. Засоленность почвы для большинства растений является отрицательным фактором – замедляется прорастание семян, рост проростков, изменяется анатомическое строение.

Для прорастания семян необходимо наличие трех основных факторов: влаги, кислорода, и определенного уровня температуры. В наших опытах в отличие от других исследований придавали значение отдельным солям, а также температуре. Температура является ведущим фактором при прорастании семян, от которого зависит всхожесть семян. Семена четырех популяций солодки проращивались в различных концентрациях солей. Соли подбирались по действию анионов и катионов. При концентрации 0,30М наибольшая всхожесть по сравнению с другими популяциями отмечена у кегейлийской популяции – солодки голой 21,0%, наименьшая у муонкумской популяции – солодки уральской – 10,4%. Дальнейшее повышение концентрации солей вызывает задержку в набухании и в скорости прорастания семян. Концентрация 0,45М оказалась летальной для семян бекабадской популяции – они полностью сгнили, у муонкумской популяции всхожесть резко снизилась, а у кегейлийской и гобийской она была еще довольно высокой. Процесс прорастания семян непосредственно связан с их набуханием. Установлено, что набухание семян является сложным и последовательно проходящим 3 фазы у всех растений. Полученные результаты показывают, что уже в первой фазе набухания семян между NaCl и контролем имеется некоторое отличие. Это означает, что были различия в водопоступлении за счет матричных сил клеточных стенок и субстрата семени. Во второй фазе набухания тоже наблюдается аналогичная картина. Третья фаза характеризуется началом видимого прорастания. Проращиванием семян солодок в растворах поваренной соли при 15<sup>0</sup>С установлено, что уже самая низкая концентрация соли снижает всхожесть семян почти у всех популяций (кроме гобийской). Пороговой концентрацией, при которой резко падает всхожесть семян для бекабадской и муонкумской популяций оказалась 0,30М, для кегейлийской – 0,45М, гобийской – 0,60М. Наименее устойчивой к такому проращиванию оказалась бекабадская, наиболее устойчивой – гобийская популяция. Неожиданные результаты были получены при проращивании семян в растворах сернокислого натрия – он оказался для солодки токсичным, чем хлористый натрий. Для всех популяций, кроме гобийской, концентрация 0,30М оказалась пороговой, а 0,45М – летальной. Для солодки из Монголии летальной концентрацией было 0,60М. При концентрации 0,45М у нее, взошли всего 8,5±0,2% семян. Такой последовательностью можно выстроить их ряд по солеустойчивости: гобийская, кегейлийская, муонкумская и бекабадская. Семена гобийской популяции прорастали еще при 0,60М растворе хлористого магния, тогда как для семян бекабадской популяции концентрации этой соли 0,30М при температуре 15<sup>0</sup>С оказалась летальной. Средневзвешенное время прорастания с увеличением концентрации соли почти во всех случаях увеличивается, достигая уровня 16 дней у бекабадской популяции при концентрации 0,15М, у гобийской – 0,60М. Проращивание семян солодок в растворах сернокислого магния показало, что при концентрации 0,15М наибольшая всхожесть семян у муонкумской и кегейлийской популяций – 24,7 – 20,2%. Время прорастания наибольшее у кегейлийской и наименьшее у гобийской популяции. Энергия прорастания у всех популяций колеблется от 1,4 до 3,2. Концентрация 0,45М



оказалась для муонкумской и кегейлийской популяций пороговой, т.к. всхожесть солодки при такой концентрации резко снизилась, а дальнейшее увеличение концентрации приводило к потере всхожести семян.

## ЎСИМЛИКЛАРДА SOS МЕТАБОЛИК ЙЎЛИНИНГ ШЎРГА ЧИДАМЛИЛИКДАГИ РОЛИ

Маматкулова Г.Ф., Эгамбердиев Ш.Ш., Муллахунов Б.Т., Раджапов Ф.С.

Центр Геномики и биоинформатики АН РУз  
111215, Ташкентская обл., Кибрайский р-он, ул. Университетская, д. 2  
[info@genomics.uz](mailto:info@genomics.uz)

Ўсимликларда шўрга чидамлилик кўплаб генлар томонидан мураккаб генетик регулятор йўллар орқали бошқарилади. Шўрланиш ўсимликларда осмотик ва ион стресс келтириб чиқариб, ўсимликлар ўсишига салбий таъсир қилади. Тузнинг юқори концентрацияси тупроқда сув потенциалини камайтиради, шу сабабли ўсимлик илдизи орқали сувнинг ўзлаштирилиши қийинлашади ва бу вақтда ўсимлик тўқималарида тузнинг аста-секин тўпланиши ионли стресс билан боғлиқ бўлади [1].

Шўр стрессга жавоб беришнинг асосий йўлларида бири бу хужайрада зарарли (токсик) натрий ионларининг тўпланишини чеклаш орқали ионлар гомеостазини назорат қилишдир [2]. Хужайрада ионлар гомеостазини назорат қилишда зарур ҳисобланган йўлларида бири бу *SOS (Salt Overly Sensitive)* метаболик йўли (pathway) дир. Юқори шўрланишли стресс кальций сигналини кўзгатади бу эса *SOS* йўлининг фаоллашишига олиб келади. Цитозолдаги  $Ca^{2+}$  ионлари ўзгаришларини калций сенсори (*SOS3*) сезади ва *SOS2* протеин киназа билан таъсирлашади. Бу *SOS3-SOS2* протеин киназа комплекси  $Na^+/H^+$  антипортер (*SOS1*) ни фосфориллайди, натижада ортиқча  $Na^+$  ионлари чиқариб юборилади. Бу жараёндаги яна бир муҳим хусусиятлардан бири *SOS3-SOS2* комплексининг фақатгина *SOS* каналиги таъсир қилиб қолмасдан балки, бошқа туз билан боғлиқ бўлган метаболик йўлларга ҳам таъсир қилиши ва натижада ионлар гомеостазини таъминлашда иштирок этишидир. *SOS3-SOS2* комплекси *НКТ (histidine kinase transporter)* каналлари фаоллигини тўхтатади ва натижада  $Na^+$  нинг цитозол ичига кириши тўхтатади. *SOS2* нинг яна муҳим томонларидан бири бу *NHX* каналларига (*vacuolar Na/H exchanger*) таъсир қилиб уларни фаоллаштиради, натижада вакуолага ортиқча  $Na^+$  ионлари тўпланади. Шу орқали  $Na^+$  ионлари гомеостазини таъминлашда ёрдам беради.

Геномика ва биоинформатика марказида *G.hirsutum* геномида шўрга чидамлиликни таъминлашда иштирок этувчи *SOS* генларни аниқлаш учун биоинформатик дастурлар ёрдамида текширувлар ўтказилди. Текширувлар натижасига кўра *G.hirsutum* геномида *SOS1*, *SOS2* ва *SOS3* генларининг нуклеотид кетма кетликлари ва структуралари аниқланди. Бу генлар учун праймерлар яратилмоқда, келгусида бу генлар эксперессиясини арабидопсисда кўриш режалаштирилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлардан мақсад келгусида шўрга чидамли ўсимликлар яратишдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Munns, R., and Tester, M. (2008). Mechanisms of salinity tolerance. *Annu. Rev. Plant. Biol.* 59, 651–681.
2. Tester, M., and Davenport, R. (2003). Na<sup>+</sup> tolerance and Na<sup>+</sup> transport in higher plants. *Ann. Bot.* 91, 503–527
3. Narendra Tuteja (2007). Mechanisms of High Salinity Tolerance in Plants. *Methods in Enzymology* DOI: 10.1016/S0076-6879(07)28024-3.

## **GOSSYPIMUM HIRSUTUM ДА ШЎРГА ЧИДАМЛИЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ SOS1 ГЕНИНИ *IN SILICO* УСУЛИДА АНИҚЛАШ.**

Маматкулова Г.Ф., Эгамбердиев Ш.Ш., Раджапов Ф.С., Муллахунов Б.Т.

Центр Геномики и биоинформатики АН РУз 111215,  
Узбекистан, Ташкентская обл., Кибрайский р-он, ул. Университетская, д. 2  
[info@genomics.uz](mailto:info@genomics.uz)

Ер юзида шўрланган ерлар тахминан 1000 мга. атрофида бўлиб, бутун дунё умумий ер майдонларининг 9 % дан кўпроғига тўғри келади [3]. Ўзбекистонда эса шўрланган ерлар майдони 750 минг км<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Республикаимизнинг умумий суғориладиган майдони 4,3 млн. гектар бўлса, шундан 55-60 % и шўр ерлар ҳисобланади [1].

Тупроқдаги тузлар, айниқса тез эрувчан тузлар кишлок хўжалик экинларининг ривожига жиддий зарар кўрсатиб, уларнинг ҳосилдорлигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Шўрланган тупроқларда натрий ионлари ўсимликлар учун зарарли бўлиб, уларнинг K<sup>+</sup> озикланишига, цитозолдаги ферментлар фаоллигига, фотосинтез ва метаболизмга салбий таъсир қилади [2]. Маълумки ўсимликларда шўрга чидамлиликни таъминлашда бир қанча генлар иштирок этади. Ўсимликларда шўрга чидамлиликни таъминлашда иштирок этувчи генлардан бири бу SOS1 (Salt Overly Sensitive 1) генидир. Бу ген биринчи марта Арабидопсис ўсимлигида аниқланган [2].

Хозирги вақтгача *Gossypium hirsutum* геномида шўрга чидамлиликни таъминлашда иштирок этувчи SOS1 гени структураси аниқланмаган ва бу борада илмий изланишлар олиб борилмаган. Шунинг учун биз бу генини *G.hirsutum* геномида *in silico* усулида аниқлашни мақсад қилдик.

*G.hirsutum* геноми UGENE биоинформатик дастури орқали *in silico* PCR қилинди. Олинган натижалар асосида *Gossypium hirsutum* геномида 2 та SOS1 гени аниқланди. Бунда биринчи SOS1 гени А-геномнинг 5-хромосомада жойлашган. Ген 2274 bp нуклеотид жуфтдан иборат бўлиб, 12 та экзон ва 11 та интрондан ташкил топган. Иккинчи SOS1 гени D-геном 12-хромосомада жойлашиб, 3303 bp дан иборат. Ген 21 та экзон ва 20 та интрондан ташкил топганлиги аниқланди.

*Gossypium hirsutum*да SOS1 генини излаш ва бу генининг структурасини аниқлаш ва бунинг натижасида ген фаолиятини ошириш ўсимликнинг шўрга чидамлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

Суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил қилиш бўйича ТАВСИЯ. Тошкент 2016 йил. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги ТИМИ.

1. SHI, H., ISHITANI, M., KIM, C.S. AND ZHU, J.K. 2000. The Arabidopsis thaliana salt tolerance gene SOS1 encodes a putative Na<sup>+</sup>/H<sup>+</sup> antiporter. Proc. Natl. Acad. Sci. USA, 97:6896- 6901
2. FAO, 2011. FAO Land and Plant Nutrition Management Service.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КАРТОШКА М- ВИРУСИНИНГ  
ТАРҚАЛИШИНИ ИФА ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ**  
Ахмадалиев Б.Ж., Файзиев В.Б.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
100174, Тошкент шаҳар, Талабалар шаҳарчаси Университет-4 кўчаси  
